



**А.Н.Холиқулов
Д.Р.Махмудова**

**ИҚТИСОДИЁТНИ СТРАТЕГИК
РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА
КИЧИКБИЗНЕСНИ БОШҚАРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

А.Н.Холиқулов, Д.Р.Махмудова

**“ИҚТИСОДИЁТНИ СТРАТЕГИК
РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА
КИЧИК БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ”**

**(Самарқанд вилояти статистика
бошқармаси маълумотлари асосида)**

МОНОГРАФИЯ

Самарқанд - 2020

УДК: 334.7

ББК: 65.29

А.Н.Холиқулов, Д.Р.Махмудова. Иқтисодийни стратегик ривожлантириш шароитида кичик бизнесни бошаришни такомиллаштириш. Монография. – Самарқанд: 2020, - 126 б.

Монографияда кичик бизнеснинг ўрни ва аҳамияти қанчалик муҳим эканлигини, бошқарув ҳуқуқий асосларини, бошқарувни ташкилий тузилмасини, кичик бизнес корхоналари бошқарув самарадорлигини оширишни, кичик бизнес корхоналари бошқарув самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар ва уларни таҳлил қилиш йўллари, кичик бизнес секторларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва бу борада олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларни, кичик бизнес бошқарувида инновацион хориж тажрибасини, кичик бизнес корхоналарини бошқарув самарадорлигини ошириш истиқболларини, кичик бизнеснинг ЯИМдаги улушини кўпайтириш кабиларни ўрганиш асосий мақсад қилиб белгиланган.

Монография илмий изланувчиларга, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларга, магистрларга, докторант ва профессор ўқитувчиларга мўлжалланган. Ундан соҳа мутахассислари ва мавзуга қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси ҳам фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар:

Қ.Ж.Мирзаев – Самарқанд иқтисодий ва сервис институти, “Менежмент” кафедраси профессори, и.ф.д.

Д.Қ.Усманова – Самарқанд Давлат Университети, “Кадрлар менежменти ва бизнес” кафедраси мудири, доцент, и.ф.н.

Монография Самарқанд иқтисодий ва сервис институти Илмий кенгашида муҳокама қилинган ва нашр учун тавсия этилган (баён № 10, 25.05.2020 йил).

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	8
1.1. Кичик бизнеснинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти.....	8
1.2. Иқтисодиётни стратегик ривожлантириш шароитида кичик бизнесни бошқаришнинг ҳуқуқий асослари	19
1.3. Иқтисодиётни стратегик ривожлантириш шароитида кичик бизнеснинг бошқаруви ташкилий тузилмаси.....	30
I боб бўйича хулоса.....	43
II. БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ	46
2.1. Ҳудуд кичик бизнес бошқарувида иқтисодий курсаткичлар таҳлили.....	46
2.2. Кичик бизнесни бошқариш самарадорлигини ифодаловчи курсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари.....	58
2.3. Кичик бизнес корхоналари бошқарув самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар ва уларни таҳлил қилиш йўллари.....	68
II боб бўйича хулоса.....	74
III. БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	76
3.1. Республикамизда кичик бизнес секторларини молиявий қуллаб-қувватлаш ва бу борада олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар	76
3.2. Кичик бизнес бошқарувида инновацион хориж тажрибаси..	92
3.3. Мамлакатимизда кичик бизнес корхоналарини бошқарув самарадорлигини ошириш истиқболлари.....	108
III боб бўйича хулоса	114
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	118
Фойдаланилган адабиётлар	121

КИРИШ

Мустақилликка эришганимиздан сунг Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнес соҳаси ва бошқаруви масаласига катта эътибор берилди. Кичик бизнес секторига чет эл инвестицияларини жалб қилиш, модернизация ва диверсификация ишларини олиб бориш, янги замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган корхоналарини ташкил қилиш, илгор технологияларни қўллаш орқали рақобатбардош ва экспорт қилиш учун мулжалланган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Юртимизда кичик бизнес тобора ривожланиб, жаҳон мамлакатларининг бир қатор индекс кўрсаткичларида муносиб ўринлардан жой олган. Бундай кўрсаткичларда қайси поғонада булишлик, бу мамлакатлар иқтисодиётининг не чоғлик ривожланганлигидан далолат беради. Мамлакатимизнинг иқтисодий кудратини янада оширишда эса айнан шу соҳанинг урни беқиёсдир. Шу сабабдан ҳам ҳозирги ахборот технологиялари асрида албатта, кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришнинг урни ва аҳамияти қанчалик муҳим булса, уларнинг бошқарув самарадорлигини ошириш ҳам янада зарур эканлигидан далолат беради.

Шу уринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида»ги Фармонида "... хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш..." муҳим вазифа сифатида белгиланган. Бу эса ўз навбатида янги Ўзбекистонни халқимиз билан биргаликда барпо этишимиз, улугвор мақсадларни ўз олдимизга қўйган ҳолда, "Жамият – ислоҳотлар ташаббускори" деган янги гоё асосида ислоҳотларнинг амалий натижадорлигини оширишда, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолимизнинг янада фаолроқ, янада ташаббускор булишига эришмоғимиз лозим.

Энг асосийси, бу ислоҳотлар натижасида халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яхшилаш, инсонларнинг етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва

инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ва иш жойларини кўпайтиришимиз зарур эканлиги мавзунинг нақадар долзарб аҳамият касб этишидан далолат беради.

Ҳозирга қадар кичик бизнес бошқаруви ва уни такомиллаштириш масалалари хорижий давлатлар иқтисодчилари томонидан турлича ёндашувлар асосида ўрганиб келинган. Масалан, Э.Стейли, Р.Морс, А.Бруно, Т.Тайбджи, В.Гартер, К.Мэннинг, С.Бирли, Д.Норберн тадбиркорликни ривожланишига асосий эътиборни қаратган булсалар, Л.Дана, П.Давидссон, Д.Свонсон, Л.Вебстер кабилар эса ўз эътиборларини тадбиркорлик муҳитига таъсир этувчи ташқи омилларни урганишга қаратганлар. Россиялик иқтисодчилардан Е.Быкова, Б.Жихаревич, Н.Симионова ҳам кичик бизнес соҳасида ўз фикрларини билдириб ўтганлар. Таниқли ўзбек иқтисодчиларидан С.С. Ғуломовнинг “Тадбиркорлик ва кичик бизнес” номли уқув қўлланмасида тадбиркорлик муҳитида бошқарувнинг аҳамияти ҳақида қисқача фикр берилган. Б.Ю.Ходиев, М.С.Қосимова, А.Н.Самадов каби иқтисодчилар “тадбиркорлик фаолиятини самарали олиб бориш учун маълум бир ишчи муҳити бўлиши керак” деб қайд этганлар.

Самарқанд иқтисодиёт мактабининг бир қанча олимлари М.Қ.Пардаев, М.М.Мухаммедов, Қ.Ж.Мирзаев, И.С.Тухлиев, Ь.А.Абдукаримов, Д.Х.Асланова, Ш.А.Султонов ва бошқаларнинг чоп қилинган ишларини ҳам шу соҳани ривожлантиришнинг мақсадли йуналтирилганлигини курсатиш мумкин. Бироқ, кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириш масаласини ўз ичига қамраган илмий изланишлар давом эттирилмоқда. Бу эса соҳа бошқарувида қилинадиган ишлар ҳали жуда кўп эканлигидан далолат беради.

Бугунги кунда юртимизда фаолият курсатаётган кичик бизнес корхоналарнинг ўрни, аҳамияти ва бошқаруви масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Аҳоли даромадларини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун бизга янги-янги кичик бизнес корхоналари керак. Бунинг учун бозор иқтисодиёти ва давр талабларига мос кўплаб қонун ва қарорлар қабул қилинмоқда. Бу каби ислохотларнинг барчаси кичик бизнесни бошқарувини

такомиллаштириш, содда қилиб айтганда, жаҳон ишлаб чиқариш тизимига, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлиши лозим.

Республикамизда кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда аввало тадбиркорларнинг билим савиясини оширган ҳолда уларда назарий ва амалий куникма салоҳиятини шакллантириш, бизнесда бошқарувни тўғри йўлга қуйган ҳолда, корхона фаолиятини янада самарадорлигини ошириш, ЯҲМ ва ЯИМ да кичик бизнес улушининг усишига эга бўлиш муҳим урин тутади.

Кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириш куйидагиларга ўз таъсирини ўтказади:

- корхонанинг бошқарув самарадорлигини оширади;
- корхонанинг узоққа мўлжалланган ишларини аниқлайди;
- мураккаб технологик жараёнларни қўллайди;
- корхона ривожланишини прогноз ҳолатини куришда муҳим аҳамиятлилиги каби бир қатор устунликларни беради.

Ҳар бир кичик бизнес корхонасининг узининг стратегик мақсадлари мавжуд. Улар корхонанинг бугунги ва келажакдаги бажариши лозим бўлган ишларни белгилаб қўяди. Шу ўринда, стратегик мақсад сўзининг маъносига бир назар ташласак:

Стратегик мақсад бу – рақобатбардош ҳаракатлар орқали корхонанинг муваффақиятини таъминлашдан иборат. Корхона раҳбарининг стратегик режани яратишдан мақсади эса кўп омилли мураккаб муҳитда бизнесни бошқариш бўйича малакали қарор қабул қилиш ҳисобланади. Самарали стратегияни самарали амалга ошириш бу нафакат бизнеснинг муваффақияти қоидаси, балки бошқарув сифатини синовдан ўтказиш демакдир. Кичик бизнес корхонаси бошқарувини такомиллаштиришда стратегик мақсаднинг тўғри танланиши қабул қилинадиган энг муҳим қарор бўлиб, у бизнесда муваффақиятга эришиш омили ҳисобланади.

Иқтисодий стратегик ривожлантириш шароитида кичик бизнесни бошқаришни шакллантириш ва такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқотнинг муҳим мақсадидир.

Бу мақсадларни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни белгилаб олиш муҳим:

- Кичик бизнесни бошарувини такомиллаштиришнинг мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятининг назарий жабҳаларини тадқиқ этиш;

- Кичик бизнесни бошқаришнинг ҳуқуқий асослари бўлган қонун, қарор, фармоиш ва бошқа норматив ҳужжатларнинг не чоғлик муҳим эканлигини аниқлаш ҳамда назарий хулосаларни шакллантириш;

- Кичик бизнеснинг бошқаруви ташкилий тузилмаси шакллари урганган ҳолда, энг мақбул ва самарали бошқарув ташкилий тузилмасини шакллантириш;

- Самарқанд вилоятида кичик бизнес бошқарувида иқтисодий кўрсаткичлар ва корхона бошқарув самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилиш;

- Кичик бизнес корхоналари бошқарув самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар ва уларни таҳлил қилиш йулларини аниқлаш;

- “Касаба Самарқанд” сайёҳлик агентлигида самарадорлик кўрсаткичларининг ҳолатини таҳлил қилиш;

- Кичик бизнес секторларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва бу борада олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларни ўрганиш;

- Кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда хориж тажрибасинининг аҳамияти ва амалиётини ўрганиш;

- Кичик бизнес корхоналари бошқарув самарадорлигини ошириш прогнозини қилиш;

- Кичик бизнесни бошқарувини шакллантириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Ї БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Кичик бизнеснинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва ахамияти

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб бурилишлар содир бўлди. Бу ҳолат улкан ислохотлар тараққиётига замин яратибгина қолмай, балки мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқларига ҳам ўз таъсирини курсатмай қолмади. Биринчи Президентимиз Ислон Каримов томонидан яратилган “Ўзбек модели”нинг, яъни Ўзбекистон тараққиётининг беш тамойилида илмий жиҳатдан асосланган “Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги” шароитида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич утишда кичик бизнеснинг узига хос муҳим аҳамиятга эга эканлигини чуқур англаймиз.

Шу туфайли иқтисодиётни стратегик ривожлантириш шароитида кичик бизнеснинг урни бекиёсдир. Негаки, бу сектор мамлакатимиз бюджетининг даромад қисмида асосий ўринда туради. Шу билан бирга шуни таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, уни самарали бошқариш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев кичик бизнесни ривожлантиришга катта эътибор қаратар экан, унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида фаол тадбиркорга қуйидагича таъриф берди. -“Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун

уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт”¹ деб таъкидлади.

Кичик бизнес ҳақида суз юритилар экан, дастлаб бизнес тушунчасига тўхталиб ўтсак. Бизнес сузи инглизча суз булиб, у тадбиркорлик фаолияти ёки бошқача суз билан айтганда кишиларни фойда олишга қаратилган тадбиркорлик фаолиятидир. Кичик бизнес – бу хусусий секторга (одатда юқори бошқарувга) эга бўлган, ўз бозорида доминант бўлмаган ва маҳаллий операцияларни қўллаб-қувватловчи ва кам киши ишлайдиган ташкилот. Тадбиркорлар бизнесни яратиш, шакллантириш, юритиш, бошқариш ва ривожлантиришда етарлича билимларга эга эмаслиги ўзига хос муаммоларга сабаб бўлмоқда. Кўп ҳолларда, агар бизнес муваффақиятсиз булса, шахсий молия ресурслари йўқолади. Кичик бизнесда катта корпорациялардан фарқли ўлароқ, хатолар, рисклар ёки кутилмаган воқеалар оқибатларини юмшатиш учун ҳеч қандай етарли маблағ мавжуд эмас. Кўпгина кичик бизнес субъектлари биринчи навбатда тадбиркорлик қарорларини қабул қилишнинг аҳамияти ва стрессини кучайтиради. Тадбиркорлар, шунингдек, ўз бизнесларининг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги учун масъул ҳисобланадилар. Улар одатда бошқариш вазифалари (режалаштириш, ташкиллаштириш ва назорат қилиш) ни амалга оширишда масъулият юқини ўз зиммаларига оладилар.

Хорижий адабиётларда бизнес таърифини кўп турлари мавжуддир. Инсоният жамиятининг бутун ривожланиш тарихи у ёки бу жиҳатдан доимо бизнес билан боглиқ булган. Бизнесмен (Тадбиркор) сузи биринчи маротаба Англия иктисодиётида XVIII асрда пайдо булиб, у “Мулк эгаси” деган маънони билдиради. Жумладан, Адам Смит тадбиркорни мулк эгаси сифатида таърифлаб, “уни фойда олиш учун қандайдир гижорат гоясини амалга ошириш мақсадида иктисодий таваккалчиликка борадиган кишидир”-деб таъкидлайди. Тадбиркорни узи, ўз ишини режалаштиради, ишлаб чиқаришни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил яқунлари буйича Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

ташкил этади, маҳсулотни сотади ҳамда олган даромадига ўзи хужайинлик қилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тарихи ҳам хусусий мулк ва бозор сингари узоқ утмишга эга. Жумладан, кишилар узларига тегишли бўлган воситалар ва меҳнат предметларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга булган вақтдан бошлаб тадбиркорлик фаолиятини юргизганлар. Мамлака-тимизда ҳам кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти узоқ утмиш ва тарихга эга. Қадимдан шарқ ва гарб халқларини бир неча минг йиллар давомида савдо-иқтисодий соҳада бир-бирига боғлаб келган қадимги йуллардан бири “Буюк ипак йули”дир. Бу йул фанга “Ипак йули” номи билан фақат XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб немис олими Ферденанд Фон Рихтгофен томонидан киритилган. Унга қадар бу йул “Ғарбий меридионал йул” деб номланиб келинган. “Буюк ипак йули” орқали шарқ ва гарб мамлакатлари узларини иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий алоқаларини амалга оширган. Жумладан, Хитой ҳукмдорлари уз элчиларини катта совға-саломлар билан Марказий Осиё, Эрон, Месопотамия ва Кичик Осиё давлатларига юборганлар. Сугдлик савдогарлар узларининг бу йулдаги ҳукмдорликларини сақлаб қолиш учун Шарқий Туркистонда, Еттисув, Олтойдан то Енисей соҳилларига қадар булган худудларда, шимолий Хитойнинг Шанси вилояти ва Дунхуан каби шаҳарида ўз карвонсаройларини барпо этганлар. Савдо йули ўтган худудларда албатта, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ва унинг замирида савдо-сотик ривожланиб мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамият касб этган.

Мустақил тараққиёт йўлимизга назар ташлайдиган булсак, тадбиркорликни кенг ва равон йулга олиб чиқиш, иқтисодий ривожланишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш осон кечмаганлигини яққол кўриш мумкин. Маъмурий буйруқбозлик тузумда асрлар мобайнида ўз тасдиғини топган иқтисодий қонунлар инкор этилган ва иқтисодиёт зурма-зураки тарзда боши берк кучага киритиб қуйилган, тадбиркорликнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги беқиёс аҳамияти йуққа чиққанлиги

хаммамизга маълум. Аммо, шундай даврда аҳолини тадбиркорлик фаолиятига қизиқтириш биринчи Президентимиз ташаббуси билан 1989 йилда аҳолига ўзининг шахсий хужалигини йулга қуйиш учун ер участкалари ажратиб беришидан бошланган. Бу ўз навбатида, энг мураккаб ўтиш даврида юртимизда ижтимоий барқарорликни сақлаш, одамларни иш билан банд этиш, қишлоқ хужалик маҳсулотлари етиштиришни купайтириш ҳисобига бозорларни тукин-сочин қилиш, нарх-наволарни арзонлаштириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятларини берди. Энг муҳими, одамларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка булган қизиқишини, эркин ишлаб унинг маҳсулидан ўзини ва жамиятни баҳраманд этиш ва мулкка эгалик қилиш ҳиссиётларини уйғотди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисми сифатида аҳолининг иш билан бандлигини ва фаровонлигини ошириш ҳамда иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим воситасига айланиб бормоқда. Шу боисдан ҳам юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи булган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қисслаб булмайд.

Хорижлик олимлар, жумладан АҚШнинг Техас ва Иллинойа университетлари профессорлари С.Розенблат, Р.Боннингтон ва Б.Нидслар томонидан тайёрланган “Бизнес концепцияси” дарслигида: “Бизнес нима?” деган саволга улар:

Бизнес - бу иш юритиш системасидир.

Бизнес - бу инсонларга керак булган маҳсулотларни яратишдир.

Бизнес - бу ишдир.

Бизнес - бу бизни қандай яшашимиздир.

Бизнес - бу бизнинг ижтимоий-иқтисодий системамизнинг марказий қўчасидир.

Бизнес - бу узимизнинг хоҳиш истакларимизни қондириш учун яратган системамиздир.

Бизнес - бу жамиятни хоҳиш ва эҳтиёжларини қондириш учун яратилган ишлаб чиқариш системасидир - деб жавоб берганлар.²

Кичик бизнесда тадбиркорликни ташкил қилишнинг энг оддий шакли бу якка хусусий тадбиркорликдир.

Хусусий тадбиркорлик – хужалик юритишнинг шундай ташкилий-ҳуқуқий шаклики, унда мулк эгаси битта шахс ёки оила бўлади ва фаолиятдан келган даромадни (турли тулов ва солиқлар тулангандан кейин) ҳаммасига эгалик қилади, қолаверса бизнесдаги хавф-хатар, таваккалчилик учун якка ўзи жавоб беради.

Тадбиркорликнинг ушбу шакли чакана савдода, умумий овқатлапиш соҳасида, маслаҳат соҳасидаги бизнесда, маиший хизматда, фермерчиликда, тиббиётчилик амалиётида ва ҳунармандчиликда кўпроқ учрайди. У икки хил кўринишда ташкил қилиниши мумкин:

а) индивидуал яъни, корхона ташкил қилмасдан;

б) хусусий корхона яъни, юридик шахс ташкил қилган ҳолда.

Хусусий тадбиркорликнинг афзаликлари:

- ишни ташкил қилишда оддийлик, тўла мустақиллик, ҳаракатдаги эркинлик ва тезкорлик. Тадбиркор бирор қарор қабул қилишида юқори ташкилотларга мурожаат қилишининг ёки шериклар розилигини олишнинг зарурати йўқ;

- ишга қизиқтирувчи сабабларнинг кўплиги, чунки барча фойда фақат мулкнинг ёлғиз эгасига келиб тушади ва кўпроқ ишлашга рағбатланади, иш устидан керакли назорат ўрнатиш, эҳтиётлик билан қарор қабул қилиш ва кўллагини янада кенгайтиришига интилади;

- конфиденциаллик (ишдаги махфийлик) сақланади. Баъзан бир бизнес турлари махсус услуб, йўллар, технологиялар тадбиркорлик фаолиятининг асосий бойлигини (капиталини) ташкил қилади. Хусусий тадбиркорлик махфийликни сақлашга имкон яратади;

² Кичик бизнес тушунчаси ва унинг моҳияти. Мастура Ҳамроева
yoshtadbirkorlar.blogspot.com

- хусусий тадбиркорликда унинг ташкилий ҳуқуқий шаклини ўзгартириш нисбатан енгил кечади (масалан, масъулияти чекланган жамиятлар тузиш).

Хусусий тадбиркорлик камчиликлари:

- заиф молиявий пойдеворга эгаллиги. Бу катта миқдордаги капитални жалб қилишдаги қийинчиликларга сабаб бўлади;

- хўжалик фаолиятида хавф-хатар ва таваккалчилик юқори даражада булганлиги сабабли фаолият давомийлигининг ноаниқлиги;

- барча хўжалик фаолияти учун чекланмаган жавобгарликнинг ҳукм суриши;

- якка хўжалик мулкнинг, мулкни бошқа шахсга (масалан, бошқа оила аъзоларига) беришда ноқулайлиги ишдан эмаслиги;

- мулк эгасини улими, меҳнатига нолойиқ бўлиб қолиши ёки ишдан четланиши ҳоллари юз берганда якка хўжалик мулки таркибини сақлаб қолиши мушкуллиги.

Юқорида келтирган камчиликларни бартараф этиш ниятида ишбилармонлар мол-мулки, касб ёки капиталларини қушиб бирлашадилар.

Тадбиркорлик фаолияти бизнеснинг бир шакли сифатида намоён бўлади ва унинг турли соҳаларида амалга оширилади. Ўзбекистонда тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида **“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”**ги қонун қабул қилинди. Унга биноан, тадбиркорлик фуқароларнинг фойда ёки шахсий даромад олишга йўналтирилган мустақил ташаббускорлик фаолияти саналади ва фуқаронинг ўз номидан, ўзининг таваккалчилиги билан ҳамда ўзининг ёки юридик шахснинг (корхонанинг) мулкий жавобгарлиги асосида амалга оширилади. Шундай қилиб, тадбиркор тўла ёки қисман моддий маблағга ёки молиявий ресурсларга эга гайратли инсон бўлиб, ушбу ресурсларни ўз ишини (бизнесини) ташкиллаштиришга йўналтиради. У очган фирма (ташкilot, ширкат, корхона) мамлакатимизда равноқ топаётган кичик бизнеснинг бир қисмига айланади.

Тадбиркорлик ва хусусий бизнес ҳар доим бозорлар фаолияти билан боғлиқ. Бозорларда уларнинг маҳсулот ва товарлари реализацияси амалга оширилади ва даромад олишга эришилади. Куйидаги чизмада бозорларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги ўрнини куришимиз мумкин.

1.1.1-жадвал.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда бозор инфраструктурасининг ўрни.³

Бозор инфраструктураси			
1.	Капитал бозори	Ишлаб чиқариш воситалари бозори	Меҳнат бозори
2.	Фонд биржаси	Товар биржаси	Меҳнат биржаси
3.	Сугурта	Савдо уйлари	Кадрларни тайёрлаш марказлари
4.	Аудиторлик ташкilotи	Савдо-воситачи корхоналар	Бандлик фонди
5.	Брокерлик Компаниялари	Тижорат марказлари ва компаниялари	Бизнес-тижорат марказлари
6.	Тижорат банклари	Лизинг компаниялари	Тадбиркорликни куллаб-қувватлаш
7.	Давлат сугурта Назорати	Аукционлар	Давлат фонди
8.	Давлат солиқ Инспекцияси	Ярмаркалар	Пенсия фонди
9.	Қимматли коғозларни назорат қилиш Давлат инспекцияси	Давлат захира ва сугурта фондлари	Меҳрибонлик фонди

³ Шахзода Баева, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий ва ривожлантиришдаги аҳамияти. www.biznes-daily.uz

Жадвалда бозор инфраструктураси тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутуши ўз ифодасини топган. Тадбиркорлик фаолиятида иштирок этувчилар товарлар (ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизматлар кўрсатиш) турларига қараб, юқорида тилга олинган бозорларда уларнинг реализациясини амалга оширадilar.

Тадбиркорлик билан шугулланувчиларнинг аксариятини одатда ёшлар ташкил этади. Асосий йўналишларидан бири кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хом ашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишини таъминлайдиган бозор воситалари ва механизмларини татбиқ этиш муҳим аҳамиятлидир. Ҳозирги шароитда кичик бизнес куйидаги алоҳида хусусиятлар: – ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчилар сони ва қайси саноат тармоғига тегишлилиги билан тавсифланадиган тадбиркорлик шакли сифатида намоён булади. Кичик бизнесга ўзининг мустақил мулки ҳамда хўжалик мустақиллигига эга булган ва ўз фаолияти соҳасида юқори (доминант) ҳисобланмаган фирмалар киради. Хорижий тадқиқотчиларнинг купчилиги кичик бизнес субъектига 500 киши ишлайдиган ва савдо-сотик ҳажми 20 миллион доллардан ошмаган фирмаларни киритадилар.

Кичик бизнес ҳозирги даврга келиб нафақат бизни мамлакатимиз, қолаверса жаҳон мамлакатлари иқтисодий кудратини белгиловчи муҳим омилдир. Юртбошимиз иқтисодий сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири иқтисодий кудратимизни янада оширишда кичик бизнес бошқарувини янада такомиллаштириш вазифаларига катта эътибор қаратган.

Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан, 2020 йилга **“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”**, деб ном берилди. Бундай

номланиши албатта ўз навбатида иқтисодийтимизнинг барча тармоқларига ўз таъсирини кўрсатиб, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини янада юқори курсаткичларга олиб чиқиши учун, ҳамда бошқарув тизимини янада тубдан ислоҳ қилишда катта замин яратади, десак муболага булмайди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бугунги кунда давлат сиёсатининг энг устувор йуналишларидан биридир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сўзлари билан айтганда, **“Биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз”**. Бу йўлда эса албатта бизга ўз касбининг етук мутахассислари, шижоатли, меҳнатсевар, иймон-эътиқоди бутун, ўз келажагини ўзи мустақил ярата оладиган ёш кадрлар муҳим аҳамиятлидир. Бунда эса даставвал 2020 йил номида белгиланган мақсадларни устувор даражада ривожлантириш ва ислоҳ этиш бўйича кенг қўлламли ишларни амалга оширишимиз лозим.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва бизнес муҳитини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самарасида Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш – 2020” ҳисоботида Ўзбекистон 7 поғонага кўтарилиб, 69-ўринни эгаллади ва дунёнинг энг яхши 20 та ислоҳотчи давлатлар қаторидаи жой олди. Янги корхона очиш қулайлиги бўйича юртимиз илк бор дунёда саккизинчи ўринга кўтарилди.

Бундай имкониятлар натижасида 91 мингта ёки 2018 йилга нисбатан 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Лекин ҳали соҳа ривожини йўлида қилинадиган ишлар ҳам кўп. “Бизнес юритиш – 2020” ҳисоботида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш жумладан, ер ажратиш, қурилиш ва мол-мулкни рўйхатга олиш борасида қулайликлар яратиш керак. Давлат томонидан 37 турдаги маҳсулот ва хизматлар нархининг тартибга солинаётгани эркин рақобатга салбий таъсир қилмоқда. Шунинг учун ҳисобга олиб, энди асосий эътиборни нархларни белгилашга эмас, балки корхоналар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш орқали нархларни пасайтиришга ва сифатни оширишга қаратишимиз керак.

Амалга оширилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналиш танланди.

Бунга яққол мисол қилиб, “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш”⁴ каби мақсадларни уз олдимизга қуйганмиз.

Кичик бизнеснинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти не чоғлик муҳим эканлиги унинг бевосита жаҳон рейтингларидаги курсаткичларда қандай жойни эгаллаши билан боғлиқдир. Иқтисодиёт ва жамиятнинг ҳолатини акс эттирувчи халқаро рейтинглар Ўзбекистондаги ишбилармонлик муҳитининг анча суст ривожланишини кўрсатади. Афсуски, Ўзбекистон бир қатор муҳим рейтингларда, масалан, Global Entrepreneurship Monitor рейтингида йўқ.

Қуйидаги жадвалдан шуни куришимиз мумкинки, бу соҳа ривожини учун қилинадиган ишлар ҳали жуда кўпдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон бу курсаткичларда муносиб уринини эгаллаши мамлакатимиз тарраққиётининг юксак погоналарни эгаллаши билан белгиланади.

⁴ 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”.

Кичик бизнес мамлакат иқтисодиётида тутган ўрндан келиб чиққан ҳолда, бу соҳани кенгайтириш, бошқарувни такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш асосида белгиланган вазифаларини тулиқ бажаришни таъминлаш ва ривожлантиришда янги сифат босқичига ўтишини таъминлашдан иборат.

1.1.2- жадвал

**Халқаро рейтинглар индекс кўрсаткичларида
Ўзбекистоннинг ўрни.⁵**

№	Индекс	Таъриф	Ўзбекистон Республика-сининг позицияси	Индекса иштирок этаётган давлтлар
1	Index of Economic Freedom, 2019	Иқтисодий эркинлик индекси, яъни фуқаролар учун зарур булган химоя ва эркинликдан ташқари, товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тарқатиш ва истеъмол қилишга давлат аралашуви ва тусқинликларининг йуқлиги.	140	180
2	Doing Business, 2020	Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришга ёрдам берадиган кўрсаткичлар ва уни чекловчи мезонлар	69	186
3	Indigo Index, 2018	Хом ашё ва табиий ресурслардан фойдаланишдан инновациялар ва технологиялардан фойдаланишга утиш шароитларида иқтисодиётнинг мослашувчанлиги ва ривожланиш қобилиятини баҳолаш	128	180

Қуйидаги жадвалдан шунни куришимиз мумкинки, ҳали бу соҳа ривожини учун қилинадиган ишлар ҳали жуда купдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон бу кўрсаткичларда муносиб уринни эгаллаши мамлакатимиз тарраққиётининг юксак погоналарни эгаллаши билан белгиланади.

Кичик бизнес мамлакат иқтисодиётида тутган ўрндан келиб чиққан ҳолда, бу соҳани кенгайтириш, бошқарувни такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш асосида белгиланган вазифаларини тулиқ бажаришни таъминлаш ва

⁵ [Uzbekistan2035/uz/2019/05/Концепция-Развития-Узбекистана-uzb/pdf](https://uzbekistan2035.uz/2019/05/Концепция-Развития-Узбекистана-uzb/pdf) Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегиясининг концепцияси асосида муаллиф томонидан тузилди.

ривожлантиришда янги сифат босқичига ўтишини таъминлашдан иборат.

1.2. Иқтисодий стратегик ривожлантириш шароитида кичик бизнесни бошқаришнинг ҳуқуқий асослари

Бугунги кунда юртимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни уз вақтида ижро этиш, бизнес ҳамжамияти ва давлат органлари ўртасида самарали мулоқот, соғлом шерикчилик механизмларини йўлга қўйиш, хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш қафолатларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбиркорлар билан бизнес-муҳитни такомиллаштириш масалалари бўйича долзарб ахборот алмашинувини йўлга қўйиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг амалий натижасига эришиш, уз бизнесини ташкил этиш ва юритишда аҳолига ҳар томонлама кўмаклашиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига сифатли давлат хизматлари кўрсатишни таъминлаш масаласи муҳим аҳамият касб этяпти.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий ривожлантиришда, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда муҳим омилдир. Ушбу соҳа вакилларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш мақсадида охириги йилларда Президентимизнинг эликдан ортик фармон ва қарорлари қабул қилинди. Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш, турли рухсатномалар олиш ва бошқа кўплаб хизматлар тартиб-қоидалари соддалаштирилди. Бу борада қулайлик яратиш учун Давлат хизматлари агентлиги ва унинг жойлардаги марказлари ташкил этилди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) лавозими жорий қилинди.

Мамлакатда кичик ва ўрта бизнесни тараққий топтириш учун қонуний асос бўлиб «Тадбиркорлик», «Банк ва банк

фаолияти», «Якка ҳокимликка барҳам бериш ва рақобатни ривожлантириш», «Ҳиссадорлик жамиятлари», «Қимматбаҳо қогозлар ва фонд биржаси», «Товар биржалари», «Чет эл инвестициялари», «Гаров» тўғрисидаги қонунлар, ҳамда Ер, Хўжалик (продцессуал), Божхона, Маъмурий ва Солиқ кодекслари хизмат қилади. Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолияти қуйидаги қонунлар билан ҳам кафолатланган. Булар: “Мулкчилик тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида”, “Хужалик юритувчи субъектларини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”, “Корхоналар тўғрисида”, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида ” ва шу каби қонунлар. Президентимизнинг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Тад-биркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқ-бузарликлари учун молиявий жавобгарликни эркинлаштириш тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда бу борада қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўғхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги ва шу каби бошқа қарорларида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлариға имтиёзлар берилган.

Кичик бизнесни ривожлантиришда жамиятимизда аҳолининг тенг ярмини ташкил этган хотин-қизларнинг аҳамиятини инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқини кафолатлаш ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўлламли ишларни янада такомиллаштириш мақсадида

Президент Шавкат Мирзиёевнинг *“Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”* ги 7 март 2019 йил ПҚ-4235- сонли Қарори қабул қилинди. Жумладан қарорда:

- “тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган аёлларни марказларга жалб этиш ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш;

- аёлларнинг ўз бизнесини ташкил этиш ва юритиш куникмаларини шакллантириш, бизнес ғояларини тайёрлашда консултатив ёрдам бериш, шу жумладан, лойиҳа бизнес-режасини тайёрлаш, солиққа тортишнинг турли режимларини танлаш ва қўллаш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ва бошқа йуналишлар бўйича ўқитишни ташкил этиш;

- зарур ҳолларда, фаолиятини бошлаётган тадбиркор хотин-қизларга маҳаллалардаги бўш турган бинолардан жой ажратилишига кўмаклашиш;

- тадбиркор аёлларга ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этишда зарур маслаҳатлар бериш ва амалий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, ишончли ҳамкорларни топиш, мини-технологиялар ва ускуналар сотиб олишда кўмаклашиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг реализация қилинишига кўмаклашиш;

- норасмий фаолият юритаётган ҳунарманд аёлларга рўйхатдан ўтиш, «Ҳунарманд» уюшмасига аъзо бўлиш орқали солиқлар ва бошқа турдаги имтиёزلардан фойдаланишда ҳамда имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам кўрсатиш масалалрига жиддий эътибор қаратилиш⁶ и юртимизда кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришга самарали имкониятлар яратди.

Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳукуматлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги

⁶ Президент Шавкат Мирзиёевнинг *“Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”* ги 7 март 2019 йил ПҚ-4235- сонли Қарори

Давлат дастурлари маъқулланган. Бу соҳада давлат бошқарув идораларининг ва ишбилармонларнинг узаро муносабатларини мувофиқлаштириш учун зарур чора-тадбирларни, молиявий-кредит, инвестицион, ахборот, кадрлар ва бошқа масалаларида ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган. Бунда энг муҳим масала товар ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш соҳасида кичик ва ўрта тадбиркорликни тараққий топтириш экани белгилаб берилган. Давлат бошқарув муассасаларида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус таркибий бўлинмалар бунёд этилган.

Кичик бизнес тараққиётини давлат томонидан назорат қилишда қуйидаги усуллар қўлланади: фискал, монетар ва бевосита аралашув.

Фискал сиёсатда - тадбиркорлик субъектлари фаолияти солиқ ва давлат туловлари орқали бошқарилади. Бюджетга ҳамда, бюджетдан ташқари фондларга туланадиган солиқ ва туловлар баъзида ҳужалик субъектлар даромадининг 75-80% ни ташкил этмокда. Бу эса, тадбиркорлик фаолиятини олиб борувчига кам манфаат келтиришини кўрсатади. Шунинг учун, иқтисодийetni бошқаришда фискал сиёсат салмоғи юқори бўлмаслиги керак.

Монетар сиёсат - бу давлат томонидан давлат миллий банки орқали муомалага тушадиган пул массасини назорат қилиш - бошқариш демакдир. Монетар сиёсат турлари сематик тарзда қуйидаги қуринишга эга:

1.2.1-жадвал

Давлат томонидан монетар сиёсатнинг олиб борилиши

Сиёсат	Ҳаракат	Самара
Юқори харид қобилиятига эга булган пуллар	Пул таклифини камайтиради. Устама фоизларни оширади.	Дефляция
Харид қобилияти паст булган пуллар	Пул таклифини оширади. Устама фоизларни пасайтиради	Инфляция

Монетар сиёсатни юритиш мамлакатдаги инфляция жараёнини секинлаштиради, бу эса пул-кредит муаммоларини барқарорлаштиришга ва шу асосида тадбиркорликнинг тараққий топишига имкон яратади.

Давлатнинг иқтисодиётга, шу жумладан кичик бизнес тараққиётига бевосита таъсир курсатиши давлат томонидан шу соҳага таълуқли қонунлар яратилиши билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Тадбиркорлик тўғрисида», «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш», «Қорхоналар тўғрисида», «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги қонунлар шу йўлда амалга оширилаётган ижобий ишлар натижасидир. Жумладан, «Тадбиркорлик тўғрисидаги» қонунда бу фаолият билан, айрим категориядаги шахслардан ташқари барча жисмоний ва юридик шахслар шугулланиши мумкин дейилган. Давлат идоралари ва бошқарув муассасалари, ишловчилар, шунингдек, прокуратура ва суд маҳкамалари ходимларининг тадбиркорлик билан шугулланиши маън этилган. Шунингдек, қонунда раҳбари (ёки иш бошқарувчилари-менежерлар) томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик, у мулкни бошқариш соҳасида мулк эгаси бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган ва тадбиркорлар учун белгиланган жавобгарликни уз бўйнига олган ҳолдагина амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида иқтисодиётни тараққий топтириш ва кичик бизнесни бошқариш борасида бир қатор вазифаларни бажариш курсатиб утилган. 2021–2023 йилларга мўлжалланган фискал стратегияни ишлаб чиқиш режалаштирилган. Жорий йилда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига босқичма-босқич ўтиш орқали бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиб, унда акциядорлик жамиятлари, банклар, суғурта ташкилотлари, устав жамгармасида давлат улуши бўлган ҳужалик субъектлари ва давлат унитар қорхоналари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари

асосида молиявий ҳисоботларни тузишга ўтишини белгилаш, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш юзасидан “Йул харита”сини тасдиқлаш назарда тутилади.

“Яширин иқтисодиёт”нинг улушини қисқартириш мақсадида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида хорижий мутахассислар иштирокида бундай иқтисодиётнинг вужудга келиши омилларини таҳлил қилиш ва унга қарши курашиш дастурини тайёрлаш, “рақамли маркировка ва онлайн касса” лойиҳаси уз вақтида ва тулиқ бажарилишини назоратга олиш мўлжалланган. Интернет-савдо (электрон тижорат) соҳасидаги субъектларни аниқлаш тартибини такомиллаштириш, кўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлашни инobatга олган ҳолда солиққа тортиш механизмини, солиқ органларида маркировка қилиш мажбурий бўлган товарларни ҳисобга олишнинг электрон базасини яратиш, “Э-омбор” товарларини ҳисобга олишнинг электрон тизимини жорий этиш ҳам долзарб масалалар қаторидан урин олган.

Тадбиркорлик субъектлари учун рақобат муҳитини яхшилаш мақсадида тайёрланадиган ҳужжатда Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Олий Мажлисга ҳисобдорлигини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, субсидиялар, преференциялар ва имтиёзли кредитлар бериш амалиётини қайта куриб чиқиш мўлжалланган. Давлат органлари томонидан таъсис этиладиган давлат корхоналари, давлат иштирокидаги йирик хўжалик жамиятлари ва табиий монополия субъектлари булган аффилиланган корхоналар сонини қисқартириш, табиий монополия тармоқлари билан турдош бозорларда рақобат шарт-шароитларини яратиш, давлат харидлари, тендерларни амалга оширишда ва ресурсларни тақсимлашда шаффофликни ошириш орқали бозор механизмларини ривожлантириш режалаштирилган.⁷

Мамлакатимизда кейинги икки йил мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига мурожаатномаси 24 январь 2020 йил

таъминлаш, хусусий мулкни муҳофазалаш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, соҳадаги бюрократик тусиқларни бартараф этиш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида кенг кулламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар натижаси эса, нафақат мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида, балки етакчи халқаро молиявий ташкилотлар ва рейтинг агентликларининг ижобий баҳоларида ҳам ҳолисона акс эттирилмоқда. Хусусан, Жаҳон банкининг «Бизнесни юритиш — 2020» ҳисоботида Ўзбекистон тадбиркорлик учун янада қулай шароитлар яратиш бўйича ислоҳотчи давлатлар қаторида жаҳонда биринчи ўнталикка киргани фикримиз далилидир.

Давлат дастурида алоҳида кўрсатиб ўтилганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришни таъминлайдиган ишбилармонлик муҳитини яратиш учун “Кичик ва ўрта бизнес туғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади. Унда кичик бизнес субъектлари тоифасига оид янгиланган мезонлар, ўрта бизнес субъектлари тоифасини жорий этиш ва рақобатбардош компанияларни яратиш мақсадида кичик ва ўрта бизнес субъектлари йириклашишини рағбатлантиришга қаратилган механизмлар белгиланади.

Тадбиркорлар учун ер участкаларига оид маълумотларни очиқ ва ҳаққоний етказиш тизимини такомиллаштириш, алоҳида фаолият турлари билан шугулланишда лицензия ва рухсат бериш тартиб-тамойилларини қисқартириш ҳам кўзланган. Тадбиркорлик фаолияти ва рақобат муҳитига таъсир кўрсатувчи қонун ва техник тартибга солувчи ҳужжатларни ялпи хатловдан ўтказиш ва улар сонини камида 25 фоизгача қисқартириш, соғлом рақобатни таъминлаш орқали нархларни пасайтиришга ва сифатни оширишга эътибор кучайтирилади. Инвестиция ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш назарда тутилган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатни киритиш билан бир вақтда, инвесторлар сарф-харажатларини 2 баробар оширувчи амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш, инвестиция ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга

солишда қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолашнинг тўлиқ тизимини жорий этиш кузланган. Тадбиркорлик фаолияти, инвестиция ва рақобат муҳитига таъсир кўрсатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник тартибга солиш ҳужжатларидан иборат маъмурий ва тартибга солиш юқини кескин камайтириш ва асосиз тўсиқларни олиб ташлаш чоралари қурилади. Савдо соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш ва “Савдо тўғрисида”ги қонун лойиҳасида улгуржи, чакана, кўчма савдо, электрон савдо, етказиб бериш шарти билан савдо, умумий оқатланиш, тармоқли маркетинг каби савдонинг турлари ва шаклланишининг аниқ тартибни белгилаш режалаштирилган. Шунингдек, савдонинг замонавий турларини ривожлантириш, комиссия, топшириқ ва диллерлик каби воситачилик шартномалари асосида савдони амалга оширишнинг механизмларини тартибга солиш, савдони амалга оширишда тўлов шакллари такомиллаштириш, савдо соҳасидаги эскирган, ортиқча чекловлар ва тусиқларни бартараф этиш, савдо соҳасини ривожлантириш бўйича масъул бўлган аниқ давлат органини белгилаш ва соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелда қабул қилган “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сонли Фармони таҳликали пандемия даврида ҳам кичик бизнеснинг тараққиёти давлат раҳбарининг диққат марказида турганлигидан далолат беради.

“Бугунги кунда бутун дунё, инсоният мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Мамлакатимизда эпидемиологик вазиятни жиловлаш, аҳоли саломатлигини ҳар томонлама ҳимоя қилиш учун барча чоралар кўрилмақда. Фермер ва деҳқонларимиз, тадбиркорларимиз олдида ўта муҳим вазифалар турибди. Албатта, ҳар биримиз кундалик юмушларимизни хавфсизлик ва санитария қоидаларига тўла амал қилган ҳолда давом эттиришимиз зарур. Чунки бугун йўқотган имкониятларимизни эртага тиклаш қийин бўлади, вақтни эса орқага қайтариб бўлмайди. Пандемияни тўхтатиш учун бутун

дунё халқлари қатори биз ҳам жиддий изланишдамиз. Одамларимиз даромадлари камайиб кетмаслиги учун, корхоналаримиз барқарор ишлаши учун барча режаларни кўраяпмиз”, деб таъкидлади юртбошимиз видеоселектор йигилишида.

Юқорида қайд этилган фармонга кўра:

- Биринчидан, туристик ва меҳмонхона фаолияти билан шугулланувчи тадбиркорлар шу йил якунига қадар ер ва мол-мулк солиқларини тўлашдан озод этилади. Уларга ижтимоий солиқ ставкаси ҳозирги 12 фоиздан 1 фоизга туширилади. Ушбу имтиёздан соҳада хизмат кўрсатаётган мингдан ортиқ субъектлар фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

- Иккинчидан, карантин даврида ўз фаолиятини тухтатишга мажбур бўлган якка тартибдаги тадбиркорларга даромад солиғи ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тухтатилади. Ушбу имтиёз қарийб 150 минг якка тартибдаги тадбиркорга катта кўмак бўлади.

- Учинчидан, тушуми утган ойдагига нисбатан 50 фоизга камайган кичик бизнес субъектларига айланмадан олинадиган солиқ, ер солиғи, мулк солиғи, ижтимоий солиқ ва сув солиғини тўлаш муддати шу йил 1 октябрга қадар кечиктирилади. Тадбиркорлар бу имтиёзлардан солиқ идорасини уйдан туриб хабардор қилиши мумкин.

- Туртинчидан, жорий йил 1 апрелдан бошлаб юридик шахсларнинг табиий газ ва электр энергияси учун олдиндан тўлов мажбурияти амалдаги 100 фоиздан 30 фоизга туширилади.

- Бешинчидан, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ёрдам бериш кўлами янада кенгайтирилади.

Ҳозирги кунда тадбиркор олган кредит ставкаси 24 фоизгача бўлганда унинг 8 фоизини жамғарма қоплаб берар эди. Энди кредит ставкаси 28 фоизгача бўлганда ҳам унинг 12 фоизини давлат қоплайди. Бунинг учун тадбиркорларнинг 3 триллион сўмлик кредитлари фоизини қоплашга жамгармадан қўшимча 400 миллиард сум йуналтирилади. Жамғарма бир тадбиркорнинг фақатгина битта лойиҳасига кафиллик бериши

буйича чеклов ҳам энди бекор қилинади. Интизомли ва ишончли тадбиркорларга кредитнинг 75 фоизига жамғарма кафиллик беради (бугунги кунда 50 фоиз). Кафиллик суммасининг юқори чегараси ҳам 8 миллиард сумдан 10 миллиард сумга оширилади.

- Олтинчидан, қийин аҳволдаги корхоналар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва аҳолининг 12 триллион сўмлик кредит мажбурияти муддати узайтирилади. Шунингдек, бугун қишлоқларда кўп иш жойларини ташкил этиб, энди оёққа тураётган пахта-туқимачилик кластерларини молиявий қўллаб-қувватлаш буйича ҳам алоҳида қарор имзоланди. Уларнинг 2019 йилда пахта етиштириш учун олган кредитларини қайтариш муддати 1 октябргача узайтирилади.

- Еттинчидан, аҳолини, айниқса, унинг ижтимоий химояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш буйича қатор чоралар белгиланди. Жумладан, шу йил якунига қадар ун, ўсимлик ёғи, гушт ва сут маҳсулотлари, шакар, гигиена воситалари каби асосий истеъмол товарларини импорт қилишда божхона божи ва акциз солиги ундирилмайди.

- Саккизинчидан, карантин даврида уй шароитида ривожлантириш мумкин бўлган фаолият турларини янада қўллаб-қувватлаймиз”.⁸ Мисол учун, мамлакатимизда 28 мингдан зиёд хунарманд фаолият кўрсатмоқда. Уларга ўтган йили 50 миллион доллар маблағ ажратилди, 12,5 мингта лойиҳа доирасида хунармандлар 75 мингдан ортиқ янги шогирдларни тайёрлади. Ушбу соҳа учун бу йил яна 50 миллион доллар маблағ йўналтирилмоқда. Яратилаётган бундай шарт-шароитлар хунармандлар учун қатта имкониятдир.

Тадбиркорлар, хунарманд ва фермерларимиз, корхоналар раҳбарлари берилган бу имтиёзлардан самарали фойдаланишлари керак. Энг асосийси, жойларда ностандарт ечимларни излаб, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва иш жойларини сақлаб қолиш, корхоналар фаолиятини давом эттириш зарур.

⁸ 2020 йил 3 апрелда қабул қилган “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ушбу мезон асосида вилоят, туман (шаҳар) сектор раҳбарлари, иқтисодий комплекс идоралари ўз иш режалари ва ишлаш услубларини қайта тузиб олишлари даркор. Яъни, ҳар бир раҳбар корхоналар, тадбиркорларнинг муаммосига алоҳида ёндашиб, уларни ҳал қилишда “бевосита бошқарув” режимига утиши керак.

Мамлакатимизда юзага келган вазият кўпчиликни, айниқса, тадбиркорларни хавотирга солди. “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар туғрисида”ги Президент Фармони тадбиркорлик фаолияти ҳимояси учун қўллаб имтиёзлар жамланмаси ўлароқ, ана шу каби қўллаб саволларга жавоб булди.

Ушбу Фармон давлат мамлакатдаги тадбиркорларни ҳар қандай шароитда тулиқ қўллаб-қувватлашини билдирди. Мазкур ҳужжат тадбиркорларнинг оғир кунларда карантин ҳолатида қийинчиликка тушиб қолмаслиги ёки айрим фаолият турлари туфайли мажбур қийинчиликка тушиб қолгани учун уларга қўллаб имтиёзлар беради. Масалан, айрим жиҳатларига эътибор қаратадиган бўлсак, тадбиркорларимизнинг фойдасига муҳим бандлар киритилган. Фармоннинг 11-бандида Марказий банк тижорат банклари томонидан молиявий қийинчиликларга дуч келган юридик ва жисмоний шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг кредитлари бўйича туловларга 2020 йил 1 октябрга қадар кечиктириш тақдим этиши учун шарт-шароитлар яратиши ва тартиб-тамойилларни соддалаштириш чораларини кўриши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи қатъий белгиланган суммасини ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилиши Фармоннинг 5-бандида кўзда тутилган. Фармонга кўра, ўз фаолиятини тўхтатган ва (ёки) товарлар (хизматлар) реализациясидан тушуми жорий йилнинг биринчи чорагидаги ўртача ойлик миқдорига нисбатан 50 фоиздан кўпроққа камайган микрофирма, кичик корхона ва яқка

тартибдаги тадбиркорларга солиқ органларини хабардор қилган ҳолда, 2020 йил 1 октябрга қадар айрим солиқларни фоизсиз кечиктириш (булиб-булиб тулаш) ҳуқуқи тақдим этилди. Ваҳоланки, тадбиркорни қўллаб-қувватлаш миллатнинг, жамиятнинг қўллаб-қувватланишидир.

Чунки, тадбиркор ўзини ҳам, давлатни ҳам бойитадиган шахсдир. Унинг фаолияти иқтисодийни юргизади, ривожлантиради.

Бугун Ўзбекистондаги барча тадбиркорлар Президентимизга ўзининг чексиз миннатдорлигини билдирмоқда. Улар қийин кунларни халқимиз билан бирга тезроқ енгиб ўтиш учун ўз меҳнатини аямасдан, янада купроқ меҳнат қилишини таъкидлашмоқда. Чунки, улар Ўзбекистонда ҳеч бир тадбиркор, ҳеч бир оила, ҳеч бир инсон эътиборсиз қолдирилмаслигига қаттиқ ишонмоқда. Президентимизнинг халқимизга мурожаатлари ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорлар, қурилаётган чора-тадбирлар бунга тула қафолат бўлмоқда.⁹

Ана шундай қонун, қарор, фармойиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар барчаси кичик бизнес бошқарувини янада такомиллаштиришда албатта ўз таъсирини кўрсатади. Босқичма-босқич амалга оширилаётган бундай ислохотлар аминманки олдинга қўйилган мақсадларимизга эришишимизга асос бўлади.

1.3. Иқтисодий стратегик ривожлантириш шароитида кичик бизнеснинг бошқарув ташкилий тузилмаси

Кичик бизнес корхонасининг гуллаб-яшнаши, рақобат курашига дош бериши, ўз қувватини сақлаб туриши ёки ошириб бориши, унинг ўзгариб бораётган шароитларга мослашишида бошқарув ташкилий тузилма муҳим аҳамият касб этади. “Тузилма” сўзи лотинча сўз бўлиб, нарсалар таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқ равишда жойлашиши, тузилишини билдиради.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулбахор Саидганиеванинг муносабатидан. parliament.gov.uz

Корхонанинг бошқарув тузилмаси деганда, бошқарув мақсадларини амалга оширувчи ва функцияларни бажарувчи бир-бири билан боғланган турли бошқарув органлари ва бугинларининг мажмуи тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, бошқарувнинг ташкилий тузилмаси деганда, бошқарув бугинлари ва босқичлари миқдори ва таркиби тушунилади.

Бошқарувнинг ташкилий тузилиши оддий ва тушунарли бўлиши унинг иш қобилияти юқори бўлишини кафолатлайди, яъни бошқарувнинг ташкилий тузилмасида босқич ва бугинлар сони қанча кам бўлса, бошқарув шунчалик самарали бўлади.

Бошқарув бугинлари - бу битта ёки бир-қанча вазифаларни бажарувчи мустақил таркибий унсурлардир.

Бошқарув босқичлари - бу бошқариш бирор даражасидаги маълум бугинлар йиғиндиси.

Шу белгисига кўра бошқарувнинг ташкилий тузилмалари – икки босқичли, уч босқичли ва кўп босқичли бўлади. Босқичлар ва бугинлар ўртасидаги алоқа вертикал ва горизонтал бўлиши мумкин. Вертикал алоқа раҳбарларнинг уларга бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатларини расмий алоқалардир. Ҳар бир тузилмада алоқалар расмий ва норасмий бўлади. Расмий алоқалар – бу вертикал алоқалардир. Улар раҳбарлик ва бўйсунуш турларига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Агар раҳбарлик тўлақонли бўлиб, қуйи орган қуйи фаолиятга доир барча масалаларга дахлдор бўлса, бундай алоқа **чизиқли расмий алоқа** деб аталади. Агар раҳбарлик чекланган бўлиб, қуйи орган қуйи фаолиятга доир ўзининг масалаларига дахлдор бўлса, бундай алоқа **функционал вазифавий расмий алоқа** деб аталади.

Бошқарув тузилмасида асосий ўринни ҳокимиятга таянадиган расмий алоқалар эгаллайди. Лекин норасмий алоқалар ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳам муҳимдир. Баъзан улар ташкилотнинг ишини йўлга қўйишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Норасмий алоқалар турли хилда бўлиши мумкин. Булар жумласига корхонадаги қариндошлик алоқалари, унда таркиб топган умумий манфаатлар, масалан, касблар, қизиқишлар,

спорт билан шуғулланиш ёки дўстона муносабатлар, бирга ўқиганлик ва бошқалар киради. Норасмий алоқалар ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Чунки:

- норасмий алоқалар расмий тузилманинг барча бўғинлари билан кесишади;

- қатор муносабатлар ишдан ташқарида пайдо булади ва корхонанинг барча ишларига таъсир курсатади;

- норасмий тизим узининг купгина кўрсаткичлари бўйича корхона фаолиятининг самарали ташкил қилишга имкон беради.

Аммо норасмий алоқаларнинг салбий жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Эҳтиёткорлик, сезгирлик йўқ булган жойда гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик ва шунга ўхшаш кўринишларнинг содир бўлиши ҳеч гап эмас.

Ҳар бир раҳбар узига ишониб топширилган булинма фаолиятини яккабошчилик асосида бошқаради ва барча зарур қарорларни мустақил равишда қабул қилади. Бўйсунувчи ходимлар фақат ўзларининг бевосита раҳбарларининг фармойишларини бажарадилар. Юқори турувчи раҳбар ходимларга уларнинг бевосита бошлиғи “четлаб” мурожаат қилмаслиги керак. Масалан, корхона директори цех бошлиғини четлаб мастерга буйруқ бермаслиги керак. Шу тариқа раҳбарликнинг вертикал линияси ва бўйсунувчиларга таъсир кўрсатишнинг тўғридан-тўғри йўли очилади.

Органлар уртасидаги вертикал алоқадан ташқари горизонтал алоқалар ҳам мавжуд бўлиб, бундай алоқалар бошқарувнинг тенг ҳуқуқли бўғин ва унсурлари уртасидаги муносабатларни билдиради ва улар мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш ва ҳамкорлик қилиш тарзидаги алоқалардир.

Ҳозирги кунда кўпгина корхоналар ўз ташкилий тузилмаларини қайта кўриб чиқиб, фаолияти ва функцияларини истеъмолчи талаб ва истакларига тўла мослаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай ўзгариш қилишдан асосий мақсад, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, кераксиз бошқарув бўғинларини йўқотиш, янги товарлар кашф этувчи ва ишлаб чиқарувчи ишчи гуруҳлар ташкил қилишдан иборат. Яъни корхонада ташкилий тизилмани ўзгартириш

тадбирлари ўтказиш орқали тез ўзгарувчан муҳитга мослашиб, кескин рақобат курашини енгиб, корхона самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Кичик бизнес корхонасини бозор талабига мослашиши унинг бошқарувидаги ташкилий тузилмасини атрофлича таҳлил қилишни талаб қилади. Таҳлил асосида камчиликлар атрофлича ўрганилиб, ташкилий тузилма қайта кўриб чиқилади ва қайта тузилган ташкилий тузилма бизнес фаолиятини юқори даражада бўлишини ва бозорнинг барча субектлари билан доимий алоқада бўлишини таъминлаши керак. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, корхона бошқарувининг ташкилий тузилмаси - бу бўлимлар, ишловчилар ўртасидаги махсус ишлаб чиқилган алоқалар ва муносабатларнинг яхлит тизимини ўз ичига олади ва унинг доирасида ишловчи одамлар олдига куйилган муайян мақсадга энг самарали йўл билан эришиш вазифасини бажаради.

Бугунги кунда қонунчилигимизда кичик корхоналарда ишловчи ходимлар сонига аниқлик киритилган бўлиб, унга кўра бундай корхоналарда ходимлар сони фаолият соҳаларга қараб, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони 5 кишидан 200 кишигача бўлиши мумкин. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, кичик корхоналарда ҳам ташкилий тузилмаларнинг деярли барча туридан фойдаланиш мумкин.

Умуман олганда, ташкилий тузилмалар жуда турли-туман, лекин улар умумий изчил боғлиқликка эга бўлиб, бир хил қонуниятларга буйсунади. Бошқаришнинг ташкилий тузилмалари асосан чизиқли ва функционал турлари бўлиб, уларнинг бирикиши асосида турли хил чизиқли-функционал тузилмалар таркиб топади. Бошқарув аппаратининг мақсадлари, вазифалари ва меҳнатининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бошқарувнинг турли ташкилий тузилмаларидан фойдаланишни назарда тутати. Кичик бизнес корхоналари бошқарувида ташкилий тузилмаларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- Чизиқли тузилма;
- Функционал тузилма;
- Чизиқли-функционал тузилма;

- Чизиқли-штабли тузилма;
- лойиҳа буйича бошқариш ва ҳ.к.

Кичик корхоналар бошқарувида **чизиқли тузилма** унинг қуйи бошқарув бугинлари юқори босқичдаги раҳбарга бевосита буйсунуши билан тавсифланади. Чизиқли тузилмада ҳар бир ходим битта раҳбарга буйсунади ва юқори тизим билан фақат у орқали боғланган бўлади. Ҳар бир раҳбар бутун меҳнат жамоаси фаолияти натижалари бўйича жавобгар. Бу стратегик ва жорий қарорларни қабул қилиш ҳуқуқи марказлашишига олиб келади. Чизиқли тузилмани ҳал этилувчи масалалар доираси кенг бўлмаган, бу масалалар ечилиши осон бўлган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқдир (1.3.1-расм).



1.3.1-расм. Чизиқли тузилманинг умумий куриниши.

Чизиқли тузилманинг узига хос ижобий томонлари ва камчиликлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

Ижобий томонлари:

- бундай тузилма бир-бирига зид, чалқаш топшириқлар берилиш ҳолларини камайтиради;
- яккабошчиликни ва шахсий жавобгарликни мустаҳкамлайди;
- бу тузилма оддий, пухта, ишончли ва тежамлидир;
- босқичлар сони кам бўлганлиги учун ҳам бошқарилувчи объект ишига кам киши аралашади;

- вазифалар тезкор ҳал этилади ва бутун тизим самарали ишлайди;
- ходимлар фақат уз раҳбарига ҳисобот берадилар, натижада ижрочилик ва интизом даражаси анча ошади.

Салбий томонлари:


- бундай тузилма оддий, барқарор масалаларни ечишга мўлжалланганлиги сабабли, унинг доирасида комплекс масалаларни ҳал қилиш анча қийин кечади, бундай шароитда раҳбарлар купроқ тезкор ишлар билан банд бўлиб, стратегик комплекс муаммоларни эътибордан четда қолдирадилар.

- бундай бошқаришда тенг ҳуқуқли тузилма бирликлари негизида горизонтал боғланиш булмайди, бундай бошқариш шароитида буйруқбозлик ва расмиятчиликнинг пайдо бўлиш хавфи кучли чунки, тузилманинг ҳар бир буғинида раҳбар ўз лавозими бўйича фармойиш бериш учун барча ҳуқуқларга эга булади.

Функционал тузилма – бошқарув вазифаларининг функционал буғинлар ва раҳбарлар уртасида тақсимланишига асосланади. У бошқарув мураккаблашуви ва ихтисослашув ривожланиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келган (2-расм). Бошқаришнинг барча функцияларини бажариши лозим бўлган универсал раҳбарлар ўрнига ўз соҳасини пухта биладиган, ўз штатига эга бўлган, ўзига топширилган иш, вазифалар учун жавоб берадиган мутахассислар аппарати пайдо бўлади.

Албатта, функционал хизматлар раҳбарлари ва мутахассислари:

- ўз соҳасини чуқур ва пухта биладиган;
- жараёнлар ва ҳодисаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш қобилиятига эга бўлган;
- ўз хулоса ва тавсияларини ҳимоя қила оладиган;
- чизиқли тузилма раҳбарларини шу тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқлигига ишонтира оладиган кишилар бўлиши керак.



1.3.2-расм. Бошқарувнинг функционал тузилмаси

Функционал тузилмада юқори раҳбариятдан келадиган курсатмалар малакали бўлади, лекин яккабошчилик тамойилига риоя қилинмайди. Функционал буғинлар сони ортиши билан ҳар бир буғин мустақил равишда ҳал этувчи масалалар доираси торайиб боради. Муаммонинг моҳияти ҳар бир буғин ўз масаласини биринчи навбатда ҳал қилишдан манфаатдор булишида эмас, балки битта ҳам буғин бу масалани етарли даражада асосланган ҳолда ва тўғри ҳал қила олмаслиги, ечимлар майдаланиб, тўлиқ бўлмай қолишидадир. Бу бошқарувни мураккаблаштириб, унинг самарадорлигини камайтиради. Функционал тузилманинг ҳам ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Улар куйидагилардан иборат:

Ижобий томонлари:

- бошқарув фаолияти чуқур ихтисослашади. Бу эса, муайян функцияларнинг бажарилиши учун жавоб берадиган мутахассислар юқори малакага эга бўлади ва бу ҳолат бошқарув самарадорлигини, касб маҳорати даражасининг ўсишини таъминлайди;

- функционал раҳбарлар айрим махсус масалаларни ҳал қилишдан озод этилади;

- корхона доирасида бир вақтнинг ўзида комплекс масалаларни ҳал қилиш имкониятининг мавжудлиги;

- бошқарув функцияларни бажаришдаги такрорланишларга ва параллелизмга чек қўйилади;

- ўз функциялари доирасида фармойиш бериш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

Салбий томонлари:

- функционал орган ўзига юклатилган функцияларни сифатли бажаришдан манфаатдор бўлиб, «бегона» функциялар учун ҳам, бутун корхонанинг умумий фаолияти учун ҳам жавоб бермайди. Оқибатда ишнинг пировард натижалари учун аниқ ва масъул ходимларнинг йўқлиги;

- турли функционал бўлимлар уртасида доимий алоқа урнатиш ва ишларни мувофиқлаштириш қийинлашади;

- ҳаддан ташқари марказлашиш ҳолатлари вужудга келади;

- функционал бўлимлар уртасида иш юзасидан низоларнинг мавжудлиги;

- ташкилий тузилма ўзгаришларга мослашиши анча қийин кечади;

- бошқарув аппаратида ишга тураларча муносабатда бўлиш ҳолларининг мавжуд бўлиб, бу тузилмада буйруқбозлик ва расмиятчиликнинг пайдо бўлишига ва бунда яккабошчилик принципининг бузилишига, ижрочилар масъулиятининг сусайишига олиб келади. Чунки ижрочи бир бошлиққа эмас, бир неча бошлиққа бўйсинади, купинча улардан бир-бирига зид қаратма ва топшириқлар олиш ҳоллари мавжуд.

Бошқарувнинг чизиқли-функционал тузилмасида асосий бошқарув чизиқли бошқарув бўлиб ҳисобланади. Раҳбар ишлаб чиқариш, хужалик фаолиятини яккабошчилик принципи асосида бошқариш ҳуқуқига эга бўлади ва фаолият натижалари учун тула жавобгар ҳисобланади. Шундай бўлсада, корхона бошқарувида раҳбарларга малакали ёрдам курсатиш учун функционал бўлимлар ташкил этилади ва бу бўлимлар раҳбарларга бошқарув қарорларини тайёрлашда ва ишни малакали ташкил этишда ёрдам берадилар. Бошқарувнинг чизиқли-функционал тузилмасида функционал бўлимлар ўзидан қуйи турган бўлимларга, ўзларининг функционал вазифасидан келиб чиққан ҳолда вазифа ва топшириқлар берадилар (1.3.3-расм).

Бошқарувнинг чизиқли-функционал тузилмаси ҳам ўз ижобий ва салбий томонлари эга. Булар қуйидагилардан иборат:

Ижобий томонлари:

- ходимларнинг ихтисослашуви билан боғлиқ қарорлар ва

режалар пухтароқ тайёрланади;

- бош поғона менежери муаммоларни батафсил таҳлил қилишдан озод этилади;


- маслаҳатчилар ва экспертлар жалб қилиниши мумкин.

Салбий томонлари:

- ишлаб чиқариш булимлари ўртасида горизонтал даражада яқин алоқалар мавжуд эмас;

- жавобгарлик етарли даражада аниқ белгиланмаган, чунки қарорни тайёрловчи, қоида тариқасида, уни амалга оширишда қатнашмайди;


вертикал алоқалар тизими ҳаддан ташқари ривожланган, яъни ҳаддан ташқари марказлашиш ҳолатлари мавжуд.



1.3.3-расм. Бошқарувнинг чизикли-функционал тузилмаси.

Кўриб чиқилган ташкилий тузилмалар асосий бўлиб, муайян бошқариш объектига нисбатан муфассаллаштирилиши мумкин.

Бошқарувнинг чизикли-штабли тузилмасида чизикли тузилма асос қилиб олинади ва ҳар бир раҳбар ҳузурида айрим муҳим муаммоларни бартараф этиш мақсадида ихтисослашган хизматлар, маслаҳатчилар кенгаши, яъни штаблар тузилади. Штабларда малакали қарорлар тайёрланадилар, лекин чизикли тузилма раҳбари уни тасдиқлаб, қуйи босқичга юборади. У штаб тавсияларини бажарилишини назорат қилади, мувофиқлаштиради ва бунинг натижасида бошқарув сифати яхшиланади (1.3.4-расм).



1.3.4-расм. Бошқарувнинг чизикли-штабли тузилмаси.

Чизикли раҳбарлар корxonанинг бош мақсадига эришиш йулидаги бирламчи вазифаларнинг бажарилишига жавобгар булсалар, штабдагилар эса бирламчи вазифаларга тобе бўлган иккиламчи вазифаларнинг бажарилишига жавобгардирлар. Улар маслаҳат бериш функциясини бажарадилар. Чизикли раҳбарларнинг асосий вазифаси таклиф этилган ижобий ва салбий маслаҳатлар ичидан энг муқобилини яъни, мақсадга мувофиғини аниқлаш ва уни узил-кесил қабул қилишдан иборат.

Штабларнинг ташкил қилиниши ва бундай ёрдамчиларга тобе бўлгани учун корхона фаолиятини бошқариш бир томондан энгиллашади, бошқа томондан эса берилган маслаҳатлар

қарама-қарши бўлганлиги сабабли мураккаблашади. Шундай ҳолларда ҳар иккала томон ўзиникини маъқуллашга, узобруларини сақлашга ҳаракат қилади. Натижада уртада низо чиқади.

Штабдаги менежерлар ўзларини мутахассис, ўз соҳаларининг билимдони эканлигини исботламоқчи булсалар, чизикли раҳбарлар эса, якка раҳбар эканлигини пеш қиладилар. Бундай вазиятдан қутилиш учун корхоналар бошқариш тузилмасига ўзгартиришлар киритиб, штаблар сонини ёки уларнинг ходимларини қисқатириш керак.

Бу тузилманинг *афзаллиги* шундан иборатки, чизикли раҳбарлар ўз диққатларини илмий-тадқиқот ишларга эмас, балки асосан, корхонанинг жорий фаолиятига қаратадилар. *Камчилиги* эса бошқарув тизимида ортиқча бўгинларнинг пайдо бўлиши, бошқариш тезкорлигининг сусайиши, бошқариш ҳаражатларининг кўпайишига олиб келишидадир.

Чизикли-штабли тузилмадан фарқли ўлароқ ***бошқарувнинг функционал тузилмаси*** раҳбарлар ва тузилма бўгинларининг бошқарув фаолиятини ихтисослаштиришга қаратилгандир. Бунда ҳар бир бошқарув бўғинига муайян функциялар бириктириб қўйилади. Масалан, бири маркетингни, иккинчиси ишлаб чиқаришни, учинчиси эса молияни бошқариш билан шуғулланади.

Лойиҳа бўйича бошқариш ишлаб чиқариш жараёнига инновацияларни қисқа муддатда жорий қилиш (янги техника ва технологияни жорий қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш) зарурати бўлганда корхона ва ташкилотларда қўлланилади. Бундай йирик ҳажмдаги ишларни амалга ошириш учун, дастлаб лойиҳаси ишлаб чиқилиши керак. Бунинг учун шу лойиҳага жавоб берувчи бошқарув органи тузилади.

Бошқарувнинг лойиҳа бўйича органи вақтинчалик ташкилот ҳисобланиб, керакли ресурслар билан таъминланади. Бу орган раҳбар ва аъзолардан ташкил топади ва улар асосий иш жойларидан ажралмаган ҳолда фаолият юритадилар. Бошқарувнинг лойиҳа бўйича органи лойиҳа тайёрлайди ва

унинг ижро этилишини назорат қилади. Юклатилган вазифалар амалга оширилгандан сўнг у тугатилади.

Матрицали тузилма алоҳидалашган, мураккаб тузилишга эга ва махсус буюртмалар асосидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиб, бир вақтнинг узида бир нечта лойиҳани амалга ошириш имкониятини беради. Матрицали тузилмада икки томонлама бошқарув таъсирини кузда тутати: функционал раҳбарлик ва лойиҳани бошқариш томонидан чизиқли раҳбарлик. Лойиҳа бошқарувчиси лойиҳани амалга оширишга, лойиҳа стратегияси ва иш натижаларига жавоб беради. Унинг ихтиёрига молиявий ва ишлаб чиқариш ресурслари берилади. Функционал бўлим бошлиғи лойиҳанинг маълум соҳасининг бажарилишига жавобгар ҳисобланади. Матрицали тузилма функционал ва алоҳидалашган лойиҳавий бошқариш тузилмаларининг афзалликларини узида мужассамлаштиради. Бошқарувни ташкил қилишнинг матрицали тузилмасида лойиҳа ёки дастур раҳбарларининг фаолияти эркинлиги таъминланади, улар олдида қўйилган масалалар мақсадли ҳал қилинади. Ишни ташкил қилиш бўйича раҳбарнинг маъсулияти аниқланади, уларнинг бажарилиш муддати, якуний натижалар бўйича раҳбарнинг маъсулияти аниқланади. Шу билан матрицали тузилма камчиликларга ҳам эга: у деярли мураккаб тузилма бўлиб, чизили ва функционал менежерлар ўртасидаги низоли вазиятларнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда иқтисодий стратегик ривожлантириш шароитида кичик бизнеснинг бошқарувни такомиллаштиришда албатта кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш инфратузилмаси муҳим ўрин эгаллайди, шунинг учун унга эътибор қаратиш лозимдир. Ҳозирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг ривожланиш институтлари қуйидагилар:

- “Кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси”- кичик ва хусусий тадбиркорлик экспорт салоҳиятини кенгайтириш, шунингдек, КЎБни чет эл бозорларида

замонавий, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришда зарур юридик, молиявий ва ташкилий ёрдам билан таъминлайди;

- Вазирлар Маҳкамаси қошидаги “Давлат томонидан тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамгармаси”нинг асосий фаолият йўналиши тадбиркорларнинг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришдир (кафолатли ёрдам) ҳамда махсус давлат, тармоқ ва минтақавий дастурлар, лойиҳалар ва тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

- Савдо-саноат палатаси (ССТ) - бизнес муҳитини яхшилаш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитларни яратиш мақсадида ишлаётган нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланади. Консалтинг хизматларини кўрсатади.

Ўзбекистонда купгина ривожланиш институтлари борлигига қарамай, КБ ва ХТни қўллаб-қувватлашнинг асосий элементлари мавжуд эмас. Минтақавий маслаҳат инфратузилмаси йўқ, хусусан, ТҚҚМ (тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш марказлари), ЭҚҚМ (экспортни қўллаб-қувватлаш марказлари), минтақавий молиявий инфратузилма (минтақавий кафолат жамгармалари) ва бошқа турдаги қўллаб-қувватлаш инфратузилмаси (технопарклар, бизнес инкубаторлар) ва ҳ.к.

Ўзбекистонда КБ ва ХТни қўллаб-қувватлаш буйича стратегияни ишлаб чиқадиган ягона бирлаштирувчи, шунингдек уни амалга оширишнинг кейинги мониторингини амалга оширувчи идора 2019 йил августига қадар мавжуд бўлмаган. Хориж тажрибасига назар солиб, қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратамиз.

Келтирилган жадвалдан куруниб турибдики, бизнес соҳасини қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш тизими ҳали куп давлатларда юқори курсаткичда эмас. Ўзбекистонда эса мониторинг қилишнинг ягона тизими ташқил қилиниши керак. Шундагина, бизнес соҳасини ривожлантириш, уларнинг бошқарув самарадорлик курсаткичларини янада ошириш мақсадига эришилади.

**КБ ва ХТ учун ташкил этилган қўллаб-қувватлаш
органлари (Хориж мамлакатлари мисолида)¹⁰**

<i>№</i>	<i>Мамлакатлар</i>	<i>КУБ стратегиясини ишлаб чиқиш</i>	<i>Қўллаб- қувватлаш чораларини амалга ошириш</i>	<i>Мониторинг</i>
1.	Сингапур	SPRING Singapore		SPRING Singapore, Сингапур савдо ва саноат вазирлиги
2	Малайзия	SME Corporation		SME Corporation
3	Япония	SME Agency		SME Agency
4	АҚШ	SBA		SBA
5	Вьетнам	SME Development council	Бир неча ташкilotлар	SME Development council
6	Таиланд	OSMEP		OSMEP
7	Ҳиндистон	Ministry of SME		Ministry of SME
8	Жанубий Африка	Small Enterprise		Small Enterprise
9	Жанубий Корея	SMB Administration Development Agency		SMB Administration Development Agency
10	Россия	Россия Иқтисодий ривожланиш вазирлиги		Россия Иқтисодий ривожланиш вазирлиги
11	Ўзбекистон	Мавжуд эмас		Бир нечта ташкilotлар

I боб бўйича хулоса

1. Кичик бизнеснинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти кейинги йилларда тобора ривожланиб бормоқда. Кичик бизнес бошқарувининг туғри йўлга қўйилганлиги эса

¹⁰ <https://uzbekistan2035.uz/2019/05/Концепция-Развития-Узбекистана-uzb/pdf>

Ўзбекистон

Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегиясининг концепцияси. Манба: тақдим этилаётган мамлакатларнинг КУБ қўллаб-қувватлаш органлари маълумотлари

бундай вазиятда бош омил бўлиб ҳисобланади. Охирги уч йилда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида, халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш буйича олиб борилаётган кенг кулламли ижтимоий ислоҳотларни давом эттирган ҳолда, биринчи навбатда аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бош вазифалар қаторига киритилди. Ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-қитобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу уринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда. Мамлакатимизда камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш буйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир. Бунда эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ривожлантирсак, дунё рейтингларининг муносиб ўринларидан жой олишга муваффақ бўламиз ва бевосита юқорида қайд этилган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга эришамиз.

Шу билан бирга, халқаро тажрибани ўрганиб, монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очиш ва шу орқали рақобат муҳитини шакллантириш лозим. Бу борада табиий монополия ва рақобат тўғрисидаги қонунларни янгилаш ҳамда Иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш талаб этилади.

2. Иқтисодиётни стратегик ривожлантириш шароитида кичик бизнесни бошқаришнинг ҳуқуқий асослари бу соҳа фаолияти, келажаги ва тараққиёти учун нақадар муҳим эканлиги қабул қилинаётган қонун, фармон ва фармойишлардан далолатдир. Айниқса, ҳозирги таҳликали вазиятда юртимиз ҳаётида содир бўлаётган бир қанча ҳолатлар яъни, пандемия даври ҳамда яқинда содир бўлган Сирдарёда Сардоба сув захирасининг бузилиш талофати халқимиз бошига анча муаммоли бўлди. Бу талофатдан Сирдарёлик қанчадан-қанча

кичик бизнесини бошлаган фуқароларимизнинг тадбиркорлик фаолиятининг якун бўлишига сабабчи булди. Бундай ҳолларда эса кичик бизнесга янада эътибор кучайди ва юртбошимиз гомонидан қўллаб қарорлар қабул қилинишига асос бўлди. Ҳуқуқий тарафлама қўллаб-қувватланиш, имтиёзларнинг берилиши, бу соҳага эътибор албатта ўз маҳсулини беради.

3. Иқтисодий стратегик ривожлантириш шароитида кичик бизнеснинг бошқаруви ташкилий тузилмасининг қандай йулга қўйилганлиги корхона фаолиятининг келажаги ёки инкирозига сабаб бўладиган асосий омили ҳисобланади. Юқорида келтирилган маълумотлардан маълумки, чизикли ва функционал тузилмаларнинг бир қатор камчиликлари булганлиги ва бу камчиликларни юзага камроқ чиқиши учун, уларни бир-бирига бириктириб турли чизикли-функционал, чизикли-штабли ва бошқа аралаш турларини тузиш мақсадга мувофиқдир.

Шу сабабдан купчилик корхоналар уз фаолияти ва функцияларини истеъмолчи талаб ва истакларига тула мослаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай ўзгариш қилишдан асосий мақсад, истеъмолчиларга хизмат курсатиш даражасини ошириш, кераксиз бошқарув бўғинларини йўқотиш, янги товарлар кашф этувчи ва ишлаб чиқарувчи ишчи гуруҳлар гашкил қилишдан иборат. Яъни корхонада ташкилий тизилмани ўзгартириш тадбирлари ўтказиш орқали тез ўзгарувчан муҳитга мослашиб, кескин рақобат курашини енгиб, корхонада бошқарув самарадорлигини оширишдан иборатдир.

II БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ

2.1 Худуд кичик бизнес бошқарувида иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили

Кичик бизнес бошқарувини янада ислоҳ қилиш ҳамда бу соҳани ривожлантиришда албатта иқтисодий кўрсаткичлар жуда аҳамиятлидир. Негаки, бу секторнинг қандай йўналишлар, тармоқлар асосида ривожланаётганлиги, қолаверса қайси соҳаларида пасайиш кузатилаётганлигини урганиш, кичик бизнес бошқарувини янада самарали олиб борилишига асос булади. Шу хусусда, келтириладиган таҳлилларимизни Самарқанд вилояти ҳудуди мисолида кўриб чиқсак.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 2019 йилнинг январ-декабрида фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 6014 тага ошган. Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони эса 2018 йилга нисбатан 3 668 тага ошган. Кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 77,5 %ни ташкил қилган. (2018-йилнинг январ-декабрида 80,3 %). ЯИМда кичик бизнеснинг ўтган йилга нисбатан **-2,89 %** пасайиши йирик корхоналар улушининг ошиши билан изоҳланади. Айтиш жоизки, 2019 йилда кичик бизнес кўрсаткичлари кўп соҳаларда жумладан, саноат (-3,4%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (-0,7%), қурилиш (-2,7%), савдо (-1,3%), хизматлар (-2,8%), йўловчи ташиш (-0,5%), йўловчи айланмаси (-0,6%), экспорт (-3,4%), импорт (-0,3%) кабиларда 2018 йил кўрсаткичларига нисбатан пасайиш кузатилган. Иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдода 2779 та, саноатда 1968 та, яшаш ва овқатланишда 913 та, қурилишда 702 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида 637 та, ташиш ва сақлашда 202 та ташкил этилган.

2019 йилнинг январ-декабрида кичик тадбиркорликнинг
асосий кўрсаткичлари¹¹

	Ўлчов бирлиги	2018 й.	2019 й.	(+-)
Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар	бирликда	19 629	25 643	6 014
Янги ташкил этилган кичик Корхона ва микрофирмалар	бирликда	4 312	7 980	3 668
Кичик тадбиркорликнинг улушлари:				
ЯИМ	%	80,3	77,5	-2,89
Саноат	%	57,2	53,8	-3,4
Қишлоқ, урмон ва балиқ хужалиги	%	97,1	96,4	-0,7
Инвестиция	%	59,8	62,3	2,5
Қурилиш	%	98,5	95,8	-2,7
Савдо	%	90,5	89,2	-1,3
Хизматлар	%	73,9	71,1	-2,8
Юк ташиш	%	97,0	97,2	0,2
Юк айланмаси	%	96,9	96,3	0,6
Йуловчи ташиш	%	93,6	94,1	-0,5
Йуловчи айланмаси	%	97,9	97,3	-0,6
Экспорт	%	79,6	76,2	-3,4
Импорт	%	69,7	69,4	-0,3

¹¹ Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг асосий курсаткичлари. (Самарканд вилояти мисолида)¹²

№	КБ ва ХТ ривожланишининг асосий курсаткичлари ҳажми (млрд.сум)	2015	2016	2017	2018	Ҳажмидаги улуши (%). 2018 йилда
1	КБ ва ХТ субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари (ишлар, хизматлар)	3415,3	4475,6	5171,7	7717,0	57,2
2	КБ ва ХТ субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хужалиғи маҳсулотлари	14379,2	17238,1	21676,9	25702,4	96,7
3	КБ ва ХТ субъектлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари	1874,7	2073,8	2137,8	3279,7	98,5
4	КБ ва ХТ субъектлари томонидан асосий капиталга қиртилган инвестициялар	2125,6	2362,7	2864,6	4225,6	59,8
5	КБ ва ХТ субъектларининг чакана савдо айланмаси	5458,2	7112,9	8343,2	10063,1	90,5
6	КБ ва ХТ субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган (курсатилган) бозор хизматлари	4564,5	5712,1	6343,9	7421,8	73,9
7	КБ ва ХТ субъектлари томонидан автомобил транспортида юк ташиш (млн.тонна)	37,8	39,4	40,5	46,1	97,0
8	КБ ва ХТ субъектларининг автомобил транспорти юк айланмаси (млн.тонна-км)	879,8	915,5	936,0	1023,7	96,9
9	КБ ва ХТ субъектлари томонидан автомобил транспортида йуловчи ташиш (млн. йуловчи)	361,4	393,2	410,3	440,6	93,6
10	КБ ва ХТ субъектларининг товарлар ва хизматлар экспорти ¹³ (млн.дол)	173,7	213,6	214,8	251,1	79,6

¹² Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” Тошкент 2019 йил маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

¹³ Ҳудудлар буйича тақсимланган маълумотларни қўшган ҳолда

11	КБ ва ХТ субъектларининг товарлар ва хизматлар импорти (млн.дол)	381,1	377,9	505,0	909,1	69,7
12	КБ ва ХТда банд булганлар сони (минг киши)	1213,9	1254,6	1286,9	1216,1	83,1

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг асосий кўрсаткичлари таҳлили турт йилни қамраб олган ҳолда келтирилган. Бу кўрсаткичлар барча йўналишларида 2019 йилгача усиш тенденциясида бормокда.

Республикамик миқёсида кичик бизнеснинг ЯҲМдаги улуши буйича Самарқанд вилояти (80,3%), Жиззах вилояти (84,3%) дан сунг иккинчи уринда туради. Жиззах ва Самарқанд вилоятлари ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши буйича етакчидир. Кичик бизнеснинг минтақавий ривожланиши асосан тарихий сабабларга кура, шу жумладан катта бизнеснинг мавжудлиги, аҳоли зичлиги ва бошқа бир қатор сабаблар билан боғлиқдир. Шу билан бирга, бошқа ҳудудларга нисбатан вилоятимизда кичик бизнес бошқарувига қаратилган эътибор ҳам муҳим аҳамиятлидир.

2.1.3-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ ва ЯҲМ даги улши (фоизда)¹⁴

Ҳудудлар буйича	2015	2016	2017	2018
Ўзбекистон Рес.	62,9	64,9	63,6	59,4
Қорақалпоғистон Рес.	66,6	61,1	55,8	54,3
Вилоятлар				
Андижон	78,2	83,1	79,9	73,4
Бухоро	76,9	78,4	79,2	79,8
Жиззах	82,5	83,4	84,4	84,3
Қашқадаре	61,3	64,9	65,1	64,3
Навоий	49,0	48,8	47,9	42,4
Наманган	77,6	78,7	79,9	79,0
Самарқанд	80,0	80,1	81,8	80,3
Сурхондарё	76,7	78,0	78,7	79,4
Сирдарё	74,1	74,4	76,5	76,9
Тошкент	65,7	66,2	63,6	57,9
Фарғона	70,8	72,6	70,6	69,8
Хоразм	76,3	78,2	78,3	75,9
Тошкент ш.	60,0	63,7	64,2	63,4

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кумитаси “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” Тошкент 2019 йил маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Худудлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар ¹⁵


	2018 йил январ-декабр	2019 йил январ- декабр	(+,-)
<i>Самарқанд вилояти</i>	4 312	7 980	3 668
Самарқанд ш.	1 319	2 222	903
Каттақурғон ш.	216	320	104
<i>туманлар:</i>			
Оқдарё	197	292	95
Булунғур	141	289	148
Жомбой	173	357	184
Иштихон	243	494	251
Каттақурғон	191	412	221
Қушработ	86	168	82
Нарпай	94	206	112
Паяриқ	280	392	112
Пастарғом	332	681	349
Пахтачи	78	200	122
Самарқанд	349	664	315
Нуробод	114	253	139
Уرғут	319	659	340
Тайлоқ	180	371	191

2019 йилнинг январ-декабрида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг худудлар бўйича энг купи Самарқанд шаҳрида 2222 та, Самарқанд туманида 664 та, Пастарғом туманида 659 та, Иштихон туманида 494 та ва Каттақурғон туманида 412 тани ташкил этган. Шунингдек энг паст кўрсаткич Қушработ туманида 168 тани ташкил этган. Вилоятнинг барча туманлари бўйича 2019 йилда янги ташкил этилган корхона ва микрофирмалар умумий сони 7 980 тани ташкил қилди ва 2018 йилга нисбатан 3 668 тага ўсди.

¹⁵ Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида

2.1.1. диаграмма

Худудлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар¹⁶



2.1.5-жадвал

Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий тавсифи. (Самарқанд вилояти мисолида)¹⁷

№	Худудлар бўйича-(фермер ва деҳқон хўжалиқларисиз, йил бошига, бирлик)	2016	2017	2018	2019	2019 й жамига нисбатан % да
1	Рўйхатдан ўтган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони	15375	15389	17261	20669	7,5
2	Фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони	13840	13981	16005	19629	7,5

¹⁶ Статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” Тошкент 2019 йил маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

3	Янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони	2043	2274	3259	4312	8,8
---	--	------	------	------	------	-----

Бу жадвалдан шуни куришимиз мумкинки, рўйхатдан утган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони (20669), фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони (19629)дан 1040 тага кўпроқ. Бу ўз навбатида яширин фаолият юритаётган, назоратсиз қолган корхоналарнинг ноқонуний фаолияти устидан кичик бизнес бошқарувини янада назорат қилишни кўзда тутати. Янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 1100 тага кўпайганини куришимиз мумкин.

2.1.6-жадвал

Янги ташкил этилган корхоналар бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган шаҳар ва туманлар¹⁸

	2018 йил январ-декабр	2019 йил январ-декабр	Фарқи (+-)
Самарқанд ш.	1 319	2 222	903
Пастдарғом	332	681	349
Самарқанд	349	664	315
Уرғут	319	659	340
Иштихон	243	494	251
Паяриқ	280	392	112
Каттақурғон	191	412	221
Жомбой	173	357	184
Тайлоқ	180	371	191
Оқдарё	197	292	95

2019 йил январ-декабрида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар бўйича энг кўп салмоғи Самарқанд шаҳрида – 2222 та. Худудлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар жами миқдоридан энг кўп улуши Самарқанд шаҳри -27,8 %, Пастаргом тумани-8,5 %, Самарқанд тумани -8,3 %, Урғут тумани -8,3%, Иштихон

¹⁸ Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида

тумани -6,1%, Каттақўрғон тумани -5,2 %, Паяриқ туманларида -4,9 %ни ташкил этди. 2019 йилнинг январ-декабрида кичик гадбиркорликнинг худудлар кесимида иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши (%)да Саноатда энг юқори курсаткичлар: Нуробод (100,0), Қушработ (100,0), Самарқанд (99,5), Ургут (97,2), Оқдарё(97,2) туманларида. Қурилиш бўйича: Каттақўрғон ш.(100,0), Булунгур(100,0), Жомбой(100,0), Иштихон (100,0), Каттақўрғон (100,0), Нарпай (100,0), Нуробод (100,0), Оқдарё (100,0), Паяриқ (100,0), Пастдарғом (100,0), Пахтачи (100,0), Тайлоқ (100,0), Ургут (100,0), Қушрабаотда (100,0) баланд кўрсаткичларда.

2.1.7-жадвал

2019 йилнинг январ-декабрида кичик тадбиркорликнинг худудлар кесимида иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши , (%)¹⁹

	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Инвестиция
Самарқанд вилояти	53,8	95,8	71,1	62,3
Самарқанд ш.	39,6	88,7	59,2	57,9
Каттақўрғон ш.	24,0	100,0	95,7	59,0
Туманлар				
Булунгур	85,6	100,0	97,0	67,6
Жомбой	11,6	100,0	97,4	64,8
Иштихон	86,7	100,0	82,3	72,2
Каттақўрғон	61,5	100,0	97,5	60,3
Нарпай	24,9	100,0	97,4	57,4
Нуробод	100,0	100,0	95,4	65,7
Оқдарё	97,2	100,0	95,3	75,5
Паяриқ	76,1	100,0	95,2	67,7
Пастдарғом	78,8	100,0	72,7	73,0
Пахтачи	83,4	100,0	94,3	63,1
Самарқанд	99,5	94,0	91,2	53,9
Тайлоқ	88,6	100,0	99,0	57,7
Ургут	97,2	100,0	94,4	75,7
Қушработ	100,0	100,0	87,3	47,6

Хизматлар соҳасида юқори кўрсаткилар: Тайлоқ(99,0), Каттақўрғон (97,5), Жомбой (97,4), Нарпай (97,4), Булунгур (97,0).

Инвестиция бўйича: Ургут(75,7), Пастдарғом(73,0), Иштихон (72,2), Паяриқ(67,7), Булунгур(67,6) туманлари етакчилик қилмоқда.

¹⁹ Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида

Самарқанд вилояти буйича иқтисодий фаолият турлари кесимида кичик корхона ва микрофирмалар руйхатидаги ходимларнинг йиллик ўртача сони (ташки уриндошларсиз)²⁰

№	Тармоқлар ва соҳалар буйича (фермер ва деҳқон хужалиқларисиз, минг киши)	2015	2016	2017	2018
Жами йиллик сони		60,8	63,5	70,1	85,6
Шу жумладан:					
1	Қишлоқ, урмон ва балиқ хужалиғи	3,8	3,3	3,5	4,0
2	Саноат	19,3	19,8	23,0	29,1
3	Қурилиш	9,6	9,5	9,6	13,2
4	Савдо	14,7	14,7	14,9	16,5
5	Ташиш ва сақлаш	2,9	4,3	5,9	7,0
6	Яшаш ва овқатланиш буйича хизматлар	3,4	3,7	4,1	5,5
7	Ахборот ва алоқа	0,9	0,7	0,8	0,7
8	Молиявий ва сўғурта фаолияти	0,5	0,8	0,6	0,6
9	Таълим	0,3	0,4	0,5	0,7
10	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	1,1	1,4	1,8	2,3
11	Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	0,2	0,3	0,2	0,4
12	Бошқа турлари	4,1	4,6	5,2	5,6

Юқорида келтирилган маълумотлардан шуни таҳлил қилиш мумкинки, кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар кесимида иқтисодий фаолият турларидан инвестиция соҳаси кўрсаткичлари қолган соҳаларга қараганда жуда паст. Ҳудудга кўпроқ инвестицияни жалб қилиш лозим. Иккинчи ўринда саноат соҳасини ҳам янада ривожлантириш керак.


²⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” Тошкент 2019 йил маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Барча ҳудудлар бўйича қурилиш ва хизматлар соҳаси деярли яхши ривожланганлигини келтирилган рақамларимиздан англаш қийин эмас.

Самарқанд вилояти бўйича иқтисодий фаолият турлари кесимида кичик корхона ва микрофирмалар рўйхатидаги ходимларнинг йиллик ўртача сони барча тармоқлар ва соҳалар бўйича тўрт йил давомида ушиб борган. Фақат ахборот ва алоқа соҳасидан ташқари (2017-0,8%, 2018-0,7%)

2.1.2. Диаграмма

Иқтисодий фаолият турлари кесимида кичик корхона ва микрофирмалар рўйхатидаги ходимларнинг йиллик ўртача сони²¹



Келтирилган диаграммадан шуни кўришимиз мумкинки, санъат ва дам олиш, ахборот ва алоқа, молиявий ва сугурта фаолияти, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш тармоқлари фаолиятинини янада ривожлантириш асосида аҳолининг бандлик даражасига эътибор қаратиш кераклиги жуда муҳим эканлиги таҳлилда аниқланди.

²¹ Статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

2019 йилнинг январ-декабрида шаҳар ва туманлар бўйича фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) ²²

2019 йил январ - декабр

15,0	Самарқанд ш.	Оқдарё	8,8
11,6	Паяриқ	Тайлоқ	8,8
10,8	Булунгур	Урғут	8,6
10,3	Қаттақўрғон ш.	Қўшработ	8,4
10,1	Самарқанд	Қаттақўрғон	7,9
10,1	Жомбой	Пастдарғом	7,5
9,9	Иштихон	Пахтачи	6,6
9,6	Нуробод	Нарпай	5,6

Кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ҳар 1000 аҳолига, 9,7 бирликни ташкил қилди. 2019 йилнинг январ-декабрида 7980 та янги кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 мартага кўп. Фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони асосан Самарқанд шаҳри (15,0%), Паяриқ (11,6%), Булунгур (10,8%), Каттақўрғон(10,3%), Самарқанд(10,1%)да юқори кўрсаткичларда эканлиги келтирилган.

²² Самарқанд вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари асосида

Саноат маҳсулотлари буйича курсаткичлар²³

№	Кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан: (фермер ва деҳқон хужаликларисиз, млрд. сум)	2015	2016	2017	2018
1	-амалдаги (ишлар, хизматлар) ҳажми (ҚҚС ва акцизсиз)	1746,4	2545,4	3286,2	5510,6
2	-амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган истеъмол моллари (ҚҚС ва акцизсиз)	1255,8	1764,3	2480,8	3753,8
3	-ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми	448,3	804,3	954,8	1017,3
4	-ишлаб чиқарилган ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми	793,1	950,2	1513,1	2736,0

Ҳудудлар буйича энг кўп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Самарқанд шаҳри (2698,1 млрд.сўм), Самарқанд туман (1245,0 млрд.сўм), Ургут туман (1225,6 млрд.сўм), Тайлоқ туман (994,0 млрд.сўм) ва Булунғур туман (520,7 млрд.сўм) каби туманлар ҳиссасига тўғри келади. Қўшработ тумани (39,3 млрд.сўм) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорликнинг жами саноат маҳсулотларидаги улуши Қўшработ ва Нуробод туманларида (100,0 %), Самарқанд тумани(99,5 %), Ургут тумани(97,2 %), Окдарё тумани(97,2 %), Тайлоқ тумани(88,6 %), Иштихон тумани(86,7 %), Булунғур тумани(85,6%), Пахтачи тумани(83,3%), Пастдарғом(78,8 %) ва Паяриқда(76,1 %)ни ташкил этди. Жомбой туманида эса (11,6 %) кичик тадбиркорликнинг улуши паст бўлиб қолмоқда.

²³ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” Тошкент 2019 йил маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

2.2. Кичик бизнесни бошқариш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари

Иқтисодиётнинг эркинлашуви, ислохотларнинг чуқурлашуви, турли инқироз ва иқтисодий беқарорликларнинг содир бўлиб туриши, рақобатнинг мавжудлиги ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, кичик бизнес корхоналарининг ҳам бошқарув самарадорлигини ошириш заруратини тугдиради. Чунки бошқарув самарадорлиги таъминланмаган жойда, фойда етарли даражада бўлмайди, фойда бўлмаган жойда эса мулкый (иқтисодий) усиш таъминланмайди ва бу ҳам бўлмаган жойда корхоналарнинг инқирозга юз тутиши, банкрот булиши тайин. Шу туфайли барча хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга эришиш лозимдир.

Биз кичик бизнес корхоналари бошқарув самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар билан боғлиқ назарий ва амалий қарашларни таҳлил қилиб ва ўрганиб, ушбу масалани ҳал қилишга икки нуқтаи назардан қараш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келдик. Биринчиси, самарадорликнинг классик таърифига ва умумметодологик асосига таянган ҳолда ёндашиш бўлса, иккинчидан кичик бизнес корхоналари бошқарувининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш лозимлигидир.

Кичик бизнесни бошқариш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолашда иккинчи йўналиш бўйича қаралганда шуни инобатга олиш лозимки, корхона эгаси ёки шу хўжалик юритувчи субъект шу соҳага кўйган инвестициясидан етарли даражада фойда олишга эришмоғи, мавжуд моддий-техника асосларидан самарали фойдаланмоғи, ходимларнинг юқори меҳнат унумдорлигига эришмоғи ва харажатлардан ҳам самарали фойдаланмоғи лозим. Булардан келиб чиқиладиган бўлса, корхона хўжалигида самарадорликни баҳолаш учун, бизнинг фикримизча, кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мумкин бўлади. Бундай кўрсаткичлар тизимини учта гуруҳга бўлишни тавсия қиламиз:

- корхона хўжалигига кўйилган активлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;


• корхона хужалигида меҳнат самарадорлигини ифодаловчи курсаткичлар;

• корхона хужалиги харажатлари самарадорлигини ифодаловчи курсаткичлар.

Буни куйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин (2.2.1-расм).

2.2.1-расм

Корхона хужалиги самарадорлигини хужалик юритувчи субъектлар нуқтаи назаридан ифодаловчи курсаткичлар



Ҳар бир гуруҳ кўрсаткичлар ўз навбатида бир қанча гуруҳларни қамраб олади. Масалан, улардан бири корхона хўжалигига қўйилган активлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар. Бу гуруҳ кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- узоқ муддатли активлар рентабеллиги;
- жорий активлар рентабеллиги;
- умумий инвестициянинг қопланиш коэффиценти.


Буларнинг чизмаси куйидагича ифодаланади (2.2.1^а-расм).



2.2.1^а-расм. Корхона хўжалигига қўйилган активлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Корхона хўжалигида меҳнат самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам муҳим иқтисодий курсаткичлар сифатида ўз ўрнига эга. Мазкур гуруҳ курсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум (корхона ходимларининг меҳнат унумдорлиги, қийматда);
- битта ходимга тўғри келадиган ўртача маҳсулот (корхона ходимларининг меҳнат унумдорлиги, натурал курунишда). Буларнинг чизмаси қуйидагича ифодаланиши мумкин (2.2..1^б-расм).




2.2.1^б-расм. Корхона хўжалигида меҳнат самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Корхоналарда яна бир муҳим кўрсаткичлардан бири, уларга жорий йилда сарфланган харажатлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардир. Ушбу гуруҳ кўрсаткичларга қуйидагиларни киритишни тавсия қиламиз:

- жорий йилда қилинган харажатлар рентабеллиги;
- ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулот таннарихи.

Буларнинг чизмасини қуйидагича ифодалашни тавсия қиламиз (2.2.1^в-расм).



2.2.1^В-расм. Корхоналарда харажатлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Тадқиқот жараёнида ушбу курсаткичларни аниқлаш, уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш орқали ҳар бирининг яхшиланиши учун ички имкониятларни ахтариб топиш йўлларини курсатиб бериш лозим булади. Бу масала корхоналарда ва ўқув жараёнида ҳам муҳим ҳисобланади. Чунки, корхоналарда самарадорликни ифодаловчи курсаткичлар тизимли тарзда ишлаб чиқилмаган ва мос равишда амалиётда қулланилмасдан келинаётган эди. Шу туфайли биз ишлаб чиққан мазкур тавсия нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга молик масалалардан биридир.

Кичик бизнес корхоналарига қўйилган активлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири, узок муддатли активлар рентабеллигидир ($P_{уа}$). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун соф фойдани ($Cф$) барча узок муддатли активларнинг умумий миқдорига ($A_{ум}$) бўлинади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

$$P_{уа} = Cф * 100 : A_{ум} ; (2.2.1)$$

Мазкур кўрсаткич корхона раҳбари учун катта аҳамиятга эга. Корхонага қўйилган инвестициянинг неча фоизи ўзига қайтаётганлигини шу кўрсаткич орқали билиб олади.

Ушбу гуруҳга кирувчи навбатдаги кўрсаткич жорий активлар рентабеллиги ($P_{жа}$). Мазкур кўрсаткични аниқлаш учун ҳам соф фойдани ($Cф$) фақат жорий активлар ($A_{ж}$)га бўлиш лозим бўлади. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$Ржа = Сф * 100 : Аж$$

Мазкур курсаткичнинг миқдори жорий йилда ушбу корхонани реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, янги жиҳозлар олиш каби ишлар учун жорий активларнинг самарадорлигини ифода этади, яъни шу инвестиция бир йилда қанча фойда келтирганлигини кўрсатади. Агар ўтган йиллар билан таққосланадиган бўлса, аҳвол қай тарафга ўзгараётганлигини ва унинг самарадорлигидаги ўзгариш тенденциясининг йўналишларини аниқлаб, уларга баҳо бериш имконияти тугилади.

Кичик бизнес корхоналарига қўйилган инвестициялар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан яна бири умумий инвестициянинг қопланиш коэффицентидир (Иқк). Мазкур кўрсаткични аниқлаш учун барча инвестицияларнинг умумий миқдорини (Ину) соф фойданинг умумий миқдорига (Сф) бўлиш лозим бўлади. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$Иқк = Ину : Сф$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори қўйилган инвестицияларнинг неча йилда тўлиқ қопланишини ифодалайди. Агар шу кўрсаткич 10 га тенг бўлса, мазкур кичик бизнес корхоналарига қўйилган инвестиция 10 йилда бутунлай қопланади, деган маънони беради.

Кичик бизнес корхоналарида меҳнат самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум (кичик бизнес корхоналари ходимларининг меҳнат унумдорлиги, қийматда) ҳисобланади (Му). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун кичик бизнес корхоналарининг барча тушумларини (Тмх) ходимларнинг ўртача сонига (Хўс) бўлиш етарли бўлади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$Му = Тмх : Хўс$$

Мазкур кўрсаткичнинг миқдори меҳнат унумдорлигини ифода этади. Яъни бир ходим бир йилда қанча тушум таъминлаганлигини билдиради. Агар битта ходимнинг меҳнат унумдорлиги 20,0 миллион сўм бўлса, бу рақам битта ходим бир йилда 20,0 миллион сўмлик тушумни таъминлаганлигидан

далолат беради. Мазкур кўрсаткич қанча кўпайиб борса, аҳвол шунчалик яхшиланиб бораётганлигидан далолат беради.

Навбатдаги меҳнат самарадорлиги билан боглик кўрсаткичлардан бири, битта ходимга туғри келадиган уртача маҳсулот (корхона ходимларининг меҳнат унумдорлиги, натурал кўринишда). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун ҳам кичик бизнес корхоналарида тайёрланган маҳсулотлар сонини (ТМ) ходимларнинг уртача сонига (Хўс) бўлиш етарли бўлади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

$$M_y = T_M : X_{yc}$$

Ушбу курсаткичнинг миқдори ўрганилаётган даврда кичик бизнес корхоналарининг битта ходими урта ҳисобда қанча маҳсулот ишлаб чиқарганлигини кўрсатади. Агар ушбу формула орқали топилган кўрсаткичнинг миқдори 35 бўлса, шу кичик бизнес корхоналарида бир киши ўрта ҳисобда таҳлил қилинаётган даврда 35 та маҳсулот ишлаб чиқарганлигини кўрсатади. Мазкур кўрсаткичнинг қиёсий таҳлили шу корхонада аҳволнинг қандайлигидан далолат беради. Шу туфайли кичик бизнес корхоналари иқтисодиётини ўрганишда албатта мазкур меҳнат самарадорлиги билан боглик кўрсаткичларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Кичик бизнес корхоналари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан яна бири, уларга жорий даврда қилинган харажатлар рентабеллигидир (Хр). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун ҳам кичик бизнес корхоналарининг ўрганилаётган даврдаги соф фойдасини (Сф) ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархига, яъни маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажатларга (Хар) бўлиш лозим бўлади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$X_p = C_f : X_{ap}$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори ўрганилаётган даврда кичик бизнес корхоналарининг бир сўм қилинган харажатларга қанча тушумнинг туғри келганлигини кўрсатади. Агар ушбу формула орқали топилган кўрсаткичнинг миқдори 835 бўлса, шу кичик бизнес корхоналарида бир сўм қилинган харажат ўрта ҳисобда таҳлил қилинаётган даврда 835 сўмлик тушум келтиришга

эришилганлигини курсатади. Мазкур курсаткичнинг миқдорини қиёсий жиҳатдан таҳлил қилиб, кичик бизнес корхоналарида харажатлар самарадорлиги билан боғлиқ курсаткичларнинг ҳолатига баҳо бериш мумкин бўлади.

Мазкур гуруҳга кирувчи навбатдаги курсаткич, ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархидир. Бу ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулотга кетган харажатларни курсатади (T_n). Ушбу курсаткични аниқлаш учун ўрганилаётган даврдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархига, яъни маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажатларни ($X_{ар}$) барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сонига (M_c) булиш лозим бўлади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$T_n = X_{ар} : M_c$$

Ушбу курсаткичнинг миқдори ўрганилаётган даврда кичик бизнес корхоналарининг ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулотга қанча ҳаражат кетганлигини курсатади. Агар ушбу формула орқали топилган курсаткичнинг миқдори 83 минг бўлса, шу кичик бизнес корхонасида бир ишлаб чиқарилган маҳсулотга 83 минг сўм ҳаражат қилганлигини билдиради. Ўрганилаётган даврда ушбу курсаткичларнинг ҳолатига амалий жиҳатдан баҳо бериш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (2.2.1.-жадвал).

2.2.1.-жадвал

“Касаба Самарқанд” сайёҳлик агентлигида самарадорлик курсаткичларининг 2018-2019 йиллардаги ҳолатининг ҳисоб-китоби²⁴

№	Курсаткичлар	2018 йил	2019 йил	Фарқи (+,-)	Узгариш суръати, %
Мутлақ курсаткичлар					
1.	Сотилган маҳсулот (хизмат) дан тушум, минг сўм.	105795	705380	599585	666,74
2.	Сотилган маҳсулот (хизмат) ларнинг	80056	588190	508134	734,72

²⁴ “Касаба Самарқанд” сайёҳлик агентлиги маълумотлари асосида муаллифнинг ишланмаси

	таннархи, минг сум.				
3.	Сайёхлик агентлигининг соф фойдаси, минг сум	4204,5	1445	-2759,5	34,37
4.	Узоқ муддатли активлар, минг сум	10210	12200	1990	119,49
5.	Жорий активлар, минг сум	109867,3	111946,4	2079,1	101,89
6.	Ходимларнинг ўртача сони, киши	3	3	0	100
7.	Хизмат кўрсатилган туристлар сони, киши	4210	5121	911	121,64
Нисбий кўрсаткичлар					
8.	Узоқ муддатли активлар рентабеллиги	0,412	0,118	-0,294	28,64
9.	Жорий активлар рентабеллиги	0,038	0,013	-0,025	34,21
10.	Умумий инвестициянинг қопланиш коэффициенти	28,56	85,91	57,35	300,1
11.	Битта ходимга туғри келадиган ўртача тушум (меҳнат унумдорлиги, қийматда), минг сум	35265	235126,7	199861,7	666,74
12.	Битта ходимга туғри келадиган ўртача маҳсулот (меҳнат унумдорлиги, натурал)	1403,3	1707,0	303,7	121,64
13.	Жорий йилда қилинган харажатлар рентабеллиги, коэффициентда	0,0525	0,0025	-0,05	4,76
14.	Хар бир туристга қилинган харажат, яъни маҳсулот танархи, минг сум	19,02	114,68	95,66	602,94

Юқоридаги жадвал маълумотларида “Касаба Самарқанд” сайёхлик агентлигининг самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаб чиқдик. Биринчи кўрсаткич узоқ муддатли активлар рентабеллигидир. Бу кўрсаткич ўтган йили 0,412 жорий йилда

эса 0,118 ни ташкил этмоқда. Бундан шундай хулоса чиқаришимиз мумкин, корхона узоқ муддатга қўйилган инвестициянинг 2018 йилда 0,412 қисми, 2019 йилда 0,118 қисми ўзига қайтаётганлигини кўришимиз мумкин.

Навбатдаги курсаткич жорий активлар рентабеллиги. Мазкур кўрсаткичнинг миқдори жорий йилда ушбу корхонани реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, янги жиҳозлар олиш каби ишлар учун жорий активларнинг самарадорлигини ифода этади, яъни шу активлар бир йилда қанча фойда келтирганлигини кўрсатади. Агар ўтган йиллар билан таққосланадиган бўлса, аҳвол қай тарафга узгараётганлигини ва унинг самарадорлигидаги ўзгариш тенденциясининг йўналишларини аниқлаб, уларга баҳо бериш имконияти туғилади.

Корхона хўжалигига қўйилган инвестициялар самарадорлигини ифодаловчи курсаткичлардан яна бири умумий инвестициянинг қопланиш коэффициентидир. Ушбу курсаткичнинг миқдори қўйилган инвестицияларнинг неча йилда тўлиқ қопланишини ифодалайди. “Касаба Самарқанд” сайёҳлик агентлигида ушбу курсаткичнинг миқдори утган йили 28,56 жорий йилда 85,91 ни ташкил этмоқда.

Корхона хўжалигида меҳнат самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум (корхона ходимларининг меҳнат унумдорлиги, қийматда) ҳисобланади. Мазкур кўрсаткичнинг миқдори меҳнат унумдорлигини ифода этади, яъни бир ходимга бир йилда қанча тушум тўғри келганлигини билдиради. Агар битта ходимнинг меҳнат унумдорлиги ўтган йили 35265,0 минг сўм бўлса, жорий йилда 235126,7 минг сўм битта ходимга бир йилда тушумни тўғри келганлигидан далолат беради. Мазкур кўрсаткич қанча кўпайиб борса, аҳвол шунчалик яхшиланиб бораётганлигидан далолат беради.

Навбатдаги меҳнат самарадорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлардан бири, битта ходимга тўғри келадиган ўртача маҳсулотдир (корхона ходимларининг меҳнат унумдорлиги, натурал кўринишда). Ушбу кўрсаткични ўрганиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, 2018 йил меҳмонхонада бир киши

ўрта ҳисобда 1403,3 кишига, жорий йилда 1707,7 кишига хизмат қилганлигини кўрсатади.

Корхоналар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан яна бири, уларга жорий даврда қилинган харажатлар рентабеллигидир. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори урганилаётган даврда корхоналарнинг бир сўм қилинган харажатларга қанча фойданинг тўғри келганлигини кўрсатади. Сайёҳлик агентлигида кўрсаткичнинг миқдори бир сўм қилинган харажат ўрта ҳисобда утган йили 0,0525 жорий йилда 0,0025 сўмлик фойда келтиришга эришилганлигини кўрсатмоқда.

Мазкур гуруҳга кирувчи навбатдаги кўрсаткич, ҳар бир туристга қилинган ҳаражат, яъни маҳсулот таннархидир. Бу ҳар бир уринга қанча ҳаражат қилинганлигини ифода этади. Бу формула орқали топилган кўрсаткичнинг миқдори утган йили 19,02 минг сўм, жорий йилда эса 114,68 минг сўм бўлди.

“Қасаба Самарқанд” сайёҳлик агентлигининг 2018-2019 йиллардаги иқтисодий самарадорлигига умумий хулоса берадиган бўлсак, сайёҳлик агентлигига бир қанча ижобий хулосаларни беришимиз мумкин, буларга қуйидагиларни айтишимиз мумкин:

- корхона 2018 ва 2019 йилларда умумий 5649,5 минг сўм соф фойдага эришган;
- узоқ муддатли активлар, яъни асосий воситалар янгиланиши 19,49 фоизга етказилган;
- сотилган маҳсулот 2018 йилга нисбатан 508134 минг сўмга, яъни 7,34 мартага кўпайган.

Аммо шу билан бирга корхонада фойда ўтган йилга нисбатан камайган, бунинг энг асосий сабабларидан туристларга хизмат кўрсатиш сифати кўтарилишидир, яъни туристларга қилинган харажатларнинг кўпайиши таъсир кўрсатган. Бунинг натижасида умумий инвестициялар рентабеллиги ўтган йилга нисбатан 2,4 фоизга камайиб кетган. Бундан ташқари сайёҳлик агентлиги харажатлар рентабеллиги 4,76 фоизга камайиб кетган. Шунга қарамай корхона жаҳонда рақобат жуда кучайиб бораётган бир вақтда умумий инвестицияларнинг қопланиш коэффициенти уч баробардан ортиқ, битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум (меҳнат

унумдорлиги, қийматда) қарийиб 6,7 мартага, битта ходимга тўғри келадиган ўртача маҳсулот (меҳнат унумдорлиги, натурал) 21,64 фоизга, хар бир туристга қилинган ҳаражат, яъни маҳсулот таннархи 6 баробар оширишга эришган. Бу ҳолатни албатта ижобий баҳолаш лозим.

2.3. Кичик бизнес корхоналари бошқарув самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар ва уларни таҳлил қилиш йўллари

Кичик бизнес корхоналарининг ҳар бири хўжалик юритувчи субъект сифатида маълум самарадорлик билан ишлаши лозим ва бунда албатта бошқарув самарадорлигига, ҳамда бошқарув усулларини такомиллаштириб туриш зарурияти тугилади. Бунинг учун самарадорликни ифодаловчи барча кўрсаткичларга таъсир этувчи омиллар тизимини ишлаб чиқиш ва уларнинг таъсирини аниқлаш лозим бўлади. Бунда кичик бизнес корхоналари бошқарув самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар билан бирга уларнинг натижавий кўрсаткичларини ҳам алоҳида ўрганишга тўғри келади. Чунки бошқарув тўғри ва оқилона булсагина, натижа кўрсаткичлари юқори ҳамда самарадорлик юқори бўлади.

Ушбу назарий хулосага таянадиган булсак, кичик бизнес корхоналари бошқарувининг натижавий кўрсаткичлардан бири бўлган кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум бўлиб ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар иқтисодий адабиётларда деярли чоп қилинмаган. Буларни инобатга олиб ушбу кўрсаткичларга таъсир этувчи омиллар тизимини ишлаб чиқдик. Бизнинг фикримизча ушбу кўрсаткичнинг ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг сони;
- шу корхоналарда фаолият кўрсатаётган ходимлар сони;
- хар бир ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртача тушум;
- ҳисобот даврида ўртача иш куни.

Уларнинг натижа кўрсаткичи билан боглиқлигини қуйидаги формула билан ҳисоблашни тавсия қиламиз:

$$Y_T - K_c * X_c * T_{1x} * \ddot{Y}_{ик}; \quad (1)$$

Бунда: Y_m – кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум;

K_c – вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг сони;

X_c – шу корхоналарда фаолият кўрсатаётган ходимлар сони;

T_{1x} – хар бир ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртача тушум;

$\ddot{Y}_{ик}$ – ҳисобот даврида ўртача иш куни.

Таҳлилнинг асосий вазифаси шуки, мазкур омилларнинг натижага яъни бошқарув самарадорлигига таъсирини аниқлашдан иборат. Бунинг учун, энг аввало, уларнинг фарқини аниқлаш лозим. Ушбу фарқни аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$\Delta Y_T = (K_c^x * X_c^x * T_{1x}^x * \ddot{Y}_{ик}^x) - (K_c^p * X_c^p * T_{1x}^p * \ddot{Y}_{ик}^p); \quad (2)$$

Натижа кўрсаткичининг, яъни кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушумнинг ўзгаришига биринчи омилнинг, яъни вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг сонининг таъсирини аниқлаш учун, натижани шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ($K_c^x * X_c^p * T_{1x}^p * \ddot{Y}_{ик}^p$) ва ушбу миқдордан натижанинг режадаги миқдори ($K_c^p * X_c^p * T_{1x}^p * \ddot{Y}_{ик}^p$) айрилилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta Y_{T,K_c} = (K_c^x * X_c^p * T_{1x}^p * \ddot{Y}_{ик}^p) - (K_c^p * X_c^p * T_{1x}^p * \ddot{Y}_{ик}^p); \quad (3)$$

Кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушумнинг ўзгаришига иккинчи омилнинг, яъни шу корхоналарда фаолият кўрсатаётган ходимлар сони кўрсаткичи таъсирини аниқлаш учун, натижани шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ($K_c^x * X_c^x * T_{1x}^p * \ddot{Y}_{ик}^p$) ва ушбу миқдордан натижанинг биринчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ($K_c^x * X_c^p * T_{1x}^p * \ddot{Y}_{ик}^p$) айрилилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta Y_{T,X_c} = (K_c^x * X_c^x * T_{1x}^p * \ddot{Y}_{ик}^p) - (K_c^x * X_c^p * T_{1x}^p * \ddot{Y}_{ик}^p); \quad (4)$$

Натижа кўрсаткичининг, яъни Кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушумнинг ўзгаришига учинчи омилнинг, яъни хар бир ходимга тугри келадиган бир кунлик уртача тушумнинг таъсирини аниқлаш учун, натижани шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ($K_c^x * X_c^x * T_{1x}^x * \dot{Y}_{ик}^p$) ва ушбу миқдордан натижанинг иккинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ($K_c^x * X_c^x * T_{1x}^p * Y_{ик}^p$) айрилилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta Y_{T, T_{1x}} = (K_c^x * X_c^x * T_{1x}^x * \dot{Y}_{ик}^p) - (K_c^x * X_c^x * T_{1x}^p * \dot{Y}_{ик}^p), \quad (5)$$

Натижа кўрсаткичининг, яъни Кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушумнинг ўзгаришига тўртинчи омилнинг, яъни ҳисобот даврида уртача иш кунининг таъсирини аниқлаш учун, натижани шу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ($K_c^x * X_c^x * T_{1x}^x * \dot{Y}_{ик}^x$) ва ушбу миқдордан натижанинг учинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ($K_c^x * X_c^x * T_{1x}^x * \dot{Y}_{ик}^p$) айрилилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta Y_{T, Y_{ик}} = (K_c^x * X_c^x * T_{1x}^x * \dot{Y}_{ик}^x) - (K_c^x * X_c^x * T_{1x}^x * \dot{Y}_{ик}^p); \quad (6)$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta Y_T = \Delta Y_{T, K_c} \pm \Delta Y_{T, X_c} \pm \Delta Y_{T, T_{1x}} \pm \Delta Y_{T, Y_{ик}}; \quad (7)$$

Ушбу формулага амалий маълумотларни қўллаб ечиладиган бўлса натижа ўзгаришига омиллар таъсирини аниқлаш билан бирга уни яхшилашнинг ички имкониятлари ҳам ахтариб топилади. Бунинг учун иқтисодий таҳлилда фойдаланиладиган занжирли алмаштириш усулидан фойдаландик²⁵.

Ушбу назарий усулнинг бевосита амалиётда қўлланилишини кўриб чиқиш учун қуйидаги Самарқанд вилояти Статистика бошқармасининг маълумотларини келтирамиз (1-жадвал).

²⁵ Пардаев М.К., Холикулов А.Н. Иқтисодиёт субъектларида омилли таҳлилни такомиллаштириш. Монография. Т.: Навруз нашриёти. 2014 й. 64-108 бетлар.

**Самарқанд вилояти Статистика бошқармасининг 2015 ва
2018 йилдаги натижавий кўрсаткичлари²⁶**

№	Кўрсаткичлар	2016 йил	2018 йил	Фарқи (+,-)
1	Кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум. $У_t$. (млрд сум)	2462248,8	2631495,2	169246,4
2	Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг сони, Кс (та)	17261	25643	8382
3	Шу корхоналарда фаолият кўрсатаётган ходимлар сони, X_c (минг киши)	1286,3	1568,4	282,1
4	Ҳар бир ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртача тушум. T_{1x} (минг сум)	363,6	218,1	-145,3
5	Ҳисобот даврида ўртача иш куни. $У_{ик}$	305	300	-5

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ҳисобот даврида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг сони ўтган йилга нисбатан 8382 тага кўпайган, шу билан бирга шу корхоналарда фаолият кўрсатаётган ходимлар сони 282,1 минг кишига кўпайган, Ҳар бир ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртача тушум 1817,4 минг сўмга ошган. Аммо, ҳисобот даврида ўртача иш куни 5 кунга камайган. Оқибатда Самарқанд вилоятига кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум суммаси 1693,3 млрд. сўмга ошган. Бироқ ушбу жадвал маълумотлари Кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушумнинг ўзгаришига қайси омиллар қай даражада таъсир қилганлигини тасвирлай олмайди. Шу туфайли омилли таҳлил учун қуйидаги жадвалдан фойдаланишни тавсия қиламиз (2.3.2-жадвал).

²⁶ Самарқанд вилояти Статистика бошқармасининг 2015-2018 йиллардаги маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.

Куйидаги биз тавсия қилган усулдан, яъни занжирли алмаштириш усулидан ҳар бир омилнинг натижа узгаришига таъсирини амалий маълумотларни қўллаган ҳолда аниқлаш йўлларини кўриб чиқамиз.

Ушбу жадвал маълумотларидан куришиб турибдики, ҳисобот йилида Кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум 169246,4 (2631495,2 - 2462248,8) млрд. сўмга ошган. Бу узгариш куйидаги омиллар таъсирида руй берган.

2.3.2- жадвал

Самарканд вилоятида Кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушумга алоҳида омиллар таъсирини ҳисоблаш

Курсаткичлар	Утган йили	Ҳисобот йили	Занжирли алмаштириш			
			К _с	Х _с	Т _{1х}	У _{ик}
Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг сони, К _с (та)	17261	25643	25643	25643	25643	25643
Шу корхоналарда фаолият кўрсатаётган ходимлар сони, Х _с (минг киши)	1286,3	1568,4	1286,3	1568,4	1568,4	1568,4
Ҳар бир ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртача тушум. Т _{1х} (минг сўм)	363,6	218,1	363,6	363,6	218,1	218,1
Ҳисобот даврида ўртача иш куни. У _{ик}	305	300	305	305	305	300
Кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум. У _т (млн сўм)	2462248,8	2631495,2	3657925,1	4460149,1	2675353,5	631495,2

1. Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг сонининг таъсирини кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушумга таъсирини топиш учун қуйидаги ҳисоб китобни амалга оширамиз:

$$\Delta U_{\text{т.кс}} = (25643 * 1286,3 * 363,6 * 305) - (17261 * 1286,3 * 363,6 * 305) = 3657925,1 - 2462248,8 = 1195676,3$$

Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг сонининг 8382 (25643 – 17261) кўпайганлиги Кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум ҳажмини 1195676,3 млрд. сўмга кўпайтирган.

2. Шу корхоналарда фаолият кўрсатаётган ходимлар сони кўрсаткичининг натижа кўрсаткичига таъсирини қуйидагича ҳисоблаймиз:

$$\Delta U_{\text{т.хс}} = (25643 * 1568,4 * 363,6 * 305) - (25643 * 1286,3 * 363,6 * 305) = 4460149,1 - 3657925,1 = 802224$$

Шу корхоналарда фаолият кўрсатаётган ходимлар сони кўрсаткичининг 282,1 минг кишига ошганлиги Кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум ҳажмини 802224 млрд сўмга (4460149,1-3657925,1) оширган.

3. Хар бир ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртача тушум кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум ҳажмига таъсирини қуйидаги ҳисоб-китоблар билан топамиз:

$$\Delta M_{\text{т.тлм}} = (25643 * 1568,4 * 218,1 * 305) - (25643 * 1568,4 * 363,6 * 305) = 2675353,5 - 4460149,1 = -1784795,6$$

Кўриниб турибдики, ҳар бир ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртача тушум 145,3 минг сўмга камайганлиги натижа кўрсаткичининг 1784795,6 минг сўмга (2675353,5 – 4460149,1) камайишига сабаб бўлган.

4. Ҳисобот даврида ўртача иш кунининг ўзгариши натижа кўрсаткичи ўзгаришига таъсири қандай бўлганлигини қуйидагича ҳисоблаб топамиз:

$$\Delta M_{\text{т.ўнк}} = (25643 * 1568,4 * 218,1 * 300) - (25643 * 1568,4 * 218,1 * 305) = 2631495,2 - 2675353,5 = -43858,3$$

Бундан аёнки, ҳисобот даврида ўртача иш кунининг 5 кунга камайиши сабабли кичик бизнес корхоналаридан келадиган

умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум ҳажми 43858,3 млрд. сўмга (2631495,2– 2675353,5) камайган.

Юқоридаги ҳисоб китоблардан кўриниб турибдики, кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум 2016 йилдагига нисбатан 169246,4 млрд сўмга (2631495,2 - 2462248,8) кўпайган. Бу ўз навбатида тўртта омил таъсири остида рўй берган:

$$\Delta Y_t = 1195676,3 + 802224 - 1784795,6 - 43858,3 = 169246,4$$

Бу ҳисоб китоблардан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг сони, ҳамда шу корхоналарда фаолият курсатаётган ходимлар сони натижа кўрсаткичига ижобий таъсир қилган ва аксинча ҳар бир ходимга тўғри келадиган бир кунлик ўртача тушум, ҳамда ҳисобот даврида ўртача иш кўни омили таъсири эвазига эса кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушум 1828653,9 минг сўмга камайган.

II боб бўйича хулоса

1. Иқтисодий стратегик ривожлантириш шароитида кичик бизнеснинг иқтисодий кўрсаткичлар таҳлилини Самарқанд вилоятида ўрганилиши ва бу соҳада изланишлар, илмий ишлар олиб борилиши жуда муҳим ҳисобланади. Негаки, ресубликамиз миқёсида кичик бизнес соҳасида айнан Самарқанд вилояти мамлакатимизнинг ЯХМда ҳам юқори кўрсаткичларга эга эканлиги юқорида асослаб берилди. Лекин афсуски, яширин иқтисодий улушининг мавжудлиги, мамлакат иқтисодий ривожланишида салбий таъсирини айтиб ўтиш лозим. Яширин иқтисодий тадбиркорларнинг нафақат ўз манфаати, балки уларнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва қолаверса, кичик бизнесни бошқаришдаги билимининг саёзлиги ҳам асосий омил сифатида намоён бўлади. Шундан келиб чиқиб, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий шерикчиликда рўйхатдан ўтмаган норасмий кичик бизнес вакиллариининг ҳуқуқий мақомга эришишларига бевосита кўмаклашиш, бошқарувнинг самарали имкониятларидан баҳраманд этиб, уларни сонини янада ошириб муваффақиятли фаолият кўрсатиши орқали Самарқанд вилоятида мазкур

соҳанинг ривожига таъсир этиш илмий изланишнинг асосий хулосаларидандир.

2. Кичик бизнес корхоналари бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари доимо қидириш ва уларни таҳлил қилиш, қорхонанинг рақобат муҳитида уз урнига эга бўлишида яққол куринади. Ўз навбатида, бу айниқса энди уз фаолиятини бошлаган кичик бизнес корхоналарига тегишлидир. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишининг барча босқичларида қийинчиликлар ва ҳал қилинмаган муаммолар жуда кўп. Бошқарув самарадорлигига эришишнинг турли-туман йўлларидан фойдаланиш қорхонанинг тезлик билан ривожланишига олиб келади. Яъни булар:

- Илғор технология ва замонавий бошқарув усулларидан фойдаланиш; - Инновацион бошқарув усулларини қўллаш; - Менежмент фани ва амалиётининг илғор ютуқларидан фойдаланиш; - Мамлакатимиз ва хориж фирмаларининг бошқарув тажрибаларини тадбиқ этиш каби қатор масалаларни келтириш мумкин.

3. Кичик бизнес корхоналари самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар ва уларни таҳлил қилиш йўллари мураккаб бўлсада, бу кўрсаткичларни аниқлаш ҳамда уларни ўрганиш соҳа бошқарувини янада такомиллаштиради. Юқорида келтирилган мисолимизда яъни, Самарқанд вилояти Статистика бошқармасининг 2015 ва 2018 йилдаги натижавий кўрсаткичлари тўртта омил асосида кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушумга алоҳида омиллар таъсири ҳисобланди. Бу таҳлилда энг қулай усуллардан бири бўлган, занжирли алмаштириш усулидан фойдаланилди. Таҳлил шуни кўрсатдики, ҳисобот давридаги ўртача иш кунининг ўтган йилга нисбатан камайиши, кичик бизнес корхоналаридан келадиган умумий даромадлар ҳажми, яъни умумий тушумнинг камайишига олиб келган. Шунинг учун ҳам бундай салбий натижалар бўлмаслиги албатта бошқарувнинг не чоғлик самарали ва тўғри олиб борилиши билан белгиланади.

III БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Республикамизда кичик бизнесп секторларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва бу борада олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар

Иқтисодиётни стратегик ривожлантириш шароитида кичик бизнесни бошқариш ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш бу соҳа ривожини учун энг муҳим бажарилиши керак бўлган вазифалардан ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасидаги жараёнларга эътибор қаратадиган булсак, бугунги кунда мазкур субъектлар фаолияти учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, бошқарув тузилмасини барпо этиш, кичик бизнес субъектларига кадрлар тайёрлаш, зарурий ахборот билан таъминлаш, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ташқи иқтисодий фаолиятини юксалтириш, молиявий ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқий базани такомиллаштириш, уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишнинг давлат томонидан тўлиқ қафолатланганлигини кўришимиз мумкин. Шу ўринда тадбиркорлик равнақини молиявий жиҳатдан таъминловчи асосий омилларнинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат эканлигини кўриб ўтамиз:

1. Иқтисодиёт тармоқларининг бозор муносабатларига ўтиши ва истеъмол бозорининг яратилиши. Бу манфаат ва талаб доирасини кенгайтиради ҳамда фақат оммавий талабдан товар, иш ва хизматларга бўлган эҳтиёжни яратиб қолмай, балки индивидуал талаб мавжуд нарсаларга ҳам эҳтиёж тугдиради. Бундай талаб-эҳтиёжларни фақатгина кичик корхоналар тез ва сифатли қаноатлантира олади.

2. Тадбиркорларнинг мулки, ҳуқуқи ва иқтисодий манфаатлари ҳимояланишига ҳуқуқий асослар ва давлат идоралари қафолатининг мавжудлиги.

3. Ишбилармонликнинг давлат томонидан солиқ, молия, кредит ва амортизация сиёсати орқали қўллаб-қувватланиши.

4. Давлат ва муниципал (маҳаллий уз-узини бошқариш) корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва кичик фирмалар очиш.

5. Кам даромадли, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлайдиган корхоналар банкротликка (инқирозга) учраши аниқлиги ва уларнинг негизида хусусий кичик корхоналар ташкил қилиш.

6. Давлатнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан барқарор ҳолати (бу хорижий капитални жалб қилишга кўмаклашади).

7. Жамиятнинг тадбиркорлик тўғрисидаги ижобий фикри.

8. Ишбилармонликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини тўғри танлаш;

9. Иқтисодиёт инфратузилмаси (турли инновацион марказлар, банклар, биржалар, сугурта компаниялари, реклама агентликлари ва бошқалар) тез суръатларда ривожланиб бориши.

Тадбиркорлик фаолияти узвий равишда молия билан боғлиқ. Негаки, молия пул маблағлари, уларнинг ҳаракати, даромадлар, харажатлар, тадбиркорлар ва бизнесда иштирок этувчи фуқаролар ўртасида ҳамда тадбиркор фирмалар ва давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни билдиради. Тадбиркорликдан кўзланган биринчи мақсад фойдага эга бўлиш ва ўша пул маблағларидан фойдаланишдир.

Модомики, шундай экан, ҳар бир тадбиркор қандайдир даражада молиячи ва ҳисобчи бўлиши шарт. У қаерга қанча пул сарфланишини, бизнес операция ва бизнес лойиҳа учун зарур маблағ миқдорини чамалаш ва билиши лозим. Кассада, фирманинг банкдаги ҳисоб рақамида қанча пул борлиги, пул маблағлари қаердан келиши мумкинлиги тўғрисида тасаввурга эга бўлиши, харажатлар ва даромадларни ўзаро солиштириб, сарфлар кўпайиб кетишининг олдини олишга интилиши зарур. Пуллардан мақсадли фойдаланиб, сифатли товар ва маҳсулот ишлаб чиқариши унинг бозордаги мавқеи ошишига, даромади кўпайишига ва товар ёки маҳсулотига талаб кучайишига туртки бўлади.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан 2019 йил – “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да салмоқли натижаларга эришдик. Барча соҳалардаги ижобий натижалар қаторида инвестициялар ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди. Айниқса, туғридан-туғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан – 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди.

Тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратишга барча имкониятларимизни сафарбар этиш галдаги вазифалар қаторига киритилди. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион сум кредитлар ажратилди. 2020 йилда 5,5 минг нафар хотин-қизнинг кичик бизнес йуналишидаги лойиҳаларига 100 миллиард сум миқдорида имтиёзли кредит берилади. Бунинг учун банкларга давлат бюджетидан ресурс ажратиш кузда тутилган. Бундан ташқари, 1 минг 576 нафар хотин-қизга янги уй-жойларга эга бўлиши учун бюджет ҳисобидан бошланғич бадал тулаб берилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож опа-сингилларимизни Хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида 5 та муҳим ташаббус доирасида қисқа ўқув курсларида ўқитиш ташкил этилади.

Шу билан бир қаторда шуни ҳам таъкидлаб ўтишимиз жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Ҳар бир оила тадбиркор” давлат дастури бу соҳага берилаётган имтиёзларнинг, эътиборнинг яққол далилидир. Жорий йилда ташкил этилган “Давлат хизматлари” марказининг ўз фаолиятини бошлаши биланоқ, юзлаб мурожатномаларнинг ижобий ҳамда тезкор муддатдаги натижа билан ҳал этилиши ҳам тадбиркорларга катта қулайлик яратиб бермоқда.

Қолаверса, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бир қатор афзалликлар яратилмоқда. Хусусан, “Ягона дарча” марказлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 16 турдаги рухсатномани бошқа идораларга бормасдан расмийлаштириш амалиётининг жорий этилиши сансалорликларнинг олдини

олишга, тадбиркорлик субъектларининг вақти ва моддий сарф-харажатларини тежашга кўмаклашмоқда. Ана шундай ижобий амалиётни янада кенгайтириш мақсадида қарорда талаб энг юқори бўлган қўшимча 86 турдаги лицензия ва рухсатномани “Ягона дарча” марказлари орқали расмийлаштириш механизмини босқичма-босқич жорий этиш кўзда тутилди. Бундан ташқари, 2018 йил 1 январидан бошлаб “Ягона дарча” марказлари орқали такдим этиладиган лицензия ва рухсатномаларни қогоз шаклидаги махсус бланкаларда мажбурий расмийлаштириш талаби бекор қилинди. Бунда берилган, тўхтатиб қўйилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган, шунингдек амал қилиш муддати тугатилган рухсатнома ва лицензиялар тугрисидаги маълумотларни “Лицензия” ахборот тизимлари мажмуаси орқали олиш имконияти яратилди. Бу эса “ягона дарча” марказларини самарали бошқариш, уларнинг фаолиятини ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишга нисбатан тизимли ёндашувни белгилаш имкониятини берди.

“Ҳар бир оила-тадбиркор”, “Ёшлар келажагимиз” давлат дастурлари доирасида амалга оширилган ишлар жараёнида кичик бизнесни ривожлантиришда муваффақиятлар қўлга киритилди. Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб берилади. Бундай чоралар орқали одамларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортади, улар кўпроқ даромад олишга интиладиган бўлади. Шу билан бирга, ҳамма ҳам тадбиркор бўла олмайди. Шу сабабли бундай одамлар билан тизимли иш олиб бориб, касбга қайта тайёрлаш орқали уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш лозим. Ушбу мақсадлар учун 700 миллион доллар давлатимиз бюджети томонидан маблағ жалб қилинади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш билан боглиқ ижтимоий

муаммоларини ҳал қилиш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Шулардан келиб чиқиб, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг 2017-2021-йилларга мулжалланган асосий концептуал йуналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб қўйилди:

1. Хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йулидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш;

2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқини муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш;

3. Давлат мулкни хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-тамойилларини соддалаштириш, хужалик юритувчи субъектларнинг устав жамгармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулкидан хусусийлаштирилган объектлар баъзасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

4. Инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларида хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш;

5. Корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарнинг стратегик бошқарилишида акциядорларнинг ролини кучайтириш;

6. Тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиши бўйича тартиб-тамойил ва механизмларни такомиллаштириш ва соддалаштириш;

7. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини-ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш²⁷.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 5-октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя

Иқтисодий стратегик ривожлантириш шароитида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш ва улар фаолиятини ривожлантириш учун ушбу тадбирлар асос бўлиб қолади. Чунки бугунги эҳтиёж ва талабдан келиб чиқиб, белгиланган тадбирлар, ушбу соҳани бошқариш учун муҳим аҳамиятга эга. Бундай амалий чоралар ўз натижасини бермоқда. Кичик бизнес мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 60 фоизини, саноат маҳсулотлари ҳажмининг учдан бирини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 98 фоизини, инвестицияларнинг ярмини таъминламоқда. Купгина вилоятларда экспортнинг 70-90 фоизини айнан кичик бизнесга тўғри келади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган қарорларнинг амалиётга кенг тадбиқ этилиши, текшириш ишларининг қисқарганлиги, бизнес юритиш учун молия ва вақт харажатларининг камайганлиги, руйхатга олишнинг хабардор қилиш тизимининг жорий этилиши натижасида, уларнинг ташқи савдо фаолияти курсаткичларида ҳам ижобий тенденциялар юз бермоқда. Импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, экспорт ҳажмида кичик бизнеснинг ҳиссасини ошириш имконини бермоқда. Республикамиз экспортининг умумий ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000-йилда 10,2% ни ташкил этган бўлса, 2016- йилда 26,5%га ошган. Ислоҳотларимиз натижасида ўтган йили 93 мингта ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди.

Бугунги кунда 49 туманда ишлаб чиқариш ва 63 туманда хизмат кўрсатиш ҳажмининг жуда пастлиги уларда мавжуд салоҳият, ер, хомашё ва меҳнат ресурслари тўлиқ сафарбар қилинмаганидан далолат беради. Шунинг учун Иқтисодий ва саноат вазирлиги раҳбарлари бошчилигида жойларда саноат ва

қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қушимча чора-тадбирлар туғрисида”ги Фармони.

хизматларни ривожлантириш буйича доимий ишчи гуруҳлар ташкил қилинди ва уларга тармоқлар бириктирилди. Ушбу тузилмаларга тармоқлар билан бирга ҳар бир туман ва шаҳар салоҳиятини урганиб, 2020 йилда янги қувватлар ташкил этиш, инфратузилма ва хизматлар соҳасини ривожлантириш буйича лойиҳалар дастурини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бунда республика буйича қарийб 1,5 мингта давлат мулки ва давлат улуши мавжуд объектларни сотиш ҳамда 70 мингта тадбиркор фаолиятини тиклаш муҳимлиги қайд этилди. Давлат божхона қўмитасига 1 январдан бошлаб экспорт-импорт операциялари учун зарур рухсатнома ва сертификатлар “Ягона дарча” божхона ахборот тизими орқали электрон шаклда олинишини йўлга қўйиш топширилди. 2020 йилда “Бизнес юритиш” рейтингда мамлакатимиз ўрнини янада яхшилаш, жумладан, рухсатнома бериш ва сертификатлаш тизимини соддалаштириш буйича ҳам вазифалар белгиланди.

Бундан ташқари, мамлакатимиз буйлаб ишга туширилаётган 145 та йирик янги қувватларда шу йилнинг узида маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, улар бюджетга қўшимча даромад келтиришини назоратга олиш зарурлиги қайд этилди. Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлашда аҳоли ва юридик шахсларга кўрсатилган хизматлар учун олинган туловлар ҳам муҳим рол ўйнайди.

Қуйидаги жадвалда молиявий кўрсаткичлар келтирилган бўлиб, тўрт йил давомида Самарқанд вилояти буйича кичик корхона ва микрофирмаларнинг маҳсулот сотишдан тушган соф тушуми, сотилган маҳсулоти таннархи, давр харажатлари, асосий воситаларининг бошлангич қиймати буйича баҳоси ва асосий воситаларининг эскириш суммаси буйича маълумотлар келтирилган.

Улар йилдан йилга ўсиш суратида. Давлат томонидан кичик бизнес субъектларининг қўллаб-қувватланиши, улар фаолиятининг янада ривожланиши учун қулайликлар яратилишидир.

Молиявий курсаткичлар. (Самарканд вилояти мисолида)²⁸

№	Худудлар буйича кичик корхона ва микрофирмаларнинг (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, млрд.сум)	2015	2016	2017	2018	2018 й жамига нисбатан % да
1	маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушуми	5372,7	7546,6	8934,1	14250,4	7,7
2	сотилган маҳсулоти (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннарҳи	4217,0	5759,1	6632,3	11058,8	8,2
3	давр харажатлари	492,6	661,9	800,7	1489,9	6,9
4	фойда солиғини тулагунга қадар фойдаси (зарари)	652,7	1077,5	1065,5	1521,8	5,8
5	Асосий воситаларининг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати буйича баҳоси	2338,4	2865,2	3960,8	6614,7	7,9
6	Асосий воситаларининг эскириш суммаси	633,8	814,6	1096,5	1601,8	8,7

Кичик бизнес молиявий, номолиявий ва аралаш қўллаб-қувватлаш ва тартибга солишнинг ўзига хос хуссиятларига эгадир. Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш АҚШ ва Канада мамлакатлари мисолида кўриб ўтамиз. Кичик ва ўрта бизнесни кредитлар орқали қўллаб-қувватлаш асосий қўллаб-қувватлаш воситаси сифатида тушинилади. Молиялаштириш давлат жамгармаларидан, шунингдек, тижорат банкларида имтиёзли кредитлар бериш орқали амалга оширилади, банклар эса давлатдан маълум имтиёзларни олади. Тадбиркорларнинг кўникмалари ва малакаси тадбиркорларнинг ўз саъй-ҳаракатлари билан ривожланади. Бунда икки ҳолатни кузатиш мумкин.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” Тошкент 2019 йил маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Ижобий жиҳатлар:

- Бизнесни тезда бошлаш ва натижаларни олиш қобилияти;

Нокулай жиҳатлари:

- Кредит беришда етарли даражада таҳлил қилинмаганлиги сабабли бизнеснинг зарар куриши қалтислиги;

- Қисқа муддатли қўллаб-қувватлаш таъсири;

- Бюджетнинг катта харажатларига эҳтиёж.

Хипдистон ва Сингапур мамлакатлардан мисолларга эътибор қаратсак, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун кўпинча номолиявий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллашнинг биламиз. Қўллаб-қувватлашнинг асосий воситалари консалтинг, таълим, ташқи бозорларга чиқишда ёрдам бериш ва кафолатлар беришдир.

Ижобий жиҳатлари:

- Узоқ муддатли қўллаб-қувватлаш таъсири;

- Кичик урта бизнес юқори бизнес юритиш куникмаларига эга, бу компаниялар рентабеллигига ижобий таъсир курсатади.

Нокулай жиҳатлари:

- Молиялаштириш танқислиги муаммоси Ўзбекистон аҳолисининг даромадларининг ва инвестиция имкониятларининг пастлигини чуқурлаштиради.

Бунда кичик бизнесда етарли маблаг бўлмаган ҳолда билим ва кўникмаларни ривожлаништиришга эътибор қаратилади.

Кичик бизнесни аралаш қўллаб-қувватлаш ва тартибга солишни Буюк Британия ва Франция мамлакатлари мисолида норматив ва инфратузилмага доир тўсиқларни бартараф этишда молиявий ва номолиявий қўллаб-қувватлаш хусусиятларига эътибор қаратамиз. Давлат барқарор институционал муҳитнинг ишлашнинг таъминлайди, бир вақтнинг ўзида кичик бизнес соҳасида сиёсат координатори мавжуд бўлган тақдирда минтақавий инфратузилма тармоғи орқали мақсадга йўналтирилган молиявий ёки номолиявий қўллаб-қувватлашни таъминлайди.

Ижобий жиҳатлари: • Узоқ муддатли қўллаб-қувватлаш мавжудлигида бизнеснинг тезда ишга тушириш имконияти.

Нокулай жиҳати:

•Қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш учун юқори маъмурий ҳаракатларга эҳтиёж.

Бунда барқарор институционал шароитда кичик бизнес вакиллари фойдаланиши мумкин бўлган молиявий ресурсларни ва кўникмаларни бирлаштиришга эришилади.

Ўзбекистонда КБ ва ХТни қўллаб-қувватлаш буйича стратегияни ишлаб чиқадиган ягона бирлаштирувчи, шунингдек уни амалга оширишнинг кейинги мониторингини амалга оширувчи идора 2019 йил августига қадар мавжуд бўлмаган. Хориж тажрибасига назар солиб, қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратамиз.

3.1.2.-жадвал

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш дунё мамлакатлари мисолида²⁹

№	Мамлакатлар	КУБ стратегиясини ишлаб чиқиш	Қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш	Мониторинг
1.	Сингапур	SPRING Singapore		SPRING Singapore, Сингапур савдо ва саноат вазирлиги
2	Малайзия	SME Corporation		SME Corporation
3	Япония	SME Agency		SME Agency
4	АҚШ	SBA		SBA
5	Вьетнам	SME Development council	Бир неча ташкилотлар	SME Development council
6	Таиланд	OSMEP		OSMEP
7	Ҳиндистон	Ministry of SME		Ministry of SME
8	Жанубий Африка	Small Enterprise		Small Enterprise
9	Жанубий Корея	SMB Administration		SMB Administration

²⁹ Uzbekistan2035/uz/2019/05/Концепция-Развития-Узбекистана-uzb/pdf Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегиясининг концепсияси.

		Development Agency		Development Agency
10	Россия	Россия Иқтисодий ривожланиш вазирлиги		Россия Иқтисодий ривожланиш вазирлиги
11	Ўзбекистон	Мавжуд эмас		Бир нечта ташкилотлар

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бизнесни ривожлантириш бўйича ривожланган давлатларда мониторинг тизими яхши йулга қўйилган. КЎБ стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича ҳам юқорида кўрсатилган давлатлар етакчилик қилишмоқда. Аммо, Ўзбекистонда айнан бу йўналиш бўйича ҳали кўплаб ислохотлар амалга оширилиши лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик юзасидан жаҳон амалиётига назар соладиган булсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми булиб, иқтисодиёт фаолиятининг фундаментал асоси, давлат ривожланишида энг муҳим катализаторлардан бири булиб ҳисобланади. Кичик корхоналар молиявий ҳолатини урганишда америкалик олимлар Р.Каплан ва Д.Нортон томонидан ишлаб чиқилган “Мувозанатлаштирилган курсаткичлар тизими” (Balanced Score Card-BSC) алоҳида ўрин эгаллайди. Бу тизим кичик бизнес ва тадбиркорликнинг самарадорлигини ифодаловчи бир қатор курсаткичларни ўлчаш ва баҳолаш асосида ишлаб чиқилган. Бу тизимда ўтган операцияларнинг анъанавий молиявий параметрлари билан бирга келгусидаги молиявий фаолиятининг янги баҳолаш таснифи алоқаси мужассамланган. Бу тизим узоқ муддатли молиявий мақсадлар қўйишни ифодаладиган стратегия булиб, у ўзида аввалдан режалаштирилган иқтисодий натижага эришишнинг босқичларини ифодалайди. Шу сабабли ҳам кичик корхоналарнинг молиявий стратегиясини ишлаб чиқишда умумий стратегиянинг молиявий курсаткичларини ҳам ҳисобга олишга тугри келади. Шу сабабли BSC тизими орқали бюджетлаштириш тизимига ўтиш жараёнини қуйидаги тамойиллар асосида амалга ошириш таклиф этилади:

1. Кичик корхона фойдаси, маҳсулот сотиш ва рентабеллигининг қушимча усиш курсаткичлари BSC тизимида молиявий бюджетга тўғри утилиши керак;

2. Кичик корхона фаолиятида стратегик ташаббусларнинг бюджетини шакллантириш ва ушбу тадбирларнинг қийматини аниқлаш ҳамда харажатларини вақтлар бўйича тақсимлаш имконини ҳисоблаш муҳимдир.

3. Кичик корхоналарнинг ташкилий тузилмаси ва унда қулланилаётган бюджетлаштириш тизимига қўра маҳсулот сотишдан келган тушум ҳамда янги маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланаётган харажатлар янги лойиҳа бюджетида ёки компаниянинг йиғма бюджетида акс эттирилиши мақсадга мувофиқ.

4. Маҳсулот сотиш билан боғлиқ булган мижозларга хизмат курсатиш, сотишни рағбатлантириш, реклама ва бошқа бошқарув харажатлари бюджетига киритилиши лозим ва бошқалар.³⁰

Юқорида таъкидлаб утганимиздек, Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини янада ислоҳ қилишда, кичик бизнес субъектларига солиқ имтиёзлари берилган, уларга имтиёзли ставкаларда кредитлар бериш ташкил қилинган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бошқаруви фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда бу соҳага қулайликлар яратиш мақсадида давлатимиз томонидан барча мақсадли ишлар қилинмоқда. Бундай чора-тадбирлар ҳаммаси соҳа ривожини учун қилинаётган ишлар ўз самарасини бермасдан қолмайди албатта.

Солиқ сиёсати Президентимиз ташаббуслари билан 2020 йилдан бошлаб маҳаллий бюджетни шакллантириш тартиби тубдан ўзгаради, ҳудудлар ўз сарф-харажатларини мустақил равишда ҳал қилади. Шу муносабат билан энди ҳокимлар маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш учун кўпроқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этиши, солиқларни мустақил равишда йиғиши ва бу борадаги масъулиятини кўчайтириши керак бўлади. Яширин фаолият

³⁰ “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №1, февраль, 2017 йил
www.interfinance.uz

юритиш орқали солиқдан қочишнинг олдини олиш чораларини куриш зарур. Бинобарин, барча соҳаларда “хуфиёна иқтисодиёт” куламларини кескин қисқартириш буйича “йул харитаси” ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланади.

Маълумки, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, хорижий ва миллий экспертлар иштирокида янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Солиқ сиёсатида олиб борилаётган ислохотларнинг кейинги босқичи солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришдир. Янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақиға солиқ юки 1,5 баробар камайтирилди. Натижада расмий секторда ишлаётганлар сони йил давомида 500 мингтаға кўпайди. Қушилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизға туширилди. Бунинг ҳисобидан ўтган йили солиқ тўловчилар ихтиёрида 2 триллион сўм қолди. Жорий йилда бу рақам 11 триллион сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Бир йилда тадбиркорлар ихтиёрида шунча маблағ қолиши, албатта, уларға ўз бизнесларини ривожлантириш учун жуда катта қўшимча имкониятлар яратади.

Янги Солиқ кодексига мувофиқ, бу йилдан бошлаб кўплаб янгиликлар амалиётга жорий этилмоқда. Жумладан, солиқ турлари 13 тадан 9 таға камайтирилди. Солиқларни тўлаш муддатини узайтириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашға рухсат бериш буйича енгиллаштирилган механизмлар киритилди. Биринчи марта тадбиркорларға ички бозорда сотган маҳсулоти буйича қўшилган қиймат солигининг бир қисмини қайтариш тартиби жорий этилмоқда. Ҳозирғача бу тартиб фақат маҳсулот экспорт қилинганда қўлланар эди. Бунинг ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида 3,4 триллион сўм ёки ўтган йилға нисбатан 2,5 баробар кўп маблағ қолади. Энди тадбиркор томонидан тўланган ортиқча солиқ ўз муддатида қайтарилмаса, унга Марказий банкнинг асосий ставкаси буйича бюджетдан фоиз тўланадиган бўлди. Солиқ кодекси нормаларини ҳар бир солиқ ходими, тадбиркорлар ва солиқ тўловчилар пухта ўзлаштириши, бунинг учун уларни мунтазам равишда ўқитиш зарур. Шу билан бирға, тадбиркорларни кўп қийнайдиган соҳа – лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тартиблари ҳозирги кунда жуда аҳамиятлидир. Очиқ айтиш керак, мавжуд 280 га

яқин лицензия ва рухсатномалар орасида фаолият турлари ҳисобини юритиш, маблағ ундириш ёки шунчаки назорат қилиш учун жорий қилинганлари ҳам бор. Бу эса тадбиркорларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Бизнес-омбудсман 2020 йил 1 мартга лицензия ва рухсатномалар бериш асосларини тубдан қайта кўриб чиқди, уларнинг сонини камида 2 баробар қисқартириш бўйича аниқ таклиф киритди. Шунингдек, юртбошимиз “Кичик ва ўрта бизнес тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарур эканлигини айтиб, унда кичик ва ўрта бизнес мезонлари ҳамда бу соҳа вакилларини рағбатлантириш механизмлари назарда тутилиши кераклигини айтиб утганлар. “Бу йил ҳар бир ҳудудда тадбиркорларга ер участкаларига оид маълумотларни очиқ ва ҳаққоний етказиш бўйича янги тизим жорий қилиниши керак. Унга кўра, тадбиркорнинг фаолият юритиши учун зарур бўлган бўш ер майдонлари, бино ва иншоотлар, уларнинг қиймати ва шартлари ҳақидаги тулиқ харитани исталган вақт ва ҳудудда онлайн тартибида олиш имконияти яратилади”³¹ дея юртбошимиз таъкидлаб утдилар.

Кредит сиёсати. Маълумки, тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини молиялаштириш учун Халқ банки, "Микрокредитбанк" ва "Агробанк" масъул этиб белгиланиб, уларга етарлича ресурслар ажратиб берилган. Банкларнинг тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатишини яхшилаш ва ажратилаётган кредитлар самарадорлигини ошириш масаласига ҳам эътибор қаратилган. Ҳозирда кредит олиш истагидаги тадбиркорнинг мурожаати 3 босқичда, яъни туман – вилоят – республика даражасида кўриб чиқилади. Банкнинг марказий идораси розилик бермаса, тадбиркор кредит ололмайди. Оқибатда бу жараён айрим ҳолларда ойлаб чузилиб кетяпти. Шу боис, банкларда кредит ажратиш масалаларини бир ва икки поғонага ўтказиш, 70-100 нафар ходим ишлайдиган филиаллар урнига 10-15 нафар

³¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига мурожаатномаси 24 январь 2020 йил

штатдан иборат ихчам банк хизматлари марказларини кўпайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, Халқ банкнинг барча туман ва шаҳарларида 197 та филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастурини амалга ошириш асосида Халқ банки томонидан жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектларига 2018 йил давомида 297,1 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиши натижасида 14 868 та янги иш урини яратилди. Жорий йилнинг утган даврида эса бу йўналишда жами 218,7 млрд. сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлар ажратилиб, ушбу маблағлар ҳисобидан 10 671 та янги иш ўринлари яратилган эди. Қисқача айтганда, “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастури доирасида бугунги кунга қадар 17580 та лойиҳага 268,7 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Мамлакатимиз илк бор халқаро кредит рейтингини олди ва жаҳон молия бозорида 1 миллиард долларлик облигацияларини муваффақиятли жойлаштирди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг кредитга доир таваккалчилик рейтинги охириги 10 йилда биринчи марта яхшиланди. Тадбиркорларнинг кредит фоиз ставкаларига оид фикрлари муҳокама қилинар экан, кредитлар бўйича кафолат бериш ва фоизларни қисман қоплаш мақсадида ташкил қилинган. Барча ҳудудларда тадбиркорлар мурожаатларини қабул қилиб, ҳал этишга кўмаклашадиган Бош вазир қабулхоналари ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолияти йўлга қўйилиб, унга 200 миллиард сўм ва 50 миллион доллар маблағ ажратилди. Тижорат банклари томонидан тадбиркорларга ажратилаётган кредитлар ҳажми ошди.

Яқин кунлардаги воқеаларни келтирсак, 2020 йил 3 апрелда Президентимиз томонидан ўтказилган видеоселлектор йиғилишида пандемия давридаги оғир кунларни не чоғлик машаққатли эканлиги ва бу машаққатларни албатта енгиб ўтишимизда кичик бизнес секторларининг ўрни ва аҳамияти туғрисида тўхталиб ўтдилик. Пандемия иқтисодийтимизга катта

зарар етказиб, дунё иқтисодиётига ҳам жуда катта зарба берди. Ҳамма жойда савдо алоқалари, куплаб хизматлар тўхтаб қолган. Мамлакатимизда ушбу инқироз иқтисодиётга кескин салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари қабул қилиниб, бизнес тузилмаларга кўплаб имтиёз ва преференциялар берилди. Президентимиз корхоналарнинг изчил ишлашига кўмаклашиш, барча имконият ва захираларни тулиқ сафарбар этиш зарурлигини таъкидладилар.

- “Битта корхона фаолиятини тўхтатишига ҳам “фавқулудда ҳолат” деб қаралиши керак. Чунки бу корхоналар қанчадан-қанча иш уринлари ва оилалар даромадини таъминламоқда. Тадбиркорларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, мушкулини осон қилиш ва барча зарур шароитларни яратиб бериш ҳозирги пайтда ҳар доимгидан ҳам муҳим”. -“Ҳамма шуни яхши билиши керак: бирорта ҳам тадбиркорни ўз ҳолига ташлаб қўймаймиз, ҳар бир тадбиркорнинг муаммоси ҳал этиб борилади” – деди давлатимиз раҳбари.

Айтиб утилганидек, пандемия оқибатлари огир таъсир қиладиган ушбу корхоналар билан алоҳида ишлаш зарур. Молиявий қийинчиликка дуч келган корхоналар раҳбарлари имтиёз олиш учун банк ва солиқ идораларида сарсон бўлиб юрмаслиги керак.

Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектлари қурилишига қўшимча 3,6 триллион сўм ажратилди. Бу маблағлар, энг аввало, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилади. Хусусан, 152 та лойиҳанинг муаммолари ҳал қилинса, 10 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади. Аҳолини зарур истеъмол товарлари, озиқ-овқат, дори ва гигиена маҳсулотлари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Юртимиздаги 358 та деҳқон бозори ва улардаги “Элга хизмат” корхонасини жалб этиб, маҳаллаларда соддалаштирилган кўчма савдони йўлга қўйиш чоралари белгиланди.

Йиғилишда давлат бюджети тушумлар прогнозининг бажарилишига оид масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Жорий йилнинг биринчи чорагида бюджетга 24

триллион сум солиқ ва 4,8 триллион сум божхона тушумлари йигилиб, барча хуудларда даромадлар ирогнози тулик бажарилган. Бу вазият молия, солиқ, божхона ва бошқа иқтисодий комплекс идораларидан юқори даражада сафарбарликни талаб этади. Шу боис мутасадди раҳбарлар корхона ва тадбиркорларнинг мунтазам ишлашига кумаклашиб, тушумларни кўпайтириш чораларини куриши муҳимлиги таъкидланди.³²

Иқтисодиётимизни айниқса кичик бизнес соҳасига ана шундай ҳар тарафлама эътибор берилиб кўллаб-қувватланар экан албатта, биз бундай синовлардан осонгина утиб оламиз деган умитдаман. Чунки бизнинг халқимиз бир ёқадан бош чиқариб ҳамжиҳатликда бу иллатни ҳам ортга қолдиради. Бундай таҳликали вазиятда эса халқимизнинг огир кунларида аҳолини барча озик-овқат маҳсулотлари, махсус хизмат турлари билан таъминлаш тадбиркорларимизга янада улкан масъулият юклайди.

3.2. Кичик бизнес бошқарувида инновацион хориж тажрибаси

Ҳозирги вақтга келиб, юртимиз иқтисодиёт реал секторининг этакчи тармоқларида кичик бизнесни ривожлантириш ва инновацион фаолиятни кўллаб-қувватлашда жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг илгор тажрибасидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ривожланган мамлакатларда кичик бизнесни ривожлантириш орқали иқтисодиётни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилган. Иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг йўл очиб бериш, аҳоли бандлигини самарали таъминлаш ва бу орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим гарови сифатида эътироф этилади. Шунинг учун кичик бизнесни ривожлантиришда самарали бошқарув айниқса “ақли бошқарув” муҳим аҳамият касб этади.

³² Узбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 3 апрел “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қушимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони

Айрим хорижий иқтисодчиларнинг фикрига кўра, АҚШ, Япония, Германия, Италия, Корея, Дания, Буюк Британия, Франция, Мексика, Чили, Бразилия каби мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашнинг давлат дастурлари муваффақиятли тарзда амалга ошириляпти. Ушбу мамлакатларда янги иш уринларини яратиш ва инновацияларни қўллашга мойиллик кичик бизнесда юқори булганлигидан, унинг ривожланишига шарт-шароитларни яратиш устувор вазифалардан бирига айланган. Шу жиҳатдан, XX асрнинг 80-йиллари охиридан ва 90-йилларнинг урталарига қадар, энг ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик анча жадал ривожланди. Аммо, унинг ривожланиши жуда мураккаб шароитларда амалга оширилди. Кичик ва урта бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда асосан Буюк Британиянинг савдо ва саноат Вазирлиги фаоллик курсатади. Бу вазирлик таркибида «Кичик бизнес учун хизмат кўрсатиш» (The Small Business Service – кейинчалик SBS) агентлиги ташкил этилган булиб, у кичик бизнес субъектлари фаолиятини барча миллий инфратузилма кўмаги остида мувофиқлаштиради. Кичик бизнес фаолияти учун SBS молиявий таъминлаш, ахборот алмашилиш, маслаҳат бериш, техник жиҳатдан кўмаклашиш ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириб боради. Англия ҳукуматининг консерватив сиёсати хусусий тадбиркорликни юксалтириш мақсадида молиявий жиҳатдан муҳим имтиёзлар яратди. Кичик бизнесни кучайтириш учун махсус дастурлар қабул қилинди, консалтинг хизматлари ва бизнес техникасини ўргатиш бўйича курслар ташкил этилди.

Кўплаб мамлакатларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш етарли ресурс имкониятларига ва бошқарув ваколатларига эга бўлган махсус давлат органлари зиммасига юклатилган.

Шу жумладан, бу борада фаолият кўрсатаётган махсус ҳукумат органлари қаторига АҚШ – SBA, Администация, Миллий илмий фонд, Буюк Британияда – “ Кичик бизнесга хизмат кўрсатиш миллий Агентлиги” (SBS), Германияда –

“Кичик ва ўрта бизнес бош Директорати” (DG VIII), Японияда – “Кичик ва ўрта тадбиркорлик Агентлиги” (SMEA), Венгрияда – “Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Миллий кенгаш”, Польшада – “Кичик ва ўрта тадбиркорлик департаменти”, Кореяда – “Кичик ва ўрта бизнес администрацияси”ни киритиш мумкин.³³

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг инновацион фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлаш ва уларни жалб этишнинг ўта мураккаблиги энг жиддий муаммолардан биридир. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларнинг кичик бизнесни молиялаштириш соҳасидаги тажрибасини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Хорижий мамлакатларда кичик бизнесни хар томонлама қўллаб-қувватлашнинг мукамал ва пухта ишлаб чиқилган тизими мавжуд бўлиб, бу тизим иқтисодийнинг глобаллашуви, жаҳон молиявий-иқтисодий муҳитининг барқарор тараққий этишини таъминлайди. Бундай ҳолат эса давлат томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш механизмнинг тўлақонли ривожланганлигини англатади. Иқтисоди ривожланган мамлакатларда кичик бизнес корхоналарининг кенг қўлламли ривожланиши ва уларнинг инновацион фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш юзасидан бир қатор самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Улар амалий аҳамиятга эгадир. (3.2.1-жадвал)

Жаҳон тажрибасида кичик бизнес корхоналарининг инновацион фаолиятининг молиявий манбаи бўлиб давлат ва хусусий сектор ҳисобланади. АҚШ, Япония, Германия ва Францияда илмий тадқиқот ва техник ишланмалари молиялаштирилган жами маблағнинг 48-72 фоизи хусусий секторга тўғри келади. Ушбу мамлакатларда жами илмий тадқиқот ва инновацион ишланмалар 60-75 фоиз хусусий секторда бажарилади. Шу жумладан амалий тадқиқотларнинг 70 фоизи ва тажриба конструкторлик ишларнинг 90 фоиздан ошигига тўғри келади.

АҚШда инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича, кичик бизнес ишлари бўйича Администрация, Миллий

³³ Малое предпринимательство в России: прошлое, настоящее и будущее. Под ред. Б.Г. Ясина, А.Ю. Чепуренко, В.В. Буева - М: Фонд «Либеральная миссия» 2003. – стр.137.

илмий Фонд, НАСА, Университетлар, Тармоқ вазирликлари шуғулланади. Ушбу ишларни Германияда Иқтисодиёт вазирлиги, Илмий тадқиқот ва технологиялар вазирлиги, Саноат тадқиқот ассоциация федерацияси, Патент маркази амалга оширади. Франция иқтисод вазирлиги, Тадқиқот натижаларини жорий қилиш бўйича миллий агентлик, Илмий техник фонд; Японияда кичик бизнесни молиялаштириш корпорацияси, Таваккал тадбиркорлик маркази, Халқ молиявий корпорацияси. Италияда технологик янгиликлар маркази ва тижорат банклари, суғурта фондлари билан биргаликда кичик инновацион бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича миллий дастурларнинг муваффақиятли амалга ошириши учун керакли замин яратилапти.

3.2.1-жадвал

Жаҳон тажрибасида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг асосий хусусиятлари³⁴

Асосий хусусиятлар	Асосий хусусиятларнинг қайси давлатларга хос эканлиги
Янги маҳсулот ва технологияларни ишлаб чиқариш харажатларини 50 фоизгача тугридан-тугри молиялаштиради (субсидиялар, заёмлар)	Франция, АҚШ ва бошқа мамлакатлар
Фоизсиз ссудалар такдим этилади	Швейцария
Дотациялар берилди, кичик бизнесга кредитлар ажратишда венчур фондларидан самарали фойдаланилади	Амалда барча ривожланган мамлакатлар
Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишга жорий этилишини қўллаб-қувватлаш мақсадида венчур молиялаштириш фондлари ташкил этилади	АҚШ, Англия, Германия, Франция, Швейцария, Нидерландия
Якка тартибдаги кашфиётчилар учун давлат божлари пасайтирилади	Австрия, Германия, АҚШ, Япония
Кашфиётлар энергияни тежашига қаратилган булса, давлат бошларини тулашдан озод этилади	Австрия

³⁴ Гойибназаров Б.К., Раҳмонов Ҳ.Ў., ва бошқалар. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат иқтисомий-иқтисодий тараққиётини юксалтириш омили”. Т: Фан. 2011-184 б.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижалари бўйича патентлар олишда божлардан озод этилади.	Нидерландия, Германия, Япония
Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар солиққа тортишдан озод этилади, солиқлар фақатгина экспорт қилишда солинади	Хитой
Ёш тадбиркорларни қуллаб-қувватлаш (бозорга чиқишда, шериклар топишда, ахборот билан текин таъминлашда, имтиёзли нархда ижарага бино ва иншоотлар, керакли асбоб-ускуналар тақдим этиш)га алоҳида эътибор қаратилади	Буюк Британия, Италия
Тадбиркорларга фаолиятининг дастлабки икки йилида фоизсиз кредитлар берилди, кейинги йилларда эса жуда паст ставкаларда йиллик фоизлар ундирилади	Германия
Кичик бизнеснинг суғурта қилинмаган зарарларини қоплаш учун ёрдам пули берилди. Ёрдам пули инновацияларнинг ҳавфли лойиҳаларини қоплайди. Давлат банк кредитларини олишда кафил сифатида қатнашади.	АҚШ

Жаҳон тажрибасида инновацион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ имтиёзларининг қуйидаги турларидан фойдаланилади:

- Инновацион ва илмий тадқиқот солиқ кредитларини тақдим этиш, яъни фойдадан инновацион мақсадларга ажратилган фойда солиги бўйича имтиёзлар бериш.
- Инновацион харажатлар кўпайганда солиқларни камайтириш.
- Инновацион фаолият бўйича олинган фойдани солиқдан озод қилиш.
- Юридик ва жисмоний шахслар инновацион ташкилотларнинг акцияларини сотиб олиш натижасида олинган дивидентлари имтиёзларига, солиқларга тортиш.
- Лойиҳаларнинг усувор йўналишларда бажарилаётганлигини ҳисобга олиб имтиёзлар бериш.

- Интеллектуал мулкнинг натижалари бўлмиш патент, лицензия, ноу-хау ҳисобига олинган фойдани имтиёзли солиқларга тортиш.

Ҳозирги даврда саноати ривожланган мамлакатларда илмий-инновацион ривожланишнинг 3та моделини кўрсатиш мумкин.

1.Фанда етакчиликка интилаётган мамлакатлар, илмий ишлаб чиқариш босқичларининг барча бугинларини қамраб олган йирик масштабли мақсадли лойиҳалар амалга оширилади ва бу ерда муҳофаа секторининг илмий-инновацион улуши жуда катта. (АҚШ, Англия, Франция).

2.Янгиликларни кенгайтиришга, қулай инновацион муҳит яратишга иқтисодиётнинг барча тармоқларини рацоналлаштиришга интилаётган мамлакатлар (Германия, Швеция, Швейцария).

3. Инновацион инфраструктураларни ривожлантириш йули билан янгиликларни рағбатлантирувчи, жаҳон илмий техника ютуқларига мослашувини таъминловчи фан ва технология соҳаларининг барча соҳаларини мувофиқлантирувчи мамлакатлар. (Япония, Жанубий Корея)

Қуйида АҚШ ва Японияда инновацион фаолиятни давлат томонидан бошқаришнинг айрим хусусиятлари тўғрисида келтириб ўтсак. АҚШда давлат венчур фирмаларни ва тадқиқот марказларини ташкил этишни рағбатлантиради. Миллий илмий фонд ташаббуси билан АҚШда энг самарали тадқиқотлар маркази ва венчур фирмалар биринчи 5 йилида тўла ёки қисман федерал бюджетдан молиялаштириши мумкин.

Кичик бизнес соҳаси энг юқори даражада ривожланган мамлакатлардан бири бўлган Япония ушбу масалада илгор инновацион тажрибага эга. Ушбу мамлакатда жами корхоналарнинг 99,7 фоизи, жами банд аҳолининг 70 фоизи, жами ишлаб чиқарилган қўшимча қўйматли маҳсулотларнинг 50 фоиздан ортиги кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Япониянинг “Toyota”, “Honda” ва “Sony” каби йирик корпорациялари ҳам ўз вақтида кичик корхоналар сифатида фаолият бошлаган. Японияда кичик бизнес соҳасини молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар ўтган асрнинг

ўрталаридан бошланган бўлиб, дастлаб ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган. 1950 йилда “Кичик корхоналар кредитларини суғурталаш Акти”, 1953 йилда эса “Кредитларни кафолатлаш Ассоциацияси Акти” қабул қилинган ҳамда Кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш Япония Молия Корпорацияси ташкил этилган. Бугунги кунга келиб кичик бизнес субъектларига молиявий масалаларда кумаклашиш бўйича яхлит тизим шаклланган. Япония Молия Корпорацияси билан биргаликда Шоко Чукин банки, Кредитни кафолатлаш корпорациялари ва бошқа молия муассасалари соҳани молиявий қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Кичик бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш сиёсати Кичик ва ўрта корхоналар Агентлиги (Small and Medium Enterprise Agency) томонидан мувофиқлаштириб борилади.

Ҳозирги кунда жаҳондаги интеграциялашув ва глобаллашув шароитида мамлакатда фаол тадбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнес фаолиятини инновацион ва замонавий ёндашувлар, илгор технология ва бонқарув усуллари асосида ташкил этишни тақозо этмокда. Давлат бошқарувини такомиллаштириш, энг аввало давлат хизматини ислоҳ қилиш, давлат ва хусусий секторларининг ўзаро фойдали ҳамкорлигининг замонавий шаклларини, «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмокда. Бу эса уз навбатида тадбиркорлар вақтини тежаб улар фаолиятига қулайлик яратмокда. Ҳозирга қадар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ишбилармонлик муҳитини кучайтириш масалалари хорижий давлатлар иқтисодчилари томонидан турлича ёндашувлар асосида урганиб келинган. Масалан, Э.Стейли, Р.Морс, А.Бруно, Т.Тайбджи, В.Гартер, К.Мэннинг, С.Бирли, Д.Норберн тадбиркорликни ривожланишига асосий эътиборни қаратган бўлсалар, Л.Дана, П.Давидссон, Д.Свонсон, Л.Вебстер кабилар эса уз эътиборларини тадбиркорлик муҳитига таъсир этувчи ташқи омилларни урганишга қаратганлар. Россиялик иқтисодчилардан Е.Быкова, Б.Жихаревич, Н.Симионова кабиларнинг тадбиркорлик фаолияти ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришга доир кўплаб илмий мақолалари

чоп этилган. Айти пайтда мамлакатимизда чоп этилган ўзбек тилидаги иқтисодий илмий манбаларда “ишбилармонлик муҳити” тушунчасининг моҳиятини ифодалайдиган таърифлар келтирилмаган бўлса-да, унга яқин фикрлар билдирилган. Масалан, таниқли иқтисодчи “С.С.Ғуломовнинг “Тадбиркорлик ва кичик бизнес” номли ўқув қўлланмасида тадбиркорлик муҳитига ички ва ташқи омилларнинг таъсири ва уларнинг узгарувчанлиги тугрисида қисқа фикр берилган. Б.Ю.Ходиев, М.С.Қосимова, А.Н.Самадов каби иқтисодчилар “тадбиркорлик фаолиятини самарали олиб бориш учун маълум бир ишчи муҳити булиши керак” деб қайд этадилар. Уларнинг мулоҳазаларига кура “...тадбиркорлик муҳити асосан қуйидаги тўртта омил: ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий омилларнинг ўзаро боғлиқлиги натижасида амалга оширилади”. Иқтисодчи М.Расулов эса тадбиркорликни “...ривожланиши учун маълум шароитлар талаб этилиб...” бу шароитлар иқтисодий, сиёсий, руҳий ва ҳуқуқий асослардан иборат эканлигини қайд этади”³⁵.

Иқтисодчи Б.Салимов эса “ишбилармонлик муҳити” иборасини ишлатмаган бўлса-да, “ҳар қандай бизнес маълум муҳитда фаолият кўрсатади” деб айтади. Унинг фикрича, ўша “маълум муҳит”, “йул” тугри белгиланса, корхона ўз ҳаракати туфайли олдига қўйилган мақсадга эришиши мумкин. Хусусан, У.В.Ғафуровнинг кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш масалаларига ва ишбилармонлик муҳитини кенгайтиришга доир илмий диссертацияси бу борада қилинган муҳим аҳамиятли ишлардан биридир.

Самарқанд иқтисодиёт мактабининг бир қанча олимлари М.Қ.Пардаев, М.М.Мухаммедов, Қ.Ж.Мирзаев, И.С.Тўхлиев, Б.А.Абдукаримов, Д.Х.Асланова, Ш.А.Султонов ва бошқаларнинг чоп қилинган ишларини ҳам шу соҳани ривожлантиришнинг мақсадли йўналтирилганлигини кўрсатиш мумкин. Бироқ, ушбу масалани ўз ичига қамраган илмий изланишлар давом эттирилмоқда. Бу эса соҳа бошқарувида қилинадиган ишлар ҳали жуда кўп эканлигидан далолат беради.

³⁵ “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2019 йил 2/2019 (№ 00040) www.iqtisodiyot.uz

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси кичик тадбиркорликнинг юқори ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ҳамда бозор иқтисодиёти мамлакатларида кичик тадбиркорлик субъектларини бошқа тадбиркорлик субъектларидан ажратиш мезонларини ишлаб чиқишнинг муҳимлигини курсатади. “Хорижда кичик тадбиркорлик субъектларини таснифлаш бўйича турли мезонлар мавжуд. Ҳиндистон тажрибаси, айниқса, қизиқарлидир, чунки уз ривожланишида узилишни амалга оширадиган ва қатор курсаткичлар бўйича дунёнинг етакчи мамлакатлари гуруҳига чиқадиган давлат саяё-ҳаракатларининг натижаларини кўрсатади. Бунда кичик тадбиркорликка замонавий технологияларни жорий этиш, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа аҳамиятга молик муаммоларни ҳал қилишда етакчи ролни уйнайди. МДҲ давлатларидан ҳар бири турли вақтларда кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш туғрисида узининг қонунчилик ҳужжатларини қабул қилган ва улар уз белгилари бўйича турличадир. Ўтган асрнинг 80-90-йилларида Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши турли тармоқларга тадбиқан, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми ва асосий фондларнинг бошланғич қийматига кўра, “Саноатда йирик, урта ва кичик корхоналарни чегаралаш мезонлари”ни тасдиқлади”³⁶. Турли мамлакатлар иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бўлган муносабат ва мулоҳазалар турлича эканлиги юқорида келтирилганларимиздан куришиб турибди.

Хорижда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес субъектларининг йирик корхоналар билан алоқаларини корпоратив бошқаруви бўйича бой тажриба тупланган. Улар бундай алоқаларни, интеграциялашган тузилмаларни ривожлантиришда стратегик режали ёндашувларни муваффақиятли қўллаган ҳолда, “ягона гуруҳ” сифатида барча иштирокчилар томонидан маъқулланган, етказиб берувчилар ва истеъмолчилар манфаатларини эътиборга олувчи ягона миссия атрофида бирлашадилар.

³⁶ 1 Взаимодействие малого и крупного бизнеса: Информационно-аналитический сборник. – М.: ИПИ, 2004. – С. 28.

Бозор муносабатлари ривожланишининг муҳим масаласи, кичик ва йирик тадбиркорлик субъектларининг рационал нисбати ҳисобланади. Ҳатто Фарбнинг ривожланган давлатларида ҳам кўп йиллар давомида кичик бизнеснинг ролига унча аҳамият берилмай ва у тўғри баҳоланмай келинди. Кичик корхоналарга кўпинча йирик ишлаб чиқаришнинг бошланғич босқичи, доимий эмас, балки тугаб кетувчи характерга эга субъект сифатида қараб келинди.

Ўзбекистонда ҳам кичик ишлаб чиқариш шаклларига нисбатан худди шундай муносабат шаклланганди. Бундан ташқари, аксарият мамлакатларда гигантлаш тенденцияси мавжуд эди: дунёдаги энг катта заводлар, фирмалар, лойиҳалар ва аср қурилишлари бошланарди-ю, кўпинча якунига етмай қоларди. Бироқ жаҳон иқтисодий амалиёти ҳам кичик, ҳам йирик ишлаб чиқариш шакллари биргаликда фаолият курсатиши зарурлигини кўрсатди. Бундан ташқари, улар бир-бирига қарама-қарши эмас, аксинча, бир-бирини тўлдирувчи субъектлар сифатида жуда зарур бўлиб қолди. Уларнинг биргаликдаги ҳаракати миллий иқтисодий жараёнлар самарадорлигини оширишнинг муҳим омилига айланди. Бу масалалар республикамизда хусусийлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, корхоналарни таркибан қайта шакллантириш жараёнлари фаоллашуви муносабати билан янада долзарб аҳамият касб этди. Сабаби – ушбу жараёнлар натижасида минглаб янги кичик бизнес субъектлари пайдо бўла бошлади.

Кичик бизнеснинг ихчам ҳаракатчанлиги, бозор конъюктураси узгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига тез мослаша олиши иқтисодий ислоҳотлар даврида уни янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, аввало, ички бозорни турли маҳсулот ва товарлар билан таъминлашга хизмат қилади. Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида ички эҳтиёж усишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртимиз ва хорижий давлатлар олимлари бозор иқтисодиёти жараёнини таҳлил қилиш асноси тадбиркорлик ва бизнесга иқтисодий фаолиятнинг бир тури сифатида қарайдилар.

Бу тушунчалар хусусий корхоналар, ташкилотлар томонидан даромад олиш мақсадида, узининг ва шартномадаги шерикларининг манфаатларини кузлаб, ишлаб чиқариш, товар сотиб олиш ва сотиш ёхуд бошқа товарларга, хизматларга ёки пулга айирбошлаш каби эркин хўжалик юритиш фаолиятини билдиради деб ҳисоблайдилар.

Тараққий этган ва айрим утиш иқтисодиёти мамлакатларида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириш борасида бой тажриба тупланган булиб, уни ўрганиш ва умумлаштириш Ўзбекистон амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади.

Тараққий этган мамлакатларда кичик бизнеснинг қай даражада аҳамиятга эга эканлигини уларнинг иқтисодиётидаги улушидан аниқлаш қийин эмас. Кичик бизнес Европа Иттифоқининг етакчи мамлакатларида юқори мавкега эгадир. Мазкур мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг 50 фоиздан ортиқ қисми кичик бизнес соҳасида яратилмоқда, унинг умумий бандликдаги улуши 71 фоизга етган. Энг қизиқарли жиҳати бу мамлакатларда мавжуд корхоналарнинг 97,9 фоизи кичик бизнес субъектларидир.

Кичик бизнеснинг иқтисодий конъюктурасининг ўзгаришларига мослашувчанлик даражасининг нисбатан юқори эканлиги, соғлом рақобат муҳитининг мавжудлиги ва улар фаолиятини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш тизимининг шакллантирилганлиги кичик бизнеснинг тараққий этган мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутишига олиб келди.

Ривожланган мамлакатларда кичик бизнес субъектлари илмий-техника тараққиётини рағбатлантиришга катта аҳамият беради. Бостон университети технологиялар марказининг маълумотларига кўра, бозорга чиқарилган ҳар 1 миллион доллар миқдоридagi тадқиқот ва ишланмаларга кетган харажатга тугри келадиган янги турдаги маҳсулотлар сони кичик корхоналарда ўртача кўрсаткичдан икки баробар юқоридир. Шу сабабдан, Ғарбий Европа мамлакатларида кичик бизнес субъектларининг 30 фоиздан 60 фоизгача қисми инновацион фаол ҳисобланади.³⁷

³⁷ Зарубежный опыт поддержки малого и среднего предпринимательства.
<http://www.gias.ru>.

Ўз навбатида, кичик бизнес субъектларининг инновацион фаоллиги уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим урин тутади. Шу билан бирга кичик бизнес бошқарувини самарали олиб боришда инновацион ғоялар, инновацион лойиҳалар жуда муҳимдир. Буни Самарқанд вилояти мисолида кўриб чиқсак.

3.2.2-жадвал

Кичик корхона ва микрофирмалар томонидаи амалга оширилган инновацион жараёнлар.³⁸


№	Инновациялар	2015	2016	2017	2018
1	Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан жорий қилинган инновациялар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз;бирлик)	53	53	30	42
2	Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар, хизматлар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз;бирлик; млрд.сум)	189,8	195,5	87,2	304,9
3	Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга қилинган харажатлар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз; млрд.сум)	22,2	19,4	14,2	90,6

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” Тошкент 2019 йил маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар, хизматлар, жорий қилинган инновациялар бу соҳа ривожига ва келажағига учун жуда муҳимдир. Бу жадвални диаграмма кураганида келтирсак.

3.2.1. Диаграмма.

Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан амалга оширилган инновацион жараёнлар. (фермер ва деҳқон хужалиқларисиз; млрд.сўм)³⁹



Келтирилган диаграммадан шуни куришимиз мумкинки, 2018 йилда ўтган йилларга нисбатан кўрсаткичлар ўсиш суратида. Фақат кичик корхона ва микрофирмалар томонидан жорий қилинган инновациялар 2018 (42) йилда 2016 (53) йилга нисбатан паст кўрсаткичда. Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар, хизматлар 2018 йилда (304,9) 2017 йилга (87,2) нисбатан (217,7) ўсган. Албатта бу кўрсаткичларни янада юқори погоналарга кўтариш мамлакатда инновацион муҳитни, шу ўринда ақлли бошқарув тизимини ташкил этишда асосий омиллардандир.

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси “Ўзбекистонда кичик талбиркорлик” Тошкент 2019 йил маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Шунинг учун ҳам, тараққий этган мамлакатларда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаоллиги давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Масалан, Германияда кичик бизнес субъектларининг инновацион лойиҳаларини амалга ошириш, уларнинг илмий-техникавий ишланмаларини рағбатлантиришга қаратилган давлат дастури мавжуд. Мазкур дастур доирасида кичик бизнес субъектларига 1 миллион еврогача бўлган миқдорда 10 йилгача муддатга имтиёзли кредит берилади, бунда дотация миқдори кредит суммасининг 3 фоизидан 10 фоизигача қисмини ташкил этади.⁴⁰

Германия ва Нидерландияда кичик бизнеснинг инновацион саноат маҳсулотлари экспортидаги улуши 40 фоизни, Италияда эса 25 фоизни ташкил этади. Бундай юқори кўрсаткичларга эришишда кичик бизнес субъектларига давлат томонидан кўрсатилаётган молиявий қўллаб-қувватлаш тадбирларининг урни ва аҳамияти каттадир. Масалан, Буюк Британияда кичик корхоналарнинг маҳсулотларини экспорт қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг 50 фоизини давлат тўлаб беради. Германияда қишлоқ хужалик маҳсулотларини экспорт қиладиган кичик бизнес субъектларининг транспорт харажатлари ва маҳсулотларни сақлаш харажатлари тўлиқ субсидияланади. Бунинг натижасида, кичик бизнес субъектлари экспорт қиладиган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги баҳоси ошади.

Кичик бизнес кўринишидаги ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти тури барча тараққий этган давлатлар иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга. Унинг қуйидаги афзалликлари бор:

– маҳаллий ресурсларда ишлаб турган ёки маҳаллий бозорни таъминлаб турувчи кичик корхоналар ҳеч бўлмаганда транспорт харажатлари иқтисод қилиниши эвазига кам харажатлидирлар. Кичик бизнеснинг иқтисодий устунлиги тадбиркорлар маҳаллий шароитларни яхши билганликлари боис ишлаб чиқаришни унча кўп бўлмаган капитал ва меҳнат харажатлари билан амалга оширишларидадир;

⁴⁰ Шенин Р.К. Экономика Европейского Союза. - М.: «КноРус», 2012. -С. 139.

– кичик корхоналардаги меҳнат, одатда, моддий тавсифга эга булиб, йирик ишлаб чиқариш корхонасига нисбатан тезроқ самара беради;

– ишловчиларнинг камсонли эканлиги улардан ҳар бирининг қобилияти юзага чиқишига ёрдам беради;

– мослашувчанлик, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментни ва турини бозордаги талаб ва таклифга монанд ўзгартириш кичик корхоналар учун унчалик катта қийинчиликлар тугдирмайди. Шунинг учун бозор иқтисодиётига утган давлатларда кичик бизнес уз мавқеини узлуксиз мустаҳкамлаб, ривожланиб бормокда.

Кичик ишлаб чиқаришда, яъни кичик фирмаларни ташкил этишда хусусий бизнес доираси тобора кенгаймоқда. Ўз навбатида, хусусий ишни ташкил қилиш ва уни тараққий эттириш анча мураккаб жараёндир. Сунги йилларда дунё бўйича миллионлаб янги кичик корхоналар ташкил топмокда. Ҳар қандай шароитда – иқтисодий тушкунликда ҳам, инфляция даврида ҳам, кредитлар фоизи ўта юқори бўлганда ҳам, зарур инфратузилма бўлмаган ҳолларда ҳам, хавф-хатар қанчалик юқори бўлишига қарамай, бундай корхоналар кўпаяверади. Ҳар бир янги ширкат ёки фирма очилишига инсоннинг уз ҳаёт тарзини кескин ўзгартириши ва ишбилармон булишга иштиёқи сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда иқтисоди ривожланган давлатларда кичик бизнесни тугридан-тугри молиявий қўллаб-қувватлаш усулларига нисбатан билвосита қўллаб-қувватлаш усулларида купроқ фойдаланилмокда. Яъни кичик бизнес субъектларига ҳуқуқ ва эркинликлар берилиб, улар фаолиятига давлат аралашувининг камайтирилиши қолаверса, чет эл ҳамкорлари билан биргаликда инвестиция асосида уларнинг кўп йиллик тажрибаларига асосланган ҳолда уз ишини бошлаши бунинг яққол далилларидадир.

МДҲ давлатларида сунги йилларда хусусий фирмалар таъсисчилигида турли инвестицион фондлар ташкил этилди. МДҲ давлатларида тадбиркорликни тараққий топтиришда муҳим қадам бўлиб, тадбиркорликни молиявий жиҳатдан

қўллаб-қувватлаш фондларининг яратилиши бўлди. Улар қуйидагиларни амалга оширади:

- тадбиркорлик фаолияти билан боглиқ дастурларни ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишни маблаг билан таъминлаш;

- тадбиркорликни худудий тараққий топтириш дастурини молиявий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорликни бево-сита инвестиция қилиш ва тадбиркорларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг бошқа турларини амалга ошириш;

- хорижий мамлакатлардаги шу каби фондлар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш ва тараққий топтириш. Ўзбекистонда бундай фаолиятни бизнес фонд бажармоқда.

Ҳозирги кунда тадбиркорлар, ўрта ва кичик бизнес иқтисодиётининг барқарор ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Ривожланган давлатларда тадбиркорлик субъектлари умумий корхоналар сонининг 90 фоиздан зиёдини ташкил этади ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг 50 фоиздан ортиғини иш билан таъминлайди. 2018 йилги ҳолатга кўра, Ўзбекистонда меҳнат билан банд аҳолининг 76,3 фоизи шу соҳада ишлайди. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари тараққий этган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти таркибида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бутун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари ҳамда инновациялар чуқур кириб бормоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тутган ўрни ва олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар натижаларига эътибор қаратадиган булсак, утган йиллар мобайнида кузга кўринарли натижаларга эришилди. Амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ривожланган давлатлар тажрибасига таяниб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни устувор йуналиш сифатида белгилашнинг бир қанча сабаблари мавжуд бўлиб, бунда соҳанинг ички бозорни зарур товарлар ва хизматлар

билан тулдиришдаги аҳамияти муҳим аҳамият касб этади. Ички бозорни сифатли ва арзон маҳсулотлар билан тўйинтиришда ҳамда, маҳсулотларнинг ассортиментларини купайтириш нафақат халқимиз фаровонлиги учун, балки ишлаб чиқарувчи тадбиркорнинг ўзи учун ҳам мақсадга мувофиқдир. Бундай жараёнларда эса албатта хориж тажрибаларига таянган ҳолда иш олиб бориш тадбиркор фаолиятининг ривожидемакдир.

3.3. Мамлакатимизда кичик бизнес корхоналарини бошқарув самарадорлигини ошириш истиқболлари.

Республикамизнинг иқтисодий тараққиёти, халқнинг фаровон турмуш даражаси, қолаверса меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожиде билан боғлиқдир. Бу ҳолат эса корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини рағбатлантириш даражасининг ривожланиши билан тавсифланади. Истиқболда иқтисодиёт тармоқларида ҳам ўзгаришлар юзага келади, бу ҳолат ҳам кичик тадбиркорликнинг ривожланиши асосида рўй беради.

Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожланишидаги мавжуд муаммоларни ечимини топиш ва 2025-2035 йилларда истиқболлаштирилаётган параметрларни таъминлаш ушбу соҳада тадбиркорлик фаолиятини оширишнинг йўналишларини аниқлаш ва улар буйича чора-тадбирларни белгилашни талаб этади. Мамлакатимизда кичик бизнес корхоналарини бошқарув самарадорлигини ошириш истиқболларини белгилашда, авваламбор, тизимда мавжуд муаммоларни ўрганиш ҳам ута муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун, қуйида Давлат статистика қўмитаси, (Самарқанд вилоят статистика бошқармаси), Жаҳон банки, тегишли мамлакатлар статистика агентликларининг маълумотлари, OECD, WorldBank, очиқ манбаларга асосланиб Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасидаги қуйидаги асосий муаммоларни қайд этишни лозим топдик.

Жумладан:

- КБ ва ХТ статистик ҳисоботидаги муаммолар;
- КБ ва ХТ қамровининг паст даражаси;
- КБ ва ХТ ривожидеги турғунлик;

- Хусусий тадбиркорлардан кичик ва ўрта бизнес компанияларига айланиш даражаси пастлиги;
- Яширин иқтисодиётнинг катта улуши;
- Қарз эвазига молиялаштиришнинг юқори қиймати;
- Юқори солиқ юки, шунингдек, солиқ тизимининг мураккаблиги;
- Тугалланмаган ССТ тизими;
- Шаффоф булмаган ва бюрократик тендер жараёнлари;
- Ер ва кўчмас мулкдан фойдаланишнинг қийинлиги;
- Қурилиш ва архитектура рухсатларини олишдаги қийинчиликлар;
- Солиқни тартибга солиш муаммолари;
- Банк соҳасини тартибга солиш муаммолари;
- Маҳаллий ҳокимиятларнинг тадбиркорлар муаммоларига эътиборсизлиги;
- КУБ бўлган мижозлар учун гаров массасининг йўқлиги;
- Экспорт тўсиқлари;
- КБ ва ХТ қўллаб-қувватлайдиган, жумладан, минтақавий инфратузилма тармоғининг йўқлиги;
- КБ ва ХТ қўллаб-қувватлайдиган ягона институтнинг йўқлиги;
- Йўлга қўйилган ички жараёнларнинг йўқлиги (жумладан, ҳисобот беришда);
- Инфляция даражасининг юқорилиги.

Юқорида келтирилган асосий муаммолардан келиб чиқиб, қуйида асосий хулосаларни баён этиш мумкин. Зеро, мазкур хулосалар кичик бизнесни яна ривожлантиришни ишлаб чиқишда ўз аҳамиятига эга бўлади. Булар қуйидагилар:

- Ўзбекистонда кичик ва ўрта корхона тоифасига киритиш мезонлари халқаро тажрибага мос келмайди, ўрта тадбиркорлар ажралиб турмайди;
- КБ ва ХТ корхоналари статистик ҳисоботлари билан боғлиқ муаммолар мавжуд, хусусий корхоналар сони тўғрисида ишончли маълумотлар мавжуд эмас;
- Ўзбекистон КУБ сонидан ривожланаётган мамлакатлардан орқада қолмоқда ва ривожланган мамлакатлардан, КУБ субъекти томонидан қўшилган қиймат бўйича;

- Янги онлайн руйхатга олиш тизими корхоналарни руйхатга олишни соддалаштирди ва вақтини ҳамда меҳнат харажатларини камайтирди;

- Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини кулладан ташқари КБ ва ХТ учун бошқа солиқ имтиёзлари йўқ, ваҳоланки, шу тизим ҳам янада такомиллаштиришга муҳтож;

- Ўзбекистонда хусусий тадбиркорларнинг кичик бизнес субъектидан урта бизнес субъектига айланиш даражаси паст;

- Яширин иқтисодиётнинг улуши катта: улушн 50% баҳоланганда, ЯИМ йўқотилиши 16-17 млрд долларни ташкил этади;

- Ишбилармонлик муҳити бўйича асосий муаммолар қарз эвазига молиялаштиришнинг юқори харажатлари, юқори солиқлар, шунингдек, шаффоф булмаган ва бюрократик тендер жараёнлари ҳисобланади;

- Асосий инфратузилма муаммолари - бу ер ва кучмас мулкдан фойдаланиш, шунингдек қурилиш ва архитектура рухсатномаларини олишдир;

- Тартибга солиш нуқтаи-назаридан, тадбиркорлар солиқ тизимини ва банк секторини тартибга солиш муаммоларини, шунингдек, маҳаллий ҳокимият органларининг муаммоларга эътиборсизлигини салбий тарзда таъкидлайдилар;

- Чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг асосий тусиқлари – кадрлар масаласи, инвесторлар учун маълумотларнинг йўқлиги, шунингдек, маҳаллий ҳокимият вакиллари қизиқиш даражасининг пастлиги;

- КБ ва ХТ кредитлашда 23 фоизга ўсиши кузатилди, аммо КУБ мижозлари ўртасида гаров массасининг етишмаслик муаммоси мавжуд;

- Ўзбекистон ўзини ўзи иш билан таъминлашнинг юқори даражаси (27%) билан тавсифланади, бу кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланмаган тармоқларига хосдир;

- Кредит портфелидаги КУБ субъектлари улуши билан 18 фоизли КБ ва ХТ молияланиши етарли эмас;

- Экспорт амалиётларини давлат томонидан тартибга солиш ва божхона тусиқлари КБ ва ХТ томонидан экспортни ривожлантириш учун катга қийинчиликлар тугдиради;

- КБ ва ХТ ни қўллаб-қувватлаш учун стратегияни ишлаб чиқадиган ва унинг бажарилишини назорат қиладиган ягона бирлаштирувчи идора мавжуд эмас.⁴¹

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик истиқболлари бўйича 2025-2035 йилларда асосий стратегик ташаббусларни босқичма-босқич амалга ошириш Ўзбекистонни ривожлантириш концепциясида қўйидагича белгиланган:

- Қонунчиликни ишлаб чиқишни охирига етказиш - ўрта бизнесни ажратиш ва халқаро амалиётга мувофиқ КУБни ҳисобга олиш меъзонларини ислоҳ қилиш.

- КУБни қўллаб-қувватлаш бўйича ягона институтни ривожлантириш.

- КУБни ривожлантириш учун барча функцияларни ягона институтга утказиш ("ягона ойна" тамойили бўйича) ва ушбу мақомни қонун ҳужжатларида мустақкамлаш.

- Ҳукумат даражасида КУБни қўллаб-қувватлаш бўйича мутасадди тайинлаш.

- Амнистия ва ХК рўйхатга олиш орқали қонунлаштириш.

- КБга кредит беришни қўллаб-қувватлаш бўйича чоратадбирларни жорий қилиш, шу жумладан кафолатни таъминлаш.

- Фойда солиғини жорий этилиши ҳисобига соддалаштирилган солиқ тизимини охирига етказиш.

- Ҳисоботлар сонини камайтириш орқали КБ бошқарув харажатларини камайтириш.

- Назорат таътилини жорий этиш -дастлабки 3 йил мобайнида КБларни текширишни таъқиқлаш ва назорат қилиш тизимини тартибга солиш.

⁴¹ Uzbekistan2035/uz/2019/05/Концепция-Развития-Узбекистана-uzb/pdf Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегиясининг концепцияси. Манбалар: Давлат статистика кумитаси, Жаҳон банки, тегишли мамлакатлар статистика агентликларининг маълумотлари, OECD, WorldBank, очиқ манбалар, лойиҳа ишчи гуруҳининг таҳлили

- Маъмурий харажатларни қисқартириш учун давлат ва кичик ҳамда ўрта бизнес субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни рақамлаштириш.

- Ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш.

- КЎБ учун имтиёзли шартлар билан гоёларни синаб кўриш учун платформалар тизимини яратиш: бизнес-инкубаторлар, карьера марказлари, коворкинг, технопарклар.

- КЎБни қўллаб-қувватлаш стратегиясини ишлаб чиқиш, жумладан, компания қўлламига қараб қўллаб-қувватлаш маҳсулотлари бўйича давлат сиёсатини фарқлаш.

- "Рақобат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

2030 йилда

- ЯТТдан КБга ўтишни (таълим ва маркетинг дастурларини утказиш) рағбатлантириш мақсадида тадбиркорликни давлат даражасида оммалаштириш.

- Бизнес-таълимни ривожлантириш (университетлардаги йўналишлар сонини кўпайтириш, ёш тадбиркорлар учун курслар, тажрибали тадбиркорлар учун бошқарув курслари).

- Инфратузилмадан КЎБ фойдаланишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш, шу жумладан, электр тармоқларига уланиш имкониятини таъминлаш.

- КЎБни ёпиш жараёнини соддалаштириш.

- Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш: Коррупцияни идрок қилиш индекси ва Иқтисодий эркинлик индексидаги энг яхши 80 мамлакат рейтингига кириш.

- Соҳа эътиборини савдо ва сайёҳликка йўналтириш.

- Экспорт кредитлари ва суғуртани таъминлаш орқали КЎБ экспортини ривожлантириш.

- Харидларнинг бир қисми учун КЎБдан мажбурий буюртмани назарда тутган дастур орқали давлат буюртмаси олиш имкониятини кенгайтириш.

- Ноқонуний фаолият учун профилактика чораларини ишлаб чиқиш.

- Кичик ва ўрта бизнесни очиш учун грантлар тизими.

- Қўллаб-қувватлаш институтига асосланган КЎБ ҳисоби тизимини ислоҳ қилиш.

- Ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш.
- Минтақавий қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини (мустақил ёки Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ёки Тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат фонди асосида) икки йуналишда яратиш: кафиллик фондлари ва маслаҳат марказлари, ТҚҚМ, ИҚҚМ, технопарклар, акселераторлар ва бошқалар.

2035 йилларда:

- Бирлаштирилган қўллаб-қувватлаш институти асосида КЎБ учун маълумотларнинг ягона ахборот базасини яратиш.
- КЎБ секторини кредитлашни ошириш учун кафолатли қўллаб-қувватлаш дастурини кенгайтириш.
- Узаро кафолат фондларини яратишни рағбатлантириш.
- Давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш (тартибга солувчи жоди тамойилини қўллаш).
- Юқори технологияли ва инновацион корхоналарни қўллаб-қувватлаш.
- Қўллаб-қувватлаш қуламини имкон қадар кўпайтириш (қўллаб-қувватланадиган кичик ва урта бизнес субъектлари сони бўйича).
- Қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш: Коррупцияни идрок қилиш индекси, Иқтисодий эркинлик индекслари энг яхши 50 мамлакат ва Бизнесни юритиш қулайлиги индекси (Doing Business) бўйича энг яхши 20 та мамлакат рейтингига кириш.

2035 йилда кутилаётган натижаларни қуйидагича баён этиш мумкин. Давлат томонидан молиявий ва номолиявий чоралар кўрилаётганлиги мамлакатда тадбиркорлик руҳини ва бизнес ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, бу эса тадбиркорларга бизнесни осонлик билан очиб, эркин ишга туширишга ва ривожлантиришга имкон беради. Қўллаб-қувватлашнинг аралаш моделида:

• Капитални амнистия қилиш орқали норасмий бандликни қонунийлаштириш (шу жумладан солиқ амнистияси).

• Ягона қўллаб-қувватлаш институтини, қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини яратиш (ТҚҚМ, ИҚҚМ, технопарклар, акселераторлар ва бошқалар) ва янги қўллаб-қувватлаш маҳсулотларини жорий этиш.

•Кафолатли қўллаб-қувватлаш орқали молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш.

•КЎБ учун давлат буюртмаларига (квоталар) кириш имкониятини кенгайтириш ва экспортни рағбатлантириш.

•Солиқ тартибини такомиллаштириш, шу жумладан, ОСТТдаги фойда солиги режимини жорий қилиш.

•Қўшма корxonани ажратиш ва давлатнинг қўллаб-қувватлаш маҳсулотлари бўйича давлат сиёсати қўламадан келиб чиқиб дифференциация қилиш.

•Хўжалик юритувчи субъектларнинг барча турлари учун қўлай электрон декларация тизимини ишлаб чиқиш.

•Ташқи савдо операциялари учун ягона идораларо интеграциялашган электрон ахборот тизимини жорий этиш.

•Транзит юклар ва транспорт воситаларини бошқаришнинг автоматлаштирилган бошқарув тизимини яратиш.

III боб бўйича хулоса

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши бу соҳани такомиллаштиришда асосий омилдир. Кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ва қўлай бўлган ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни яратиб бериш лозим. Молиявий бошқарув механизмнинг воситалари ва усуллари ёрдамида унинг мақсадлари ҳамда ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларини шакллантирилиши, тақсимланиши ва улардан самарали фойдаланилишни амалга оширилиши зарурдир. Кичик бизнес соҳасини молиялаштириш бўйича хориж тажрибаси ва миллий иқтисодиётдаги хусусиятлардан келиб чиқиб, мазкур масаланинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, айниқса тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаган корxonалар учун махсус қўллаб-қувватлаш фондларини ташкил этиш ва дастурларни жорий этиш, молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш, имтиёзли шартлар асосида қарз бериш, солиқ тўловларини соддалаштириш каби амалиётларни қўллаш соҳанинг янада ривожланишига, кичик бизнес субъектларининг

молиявий барқарорлиги таъминланишига муҳим ҳисса қушиши зарур. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланишида банкларнинг урнини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- Республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун мини технологиялар сотиб олиш учун микрокредитлар ажратиш тизими механизмларини янада такомиллаштириш;

- Қишлоқ хўжалигида кичик бизнес инфратузилмасини жаҳон стандартлари асосида ташкил этиш ва такомиллаштириш;

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар бериш ва ҳужжатлар тизимини соддалаштиришга эришиш;

- Халқаро амалиётдан келиб чиқиб, микромолиялаш институтларини ташкил қилиш;

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун консалтинг хизматлари бозорини ташкил қилиш.

2. Кичик бизнес бошқарувида инновацион хориж тажрибаси бизнес муҳитини янада яхшилашда энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолади. Бунинг учун жаҳон рейтингларида жумладан, “Бизнес юритиш” рейтингига энг яхши 50 та мамлакат қаторига кириш бўйича барча ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишимиз лозим. Барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – инновацион гоёлар саосида янги рақобатбардош маҳсулотлар ҳамда уларнинг ноананавий ассортиментларини ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни қўйиб, мамлакатимизнинг транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш энг самарали йўлдир. Бунда эса халқаро бозор маҳсулот сифатини ошириш, таннархни пасайтириш, янги технологиялар олиб келишга мажбур қилади, бозор ислоҳотларини жадал ривожлантиради. Содда қилиб айтсак, жаҳон ишлаб чиқариш тизимига, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига бизнес бошқаруви соҳасида қилинадиган инновациялар билан кириб бориш талаб қилинади.

3. Мамлакатимизда кичик бизнес корхоналарини бошқарувуни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш истиқболдаги қўлга киритадиган ютиқларимиз ва иқтисодий тараққиётимиз кафолатидир. Энг асосийси, бу ислохотлар натижасида халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиш беришимиз керак. Аҳолимиз етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ва иш жойларини купайтиришимиз зарур. Бундай ғоят долзарб ишларни юқори савиядаги бонқарув асосида амалга ошириш мумкин. Шунинг учун Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва боніқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар утказилиши, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш меъзонлари ва баҳолаш усулларини қамраб олган янги методологияни яратиш лозим.

Муаммолар

Иқтисодиётни стратегик ривожлантириш шароитида кичик бизнесни бошқаришни такомиллаштириш масалаларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш жараёнида бу соҳада ҳали бир қатор уз ечимини кутаётган муаммоларни аниқлаш қийин эмас. Бизнинг фикримизча бу муаммолар қуйидагилар:

- Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий, моддий-техника ресурслари билан таъминлашда чекловларнинг мавжудлиги;

- Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари учун сифатли хизмат кўрсатишда бозор инфратузилмалари фаолиятида рақобатнинг сустлиги;

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида бошқарув ҳуқуқий маданиятининг яхши шаклланмаётганлиги, жойларда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг суст ишлаётганлиги;

- Мамлакатимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бошқа бир қатор имтиёзлар берилишига қарамасдан, ҳали-ҳануз корхоналар бошқарув самарадорлиги етарли даражада эмаслиги;

- Мамлакатнинг экспорт муносабатларида кичик бизнес субъектларининг суст иштироки ва бонқа бир қатор муаммоларни келтириш мумкин. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий куллаб-қувватлаш, ҳамда бу соҳага инвестициялар киритиш, инвесторларни жалб қилиш, модернизациялаш, инновацион ғоялар яратиш, интеллектуал билимли, бошқарув салоҳияти кучли мутахасис кадрлар тайёрлаш ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан саналади. Ана шундай муаммоларни бартараф этишдан асосий мақсад албатта, аҳоли учун муносиб ҳаёт даражасини ва сифатини таъминлашдир.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Юқоридаги муаммоларни бартараф этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бошқарувни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш учун фикримизча қуйидаги таклифларни тақдим этсак мақсадга мувофиқ бўлар эди:

1. Кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда бозор инфратузилмасининг урни ва аҳамиятини янада кенгайтирган ҳолда уларнинг рақобат муҳитини кучайтириш, инфротузилманинг минтақавий қўллаб-қувватлаш маслаҳат марказларини ташкил қилиш;

2. Кичик бизнесни бошқаришни янада такомиллаштириш орқали бошқарувнинг самарали механизмини ташкил қилиш ва шу асосда бошқарув самарадорлигига эришиш, корхона фаолиятининг янада қулай бўлган бошқаруви ташкилий тузилмасини яратиш;

3. Кичик бизнес бошқаруви ташкилий тузилмасини тўғри йўлга солган ҳолда, тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Молиявий бошқарув механизмнинг воситалари ва усуллари ёрдамида кичик бизнес субъектларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш;

4. Корхона бошқаруви самарадорлигини оширишда қилинадиган харажатларни оптималлаштириш ва ходимлар иш кунларини корхонанинг молиявий кўрсаткичларига салбий таъсир этмаслиги асосида мувофиқлаштириш;

5. Ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбағига эга эмаслиги сабаб уларнинг бандлигини таъминлаш, хусусан, давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан ёшларнинг ўз бизнесини бошлаши учун мақсадли кредитлар ажратиш ва уларнинг сарфини таъминлашда тизимли назоратни йўлга қўйган ҳолда ёш тадбиркорлар учун бошқарув курслари, бизнес таълимни ривожлантириш;

6. Кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда хориж давлатлари тажрибасидан фойдаланиб, янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтирган ҳолда, мамлакатимизнинг транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш керак. Шу билан бирга кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ва қулай бўлган ташкилий, молиявий механизм ва шароитларни яратиш;

7. Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда самарали бошқарув айниқса “ақлли бошқарув” асосида, инновацион гояларни кенг жорий этишга ва технологияларни қўллаб-қувватлашга жиддий эътиборни қаратиш ҳамда, тадбиркорлик бошқарувида етук мутахассис кадрларни тайёрлаш ва бу соҳага қизиқувчи ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

8. Бошқарув амалиётида назарий асосларни, ҳуқуқий билимларни қўллаш асосида тадбиркорлик фаолиятини самарадорлигини ошириш, корхона фаолиятини тубдан молиявий модернизациялаш, янги техника технологиялар билан таъминлаш лозим;

9. Республикамиз миққоёсида кичик бизнеснинг ЯҲМдаги улуши буйича Самарқанд вилояти (80,3%), Жиззах вилояти (84,3%) дан сунг иккинчи ўринда туради. Жиззах ва Самарқанд вилоятлари ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши буйича етакчидир. Лекин аҳолини иш билан таминганлик ҳамда саноат тармоқларининг кўрсаткичлари паст. Шунинг учун ҳам бу соҳада айниқса аёллар ва ёшларни кўпроқ жалб қилиб, мамлакатимизда енгил саноатни ривожлантириб, соҳага класстер усулини тадбиқ этган ҳолда, юқори малакали муттаҳассисларни тайёрлаш лозим. Ана шундай муаммоларни ҳал қилиш учун, Иқтисодиёт ва Сервис Институтида Дизайнерлик йуналишини ташкил қилинишини таклиф қиламан. Айнан текстил соҳасини ривожлантирсак, жаҳон бозорига рақобатбардош ва сифатли ўзининг брендига эга булган товарларни экспорт қилсак, соҳада қилинган янги ижобий бурилиш бўлар эди.

Мамлакатимизни иқтисодий қудратини оширишда албатта ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўйинтириб, ишлаб

чиқарилган рақобатбардош маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқариш ҳамда жаҳон бозорида юқори кўрсаткичларга эришиш асосий вазифаларимиздан биридир.

Хулоса қилиб шунни айтиш жоизки, бошқа тармоқларга нисбатан яратилаётган иш ўринлари самарадорлиги юқори бўлган саноат тармогида кичик бизнеснинг нисбатан паст даражадаги ўрнини кўришимиз мумкин. Ушбу кўрсаткични ҳозирги ўсиш даражасининг сақланиб қолиниши келгусида аҳолининг иш ҳаққи ва тадбиркорлик фаолиятдан оладиган реал даромадларининг ошиши билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳолат давлатнинг аҳолига ажратадиган ижтимоий кафолатларини чеклашига олиб келиши мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, етарли экспорт салоҳиятига эга бўлган, айти пайтда янада ривожланиш учун етарли даражада капиталга эга бўлмаган мувафаққиятли ва истиқболи кичик корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш катта аҳамиятга эга.

Кичик бизнес соҳасида бошқарув самарадорлигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, жаҳон бозорига чиқиш имкониятларини бериб, мамлакатни экспорт салоҳиятини кучайтиради ва натижада аҳоли даромадлари ҳамда яшаш даражасини яхшиланишига имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси. 1992 йил.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистонда тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни. 15.02.1991 йил.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонуни. 1991 йил.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги қонуни 30.06.1991 йил.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш тўғрисида”ги қонуни. 21.12.1995 йил.
- 1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. 26.12.1997 йил.
- 1.7. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни. 6.01. 2012 йил.
- 1.8. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлар фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. 02.05.2012 йил. ЎРҚ-328-сон.
- 1.9. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни. 16.05.2012 йил.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 июлда “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 22 июнда қабул қилинган, Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда маъқулланган.

II. Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг фармонлари ва қарорлари

2.1. 2017 йил 7 февралда қабул қилинган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони.

2.2. Президентнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва

ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури туғрисида Фармони. ПФ-5635. 17.01.2019 йил.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 5-октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қушимча чора-тадбирлар туғрисида”ги Фармони.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар туғрисида” ги 7 март 2019 йил ПҚ-4235- сонли Қарори.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қушимча чора-тадбирлари туғрисида”ги Қарори. ПҚ-4231. 07.03.2019 йил

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида”ги Қарори. ПҚ-4525. 20.11.2019 йил.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қушимча чора-тадбирлари туғрисида”ги Қарори. ПҚ-4273. 09.04.2019 йил.

2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш буйича вакили институтини таъсис этиш туғрисида”ги Фармони. 05.05.2017 йил. ПФ-5037-сон.

2.9. 2018 йил 21 ноябрда “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари туғрисида”ги “ПҚ-4022-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелда қабул қилган “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қушимча чора-тадбирлар туғрисида”ги ПФ-5978-сонли Фармони.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёевнинг асарлари ва нутқлари

3.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил якунлари буйича Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига мурожаатномаси 24 январь 2020 йил.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. –Т.: Ўзбекистон, 16.01. 2017. – 104 б.

3.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 – 2017 йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси, Вазирлар Маҳкамасининг йигилишлагига маърузаси. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд.–Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2017. – 572 б.

3.5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. “Халқ сўзи”, 2017 йил 15 январь.

3.6. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзлаган “Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон

хаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиёт кафолатидир” мавзусидаги маърузаси. 07 декабрь 2018 йил.

3.7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 23 июль куни кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. 23.07.2019 йил

3.8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 ноябрь куни жорий йилда давлат бюджетига тушумлар прогнози ижросини таъминлаш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жойларда янада ривожлантириш учун қўшимча имкониятларни аниқлаш ва ишга солиш бўйича курилатган чоралар самарадорлиги ҳамда бу борадаги долзарб вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. 07.11.2019 йил.

3.9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 3 апрель куни коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқирозга қарши курашиш шароитида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши.

4. [Uzbekistan2035/uz/2019/05/Концепция-Развития-Узбекистана-uzb/pdf](https://uzbekistan2035.uz/2019/05/Концепция-Развития-Узбекистана-uzb/pdf) Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегиясининг концепцияси.

IV. Асосий адабиётлар

4.1. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., "Ўзбекистон" нашриёти, 1993 й.

4.2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., "Ўзбекистон" нашриёти, 1995 й.

4.3. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” Статистик тўплами. Тошкент 2019 йил.

4.4. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” Статистик тўплам. Тошкент 2019 йил.

4.5. Пардаев М.Қ., Холикулов А.Н. “Иқтисодиёт субъектларида омилли таҳлилни такомиллаштириш”. Монография. Т.: Навруз нашриёти. 2014 й. 64-108 бетлар.

4.6. Ғойибназаров Б.К., Рахмонов Ҳ.Ў., ва бошқалар. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтириш омили”. Т: Фан. 2011-184 б.

4.7. М.Қ.Пардаев, И.Т.Абдукаримов, А.А.Абдиев, Б.И.Исроилов “Корхоналарда молиявий ҳисоботлар таҳлили”. Маърузалар матни. Самарқанд. СамИСИ, 2006 йил.

4.8. С. Ғуломов “Менежмент ва бизнес асослари”. Дарслик Тошкент мехнат. 1997. 352 б.

4.9. Н.Қ.Йулдошев, В.И.Набоков, О.А.Арипов, О.А.Аҳмедов “Менежмент назарияси”. Маърузалар матни. Наманган 2016 йил.

5. Орлов А.И. Менеджмент: Учебник. – М.: "Изумруд", 2003г.

V. Қўшимча адабиётлар

5.1. Малое предпринимательство в России: прошлое, настоящее и будущее. Под ред. Б.Г. Ясина, А.Ю.Чепуренко, В.В.Буева. М: Фонд «Либеральная миссия» 2003. – стр-137.

5.2. В.Ш. Каганов, В.П. Ващенко, Е.В. Боброва, В.Ю. Заведеева «Взаимодействие малого и крупного бизнеса»: Информационно-аналитический сборник. – М.: ИПИ, 2004. –С. 28.

5.3. Нестеренко Ю.Н. Экономическая сущность и роль малого бизнеса в экономике Европейского Союза. Экономика Европейского Союза. Под ред. Щенина Р.К. -М.: «КноРус», 2012. С. 134-139.

5.4. Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т.Х., Пардаев О.М. Модернизация, диверсификация ва инновация – иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари. Монография. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2014. – 104 бет.

5.5. Зарубежный опыт поддержки малого и среднего предпринимательства. <http://www.gias.ru>.

5.6. “Кичик бизнес тушунчаси ва унинг моҳияти” Мастура Ҳамроева. yoshtadbirkorlar.blogspot.com

5.7. Шахзода Баева “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти”. 02.07.2019 йил. www.biznes-daily.uz

5.8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Гулбаҳор Саидганиеванинг муносабатидан. parliament.gov.uz

5.9. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №1. февраль. 2017 йил www.interfinance.uz

6. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель. 2019 йил 2/2019 (№ 00040) www.iqtisodiyot.uz

VI. Интернет маълумотлари

6.1. www.stat.uz

6.2. www.sam.stat.uz

6.3. www.lex.uz

6.4. www.iqtisodiyot.uz

6.5. <http://www.gias.ru>.

6.6. yoshtadbirkorlar.blogspot.com

6.7. www.biznes-daily.uz

6.8. parliament.gov.uz

6.9. www.interfinance.uz

7. <http://uza.uz/oz/science/>

**Холиқулов Анвар Нематович
Махмудова Дилбар Рахмоновна**

**ИҚТИСОДИЁТНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШ
ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Монография

**Муҳаррир: Г. Раҳимова
Тех.муҳаррир: Ш. Абдурахимов
Мусахҳих: Ё. Қаршибоев**

Гувоҳнома: №10-3512

**25.05.2020 йилда босишга рухсат этилди:
Офсет босма коғози. Қоғоз бичими 60×84_{1/16}.
“Times” гарнитураси. Офсет босма усули.
Ҳисоб-нашриёт т.: 8,0. Шартли б.т. 5,1.
Адади 100 нусха. Буюртма №35.**

**СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.
Манзил: Самарқанд ш, Бустонсарой кучаси, 93.**